



УДК: 911.45(575.1)

Улугбек АБДУЛЛАЕВ,
Андижон машинасозлик институти профессори
E-mail: abdullaev1956u@gmail.com

Т.ф.д., проф. С.Давлатова тақризи асосида

TRADITIONAL FUNERAL CEREMONIES WITH THE PEOPLES OF THE FERGHANA VALLEY
(ANALYSIS OF ETHNOGRAPHIC MATERIALS)

Abstract

The article examines the traditional burial and ritual ceremonies of the peoples of the Fergana Valley. It provides a comparative analysis of the material on different ethnic groups. The article examines the traditional burial and ritual ceremonies of the peoples of the Fergana Valley. It provides a comparative analysis of the material on different ethnic groups. It is shown what function the customs associated with the funeral process perform in the lives of people today. On the example of the population of the Fergana Valley, the factors that played an important role in the formation of the specifics of the funeral are revealed. In addition, the reasons for the formation of similarities in funeral customs among different ethnic groups and the means of influence were studied.

Key words: Fergana Valley, sedentary population, pastoral peoples, funerals and condolences, customs, religious beliefs.

ТРАДИЦИОННЫЕ ТРАУРНЫЕ ЦЕРЕМОНИИ У НАРОДОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ
(АНАЛИЗ ЭТНОГРАФИЧЕСКИХ МАТЕРИАЛОВ)

Аннотация

В статье изучена традиционные обряды и обычаи народов Ферганской долины связанные с похорон и поминки. Сравнительно проанализирован материалы по изучаемым вопросам в различных этнических общинах. Показано, какую функцию сегодня выполняют обычаи, связанные с похоронным процессом в жизни людей. На примере населения Ферганской долины раскрываются факторы, сыгравшие важную роль в формировании специфики похорон. Кроме того, были изучены причины формирования сходств погребальных обычаев у разных этносов и средства воздействия.

Ключевые слова: Ферганская долина, оседлое население, кочевое население, похоронные обычаи и обряды, религиозные верования.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ХАЛҚЛАРИДА АНЪАНАВИЙ МОТАМ МАРОСИМЛАРИ
(ЭТНОГРАФИК МАТЕРИАЛЛАР ТАҲЛИЛИ)

Аннотация

Мақолада Фарғона водийси халқларининг анъанавий дафн ва таъзия билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари ўрганилган. Унда турли хил этник жамоаларда кўриб чиқилаётган масалага оид материаллар ўзаро қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, азалдан сақланиб келаётган дафн маросимлари билан боғлиқ урф-одатларнинг бугунги кунда кишилар орасида бажарётган вазифалари кўрсатиб берилган. Ундан ташқари, дафн маросимлари билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларнинг шаклланишида муҳим рол ўйнайдиган омиллар Фарғона водийси аҳолиси мисолида очиб берилган. Қолаверса, турли этносларда дафн маросимлари билан боғлиқ урф-одатлардаги ўхшашликнинг шаклланишининг сабаблари, таъсир этувчи воситалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Фарғона водийси, ўтроқ аҳолиси, чорвадор халқлар, дафн ва таъзия маросимлари, урф-одат, диний эътиқодлар.

Кириш. Бугунги кунгача Фарғона водийси материаллари асосида халқимизни дафн ва таъзия маросимлари кам ўрганилган. Шу сабаб, оилавий урф-одат тизимидаги ушбу ижтимоий ҳодисани генезисини, мазмун-моҳиятини ва трансформациясини этнослараро муносабатлар контекстида таҳлил қилиш этнография фанидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Дунёнинг барча халқларида оилада фарзанд туғилиши ва никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар кўтаринки, ҳушвақтлик кайфиятида ўтказилган. Инсон ўлими билан боғлиқ ўтказиладиган расм-русум ва маросимлар эса аксинча тушкунлик, ғамгин руҳий ҳолатда бажарилган. Бундай руҳий ҳолат аҳолининг барча ижтимоий ва этник гуруҳлари учун хос бўлган хусусиятдир.

Анъанавий дафн маросимлар ва марҳумни хотирлаш билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган расм-русум ва

иримларнинг яна бир ўзига хос жиҳати, бу уларда диний тасавурларни, айниқса анимистик тушунчаларни нисбатан қатъий сақланиб қолганлигидир.

Маълумки, инсон ҳаёти боқий эмас, ўлим ҳақдир. Бироқ марҳумлар хотираси абадийдир. Зеро, бу абадиёт аждоқларимизнинг марҳумларни хотиралаш, руҳини эъзозлаш билан боғлиқ расм-русум ва маросимларида ўз ифодасини топган. Ўзбек, тожик, қирғиз ва бошқа Ўрта Осиё халқларининг инсон ўлими, уни дафн қилиш ва хотирлаш билан боғлиқ расм-русум ва маросимларини ҳам шартли равишда уч босқичга ажратиш кўрсатиш мумкин. Чунончи, биринчи босқич, ўлим билан боғлиқ урф-одат ва расм-русумлар. Бунга васият, жон ўзилиши вақтидаги бажариладиган расм-русум ва иримлар, жасадни тартибга келтириш ҳамда марҳумни «меҳмон қилиш» одатини киритиш мумкин. Иккинчи босқич, амалга ошириладиган расм-русумлар бевосита майитни қабрга

қўйиш тартиби ва иримлар билан боғлиқдир. Учинчи босқичга, эса аздорлик ҳамда марҳумни хотиралаш билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган кўплаб расм-русум ва маросимлар киради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Урф-одат ва маросимларни бу каби босқичларга ажратиш уларни кетма-кет бажарилиши принциpigа асосланади. Фарғона водийси аҳолисining XIX-XX аср бошларига хос дафн ва у билан боғлиқ расм-русум ва маросимларining бир қатор жиҳатлари айрим тадқиқотчиларнинг ишларида ёритилган [1,2,3,4]. Умуман, водийликларнинг бу каби урф-одат ва маросимлари бошқа тарихий-этнографияй худуддаги халқларники билан ўхшаш. Бу табиий хол. Негаки, Ўрта Осиё халқларining маданияти, жумладан дафн маросимлари ҳам асрлар давомида муайян тарихий-маданий мухит шаронтида ўзаро этномаданий алоқалар натижасида шаклланган.

Шу билан бирга водийликларнинг инсон ўлими, дафн ва марҳумни хотирлаш билан боғлиқ анъанавий расм-русум ва маросимларида айрим этник жиҳатлар ҳам сақланиб қолган. Биз қуйида ушбу соҳадаги этник ва умуминтақавий хусусиятларни намоён бўлишига доир бир неча мисолларни келтириб ўтаимиз.

Халқ орасида инсонни тўсатдан, тасодифий холда вафот этиши «бевакт ўлим» деб аталса, бетоб холда ўлишига нисбатан эса «ўз ажали билан» вафот этди каби ибора ишлатилади. Ҳар иккала холда ҳам барча этник жамоаларда ўлим билан боғлиқ турли хилдаги расм-русум ва маросимлар бажо келтирилади. Жумладан, Фарғона водийсининг деярли барча халқларида бемор «оғирлашиб» қолса у ётган хонадан озик-овқат маҳсулотлари ва ҳатто идиш-анжомларни олиб чиқиб қўйиш одати бўлган. Гўёки, жон бераётган кишининг қўз илғамас қони ушбу нарсаларга сачраб ёмиш. Бу каби тушунча ва одат Ўрта Осиёнинг кўплаб халқларида учрайди[5].

Маҳаллий халқларнинг барчасида умри паёнига етаётган бемор хузурига масжид имоми ёки мулла чорланган. Агар бемор аёл киши бўлса аксарият ҳолларда отинча (отин ойи) таклиф қилинган. Ҳар икки холда ҳам «Қуръони карим»нинг «Ёсин» сураси ўқилиб, имон келтириб турилган. Жон танани тарк этиши билан ўзига хос турли расм-русумлар адо этилган. Барча этник жамоаларда бемор жони танани тарк этгач овоз чиқариб, айтиб йиғлаш одат бўлган.

Маййитни тартибга келтириш борасида ҳам умумий ва этник жиҳатлар кўзга ташланади. Умумийлик шундаки, водийнинг барча этник жамоаларида маййитнинг жағ суяги танғиб қўйилган. Ўтмишда водийнинг шаҳар ва шаҳар олди ўтроқ аҳолисида маййит махсус ғассоллар томонидан покланган. Чорвадор бўлган яримкўчманчи ва яримўтроқ фарғоналикларда бундай «касб»даги кишилар бўлмай, яқинлари, маҳалла (овул)дошлари томонидан бу юмуш адо этилган.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Шариат талабларига кўра инсон вафот этган шу куннинг ўзидаёқ жаноза ўқилиб дафн этилиши лозим. Турмуш тарзида ислом динни чуқур илдиз отган ўтроқ ўзбек, тожик, уйғурлар XIX аср охири XX бошларида бу талабларга қатъий риоя қилганлар. Фақат фавқуллодда ҳоллардагина маййит «тунаб қолган». Бирок яримкўчманчи қирғизларда ҳамда яримўтроқ ўзбек уруғларида маййит албатта бир кун сақланган. Бундан ташқари, ўтмишда қирғиз, қозоқ ва айрим яримкўчманчи ўзбек уруғларида маййит учун махсус қора-ўтов тикиш одати ҳам бўлган. Бу одат XX аср бошларида келиб ҳам Фарғона водийсининг тоғ ва тоғолди худудларидаги яримкўчманчи аҳолида сақланиб қолган эди [6,7]. Бу даврда водийнинг

тоғ ва тоғолди худудларида яшаётган қирғиз уруғларида бошқа яна бир одат-«қора уй» гумбазига мотам рамзи сифатида «желек»-байроғ тикиш удуми ҳам сақланиб қолган эди[8]. Агар марҳум ёш бўлса қизил рангдаги, ўрта ёшда бўлса қора рангдаги ва ниҳоят кекса бўлса оқ рангдаги байроқ (желек) тикилган[9]. Бу одат ўтмишда бошқа чорвадор халқларда ҳам учрайди [10].

Марҳум дафн қилинган кундан бошлаб уч кун мобайнида водийнинг аксарият ўтроқ аҳоли хонадонларида иссиқ овқат тайёрланмаган. Бу кунларда кўшнилари томонидан марҳум хонадонига иссиқ овқат чиқариб турилган. Тўғри, кўплаб қишлоқларда маййит олиб чиқиб кетилган маросим таоми-ҳолвайтар тайёрланган. Бу таом фақат аёлларга тарқатилган [11].

Бирок бу масала юзасидан илмий адабиётларни таҳлил этиш ва дала материалларидан аён бўладики баъзи бир қишлоқларда дафн қилинган кунда марҳум хонадонига полов (ош) дамланган. Бу полов маросимий таом ҳисобланиб аҳоли орасида «қора ош», тожикларда эса «оши сиёҳ» деб номланган.

Маййит дафн қилинган кундаёқ қурбонлик қилиш ва таом тайёрлаб маросим қатнашчиларига улашиш чорвадор халқларнинг азалий одатларидир. Водийлик қирғиз, қипчоқ, қурама, турк ва бошқа яримкўчманчи ва яримўтроқ аҳоли ҳам марҳум дафн қилинган кунининг ўзидаёқ от ёки қорамол сўйганлар. Уни гўшти пиширилиб таъзияга келганларга тортилган. Айни вақтда шуни ҳам айтиш керакки яримкўчманчи (яримўтроқ) аҳоли ўтроқликка ўтиши билан уларнинг баъзи бир қишлоқларида, ўтроқ аҳоли таъсирида марҳум чиққан хонадонда уч кун мобайнида таом тайёрламаслик одатига амал қилина бошланди.

Кўчманчилик турмуш тарзи ва хўжалик йўналишини чорвачиликка ихтисослашуви бу халқларда яна бир қатор анъанавий бошқа удумларнинг сақланиб қолишига имкон туғдирган. Бундай удумлардан бири дафн маросимида қатнашиш учун олисдан келган уруғдошларга «кўноқ оши» тортиш одатидир. Бу одат бўйича олисдан келган қариндошлар учун алоҳида қўй ёки бошқа ҳайвон сўйилиб, ундан таом тайёрланган. Бошқа бир одатга кўра чорвадор халқларда мусулмон дунёсида кенг тарқалган «марҳумни гуноҳини сотиб олиш» одатига кўра, марҳумни гуноҳларини ўз бўйнига олган кимсага туя ва от ҳада қилиш одати кенг тарқалган эди. Бу одат аҳоли орасида «давра солиш» маросими деб юритилган[5].

Маълумки, инсон вафот этиши биланоқ унинг яқинлари учун аздорлик ҳолати қучга қирган. Аза тутиш ислом диндаги барча халқларда, жумладан фарғоналикларда ҳам маълум бир умумий расм-русумларга асосланган. Марҳумнинг яқин аёл қариндош-уруғлари аза либосини кийганлар. Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, водийнинг турли этник жамоаларида аза кийимларида муайян бир фарқлар кўзга ташланади. Чунончи, водийнинг аксарият ўтроқ аҳолисида аёллар аздорлик рамзи сифатида кўк ёки хаворанг қўйлак кийганлар. Эр-хотин Наливкинлар Фарғоналик ўтроқ аҳолида аёллар аздорлик белгиси сифатида кўк қўйлак ва унинг устидан қора рангдаги ҳалатни кийганлигини айтиб ўтадилар [1]. Умуман, кўк рангга мотам, аздорлик рамзи деб қараш кўплаб ҳолларда учрайди [12,13.]. Айни вақтда мусулмон аёллари аздорлик рамзи сифатида бошқа рангда қўйлакларини ҳам кийганлар. Масалан, Фарғона вилоятидаги Аввал қишлоғида яшаган аёллар отаси вафот этса-қора матодан, онаси вафот этса кўк матодан аздорлик қўйлагини кийганлар[5]. М.С.Андреев гувоҳлик беришича, Наманган вилояти Косон туманида яшовчи тожикларда эри ўлган аёл қора матодан, бошқа аздорлар эса

кўк рангдан кўйлак кийганлар[6]. Дарвоке, Фарғона водийси аҳолиси орасида аздор аёлларга нисбатан ҳозирда ҳам «кўк кийди», «кўки бор» каби иборалар ишлатилади. Водийлик кирғизларда бу удум ўзига хос тарзда намоён бўлади. Жанубий кирғизларда эри ўлган аёл қора кўйлак ва қора камзул кийган. Ушбу этник жамоаларда қизил ранг ҳам мотам рамзи ҳисобланган. Бева аёл аздорлик белгиси сифатида аксарият ҳолларда қизил рангли дурра билан пешонасини боғлаб олган [6]. Таъзияда иштирок қилаётган аёлларга ҳам шу рангдаги рўмол, эркакларга эса чорси (белбоғ) улашилган.

Аздорлик нафақат кийимларида балки марҳум яқинларининг турмуш тарзида ҳам намоён бўлади. Аздорлик уйин-қулги, хурсандчилик ва тўй-томоша, байрамларда иштирок қилишлари марҳум хотирасига нисбатан ҳурматсизлик деб баҳоланган. Эркаклар махсус аза кийимларини узок вақт кийиб юрмасаларда, юқоридаги удумга риоя қилган ҳолда, соч-сақолларини олдирмаганлар. Қирғизлар аздорлик белгиси сифатида ҳатто тирноқларини ҳам олмаганлар [8].

Аза тутиш муддати ҳам марҳумга қариндошлик даражасидан келиб чиқиб турли вақтга қадар чўзилган. Марҳумнинг яқин аёл қариндошлари (онаси, хотини, опсингисини) учун бу ҳолат одатда вафот этган кишининг «йили», «йил оши»га қадар давом этган. Айрим ҳолларда эса аёллар ихтиёрий равишда икки-уч йилга қадар ҳам аза тутганлар. Сўхлик тожикларда аёл кишиларнинг аздорлик даври ҳатто етти йилга қадар чўзилган[5]. Ислому дини бу қадар узок муддат аза тутушликни маъқул ҳисобламайди. Хадисда айтишича «Оллоҳга ва охирага кунига ишонган аёлнинг ўлиққа уч кундан ортиқ аза тутмоғи макруҳдир, эри ўлсагина тўрт ой-ю уч кун мотамда бўлғайди»[14]. Гап бу ерда аёл киши томонидан «идда» («иддат») сақлаш тартиби ҳақида кетмоқда. Шариат бўйича эри ўлган аёлга тўрт ой-ю уч кун муддат бошқа эркакка турмушга чиқши таъқиқланади. Негаки, бу муддат ичида аёл кишини марҳум эридан хомиласи бор ёки йўқлигига аниқланган. Агарда у хомиладор бўлса, фарзанд туғулгунга қадар бошқа эркак билан никоҳланиши ман қилинади.

Аза тутиш билан боғлиқ расм-русумлар бевосита марҳумни хотиралашга доир маросимлар билан қўшилиб кетган. Марҳумни хотиралаш билан боғлиқ ҳолдаги маросимлар эса анчагина. Булар ичида марҳумнинг «учи», «еттиси», «йигирмиси», «қирқи» ва «йили» деб номлашувчи маросимлар асосийларидир.

Бундан ташқари, ўтмишда бир йилга қадар ва ундан кейинги даврда ҳам марҳумнинг руҳига бағишлаб ўтказиладиган «пайшанбалик», «марака», «оқ кийди», «қада» каби маросимлар ҳам алоҳида аҳамият касб қилган. Айниқса, мусулмончилик фарзларидан бири саналган рўзани тугаши билан нишонланадиган байрамларда марҳум хотирасига бағишлаб алоҳида маросим ўтказил-

ган. Айрим дарахтларни гуллаши, қовун пишиғи, илк бор қор ёғиши билан боғлиқ ҳолда ҳам водийнинг ўтрок аҳолисида марҳумни ўзига хос тарзда хотиралаш маросимлари ташкил этилган[15,16,17].

Шу ва шу каби расм-русум ва маросимларни ўтказишда ҳам биз этник ўзига хослик билан бирга этнослараро алоқаларни намоён бўлишини кузатдик. Масалан, илк бор атиргул очилганда, қовун пишганда ёки биринчи бор қор ёққанда марҳум хотирасига бағишлаб маросим ўтказиш юқорида таъкидлаганимиздек азалий деҳқончилик билан шуғулланувчи халқлар учун хосдир. Лекин XIX-XX аср бошларида бу каби маросимлар водийнинг ўтроклашган кирғиз этник гуруҳлари орасида ҳам оммалашдики, бу шубҳасиз этномаданий алоқаларнинг оқибатидир. Зеро, дарахт гуллари, полиз экинларни етилиб пишиши ҳамда қор ёғиши билан боғлиқ марҳум руҳига бағишлаб бундай махсус маросимларни ўтказиш кўчманчи чорвадор халқлар учун, жумладан кирғизлар учун анъанавий ҳисобланмайди.

Умуман, азалий чорвадор халқларининг марҳумни хотиралаш билан боғлиқ бундай расм-русум ва маросимларда кўчманчилик турмуш тарзига хос бўлган бир қанча жиҳатлар акс этиб туради. Маълумки, марҳум вафот этганига бир йил тўлиши барча халқларда қатта эътибор билан қайд этилади. Деярли барча этник жамоалар ушбу санани ўзига хос расм-русум ва маросимлар билан нишонлаганлар. Марҳум руҳига бағишлаб қурбонлик қилганлар ва турли хилдаги маросимий таомлар тайёрланиб ислоний ёки ислонлашган ирим ва расм-русумлар адо этилган. Ўтмишда чорвадор халқларда марҳумни йилига бағишлаб ўтказиладиган маросимда пойга, улоқ кураш каби анъанавий халқ ўйинларини уюштириш одати кенг тарқалган эди[18]. Бундай оммавий томошалар албатта қатта сарф-ҳаражат талаб қилган. Шу сабаб бундай тадбирларни асосан ўзига тўқ ва бой хўжалиқларгина ташкил эта олганлар, албатта.

Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations). Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, XIX-XX аср бошларида Ўрта Осиё хулудидида, жумладан Фарғона водийсида яшаётган ўзбек, тожик, кирғиз, уйғур, қорақалпоқ ва бошқа маҳаллий этник жамоаларнинг оилавий урф-одат ва маросимларида хусусан дафн маросимларида умумий жиҳатлар устувор эди. Бундай ўхшашлик ўзининг тарихий асосларига эга бўлиб, бу ушбу халқларнинг этногенези ва этник тарихи бир эканлиги, уларнинг маданиятлари ягона этномаданий муҳитда шаклланганлиги билан изоҳланади.

Хуллас, Фарғона водийси халқларини анъанавий дафн ва таъзия маросимларини таҳлил қилишдан аён бўладики, яқин ўтмишда ҳам қадимги даврларга хос бўлган бир қатор архиак элементлар барча этник жамоалар турмуш тарзида нафақат сақланиб қолган эди, балки муҳим аҳамият касб этган.

АДАБИЁТЛАР

1. Наливкин В. Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань 1886 г. – С. 231-235.
2. Ершов Н.И. Похороны и поминки у таджиков Исфары // Этнография Таджикистана. – Душанбе, 1985. – С.48-54.
3. Аширов А.А. (Ўзбек халқи мотам маросимида зардуштийлик излари // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2002.-№1, 65-72-бетлар.
4. Турсунов Б.Р. Особенности семьи, семейных обрядов населения Ферганской долины в XX века (на примере Конибодмского оазиса): Афтореф. дисс. ... к.и.н. – Ташкент, 2002. – С. 20-21.
5. Кармышева Б.Х. Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. – Москва, Наука. 1986 – С.140.
6. Андреев М.С. Таджики долины Хуф. (Верховья Аму-Дарьи). Выпуск I. Научное издание. — Сталинабад: Издательство Академии наук Таджикской ССР, 1953. – С.196.

7. Рахимов М. Обычай и обряды, связанные со смертью и похороны у таджиков Куябикой // ИООН. АН ТаджССР. Вып. 3. – Душанбе, 1953. – С.124.
8. Дала ёзувлари. 2002. Андижон вилояти, Жалолкудук тумани.
9. Дала ёзувлари. 2002. Наманган вилояти. Чуст тумани Ғова қишлоғи.
10. Баялиева Т.Д. Доисламские верования и их пережитки у Киргизов. – Фрунзе, 1972 г. – С.70.
11. Дала ёзувлари. 2002. Андижон вилояти Хўжаобод тумани.
12. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент, 1990. 131-бет.
13. Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. 92-бет.
14. Исмоил ал Бухарий. Ҳадис, 1-китоб. – Тошкент, 1991. 346-бет.
15. Таджик Каратегина и Дарваза. Душанбе, 1978. – С. 155-162.
16. Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Тошкент, 100-114-бетлар.
17. Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов И. Ўзбек оиласи тарихидан. – Тошкент, 1995. 112-115-бетлар.
18. Шаниязов К. Узбеки - карлуки : (Ист.-этногр. очерк) / Акад. наук УзССР. Ин-т истории и археологии. – Ташкент: Наука, 1964. – С.195.



УЎК: 327.33(575.1)

Отабек АЛИМАРДОНОВ,
Ўзбекистон Миллий университети доценти в.б.,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: otabekalimardonov111@gmail.com

ЎзМУ профессори Р.Х.Муртазаева тақризи асосида

SISTER CITIES AS THE MAIN ACTORS OF THE PUBLIC DIPLOMACY OF UZBEKISTAN

Abstract

Today, the world has accumulated a wealth of experience in establishing and developing fraternal relations, and their study and implementation in the context of Uzbekistan can serve to strengthen the fraternal ties of the cities of Uzbekistan. Cooperation in fraternal relations through public diplomacy and cultural exchange fosters mutual understanding and trust. This, in turn, leads to the establishment and strengthening of trade, economic, cultural and humanitarian ties.

Key words: public diplomacy, para-diplomacy, sister cities, public, international cooperation, subregional level, “Alliance of Silk Road Cities”, trade, economic, cultural and humanitarian ties.

ГОРОДА-ПОБРАТИМЫ - КАК ОСНОВНЫЕ ДЕЙСТВУЮЩИЕ АКТОР НАРОДНОЙ ДИПЛОМАТИИ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация

Сегодня в мире накоплен богатый опыт установления и развития братских отношений, и их изучение и внедрение в контексте Узбекистана может послужить укреплению братских связей городов Узбекистана. Сотрудничество в братских отношениях посредством публичной дипломатии и культурного обмена способствует укреплению взаимопонимания и доверия. Это, в свою очередь, ведет к установлению и укреплению торгово-экономических, культурных и гуманитарных связей.

Ключевые слова: публичная дипломатия, парадипломатия, города-побратимы, общественность, международное сотрудничество, субрегиональный уровень, «Альянс городов Шелкового пути», торгово-экономические, культурные и гуманитарные связи.

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР – ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ АСОСИЙ АҚТОРЛАРИ СИФАТИДА

Аннотация

Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида биродарлашув алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш бўйича бой тажриба тўпланган бўлиб, Ўзбекистон шароитида уларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш Ўзбекистон шаҳарларининг биродарлашув алоқаларини кучайтиришга хизмат қилиши мумкин. Биродарлашув алоқаларида халқ дипломатияси ва маданий алмашинув воситалари орқали ҳамкорлик қилиш ўзаро тушуниш ва ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни яратишга ва мустаҳкамлашга олиб келади.

Калит сўзлар: халқ дипломатияси, парадипломатия, қардош шаҳарлар, жамоат, халқаро ҳамкорлик, субминтақавий даража, “Ипак йўли шаҳарлари иттифоқи”, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар.

Введение. Идея городов-побратимов, одного из важнейших направлений публичной дипломатии в системе международных отношений, была впервые выдвинута президентом США Дуайтом Эйзенхауэром в 1950-х годах[1].

Во время Второй мировой войны Д.Эйзенхауэр много сделал для наведения «мостов дружбы» между американским обществом и другими зарубежными странами. Правительство США также поддержало инициативу президента и ввело ряд должностей, ответственных за развитие международных отношений во многих муниципалитетах. В результате муниципальные власти и местные сообщества - простые американцы – стали активно участвовать в красочных международных проектах. Эти действия носили дружеский характер и послужили установлению братских отношений[2]. Братские регионы (области, города, районы) играют важную роль в социально-экономическом, культурном, гуманитарном и торгово-инвестиционном сотрудничестве Узбекистана с мировым сообществом. Кроме того, братские отношения приводят к активизации прак-

тической деятельности группы населения страны, расширению культурных связей, осознанию достижений современных инновационных технологий и технологий. Братские отношения также играют важную роль в развитии народной дипломатии, обеспечивая дружбу, терпимость и межнациональное согласие между народами. Поэтому изучение побратимских отношений между городами нашей страны является одной из актуальных проблем.

Основная часть. «Исследование братских отношений между городами и регионами Узбекистана» полностью соответствует целям и задачам Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы[3].

Прежде всего, Стратегия действий воплощает в себе благородную цель поиска точек соприкосновения с зарубежными странами и их сообществами, установления дружеских отношений. Во-вторых, этот программный документ делает упор на безопасность, межэтническое согласие и религиозную терпимость, а также на продуманную, взаимовыгодную и практическую

внешнюю политику[4]. В рамках данной госпрограммы создан Комитет по межнациональным отношениям и дружбе с зарубежными странами при Кабинете Министров Республики Узбекистан» «Налаживание контактов в регионах и городах Узбекистана»[5]. Исследования по изучению братских территорий в Узбекистане показывают, что города и районы Узбекистана установили братские отношения с 71 регионом зарубежных стран[6]. Анализ существующих братских территорий по областям республики показал, что наиболее братскими отношениями являются Самаркандская область (17), город Ташкент (14), Бухарская область (13) и Ферганская область (7)[7]. Наименее братскими отношениями являются Сурхандарьинская область (3), Ташкентская область (3), Наманганская область (3), Хорезмская область (3), Навоийская область (2), Сырдарьинская область (2), Андижанская область (1), Джизакская область (1), Кашкадарьинская область (1) и Республика Каракалпакстан (1)[8]. Города-побратимы также занимают особое место в дипломатических отношениях Узбекистана с Китаем, Южной Кореей и Японией. На сегодняшний день около 30 городов и регионов Узбекистана с городами Хунань, Чжэцзян, Шэньси, Шанхай, Янчжоу, Сиань, Лоян в Китайской

Народной Республике, Сеул, Нагу, Йонгин, Инчхон, Соннам в Южной Корее, Нагоя, Нара, Майдзуру в Японии. И установили братские отношения с городами Томиока[9]. Результаты анализа показывают, что Китай, Южная Корея и Япония являются лидерами братских отношений Узбекистана. Однако, учитывая весь потенциал братских отношений с этими тремя странами, также ясно, что братского сотрудничества недостаточно. Дело здесь в разумном использовании сложившихся братских связей. Города и районы Узбекистана пока не эффективно используют существующие возможности в этой сфере. Тем не менее, налаженные партнерские отношения могут принести плоды в будущем. Предложение об установлении сотрудничества между Бухарой и древним китайским городом Лоян было сделано президентом Китая Си Цзиньпином во время своего визита в Узбекистан в 2016 году[10]. В ходе государственного визита Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева в Китайскую Народную Республику в 2017 году между Бухарой и Лояном был подписан меморандум об установлении партнерских и братских отношений. Город Лоянда, расположенный в провинции Хэнань на западе Китая, по состоянию на 2010 год имел население более 1 миллиона человек (население города составляет около 7 миллионов). Город промышленно развит, но его главным преимуществом являются исторические памятники, которые привлекают туристов со всего мира. Город богат древними памятниками, современными университетами, музеями[11]. Исторический центр Бухары был включен в Список всемирного наследия ЮНЕСКО в 1993 году. В список вошел невероятный памятник в Лояне 2000 года - буддийские пещерные храмы Луньмэнь («Каменные пещеры у ворот Дракона»). Между этими двумя древними городами сельское хозяйство, мелиорация земель, теплицы, ремесла, разведение тутового шелкопряда, альтернативная энергия, переработка отходов Сотрудничество ведется в таких сферах, как промышленность и туризм. Администрация города Бухары и деловые круги несколько раз посещали Лоянду и встречались с лидерами отрасли города. Также в Бухарском государственном университете состоялась встреча китайской делегации с представителями крупных туристических агентств и

партнерских организаций с целью дальнейшего укрепления сотрудничества и установления взаимовыгодного партнерства между двумя городами для развития туризма между Корпорацией развития туризма провинции Лоюань[12]. В 2018 г. Сырдарьинская область Установлены братские отношения с провинцией Чжэцзян и городом Ойхай Китайской Народной Республики[13]. Между двумя регионами подписано 15 соглашений на сумму 205 миллионов долларов, налаживается сотрудничество в сельском хозяйстве, легкой промышленности и других сферах. В результате сотрудничества на территории свободной экономической зоны «Сырдарья» действуют производственный комплекс «Пэн Шэн» и Общество с ограниченной ответственностью «Агро Эко Технологии». Peng Sheng, диверсифицированная компания, открытая для китайских инвестиций в Джизакской свободной экономической зоне, инвестировала в Узбекистан 40 миллионов долларов. В планах реализовать 7 проектов на сумму \$. Проекты этого узбекско-китайского совместного предприятия направлены на производство обуви и кожгалантереи, мебели и смесителей, замков, мобильных телефонов и другой продукции[14]. Устанавливая дружеские отношения с зарубежными городами, китайское правительство стремится расширить возможности для бизнеса. Альянс городов Шелкового пути, основанный в 2017 году Международной торговой палатой Китая по Шелковому пути и Всекитайской ассоциацией содействия дружбе, представляет собой новую диалоговую площадку для сотрудничества и развития между странами и городами региона. В альянс входят 43 зарубежных города и провинции, а также 6 китайских городов вдоль Великого шелкового пути[15]. Сегодня Ташкентская, Самаркандская, Кашкадарьинская, Бухарская области и город Ташкент являются членами Альянса Шелкового пути. Альянс городов Шелкового пути обеспечивает прагматичную платформу для укрепления культурного обмена и торгового сотрудничества между городами-членами в рамках инициативы «Один пояс, один путь», позволяя ему делиться своим опытом в области городского управления, чтобы лучше использовать существующие возможности городского развития и решать проблемы.

В приоритеты Союза входят:

1. Стремление к развитию торгово-экономического сотрудничества, дружественного и культурного обмена между городами и регионами Великого шелкового пути;
2. Активно продвигать и углублять дружбу и взаимопонимание между народами, устанавливать контакты и диалог с намерением присоединиться к Альянсу дружественных городов, а также развивать сотрудничество и обмена между образовательными и деловыми учреждениями;
3. Установление и развитие сотрудничества между различными учреждениями вдоль Великого шелкового пути по инициативе Союза городов;
4. Обмен информацией и знаниями в области экономики, образования, культуры и искусства посредством данной инициативы. Международная конференция «Совместное развитие городов на Великом шелковом пути», проводимая в 2019 году в рамках Альянса, служит дальнейшему развитию и укреплению братских связей.

Узбекско-китайский бизнес-форум, который объединяет более 50 предпринимателей из двух стран, позволяет Самаркандской, Кашкадарьинской и Бухарской областям сотрудничать с более чем 10 крупными китайскими компаниями[16]. Таким образом, в результате

сотрудничества с Альянсом Узбекистан имеет возможность ознакомиться со своим инвестиционным потенциалом, возможностями бизнеса в стране, а также проектами, реализуемыми с участием иностранных инвесторов. Благодаря взаимному сотрудничеству экспорт выращенной в Узбекистане сельскохозяйственной продукции в КНР в ближайшем будущем может существенно повлиять на финансовый потенциал страны и обеспечить благосостояние народа. Как символ современной цивилизации, города являются центром экономики, политики, науки и технологий, культуры и образования. На протяжении всей истории индустриализация и модернизация страны также проявлялись в процессе урбанизации. Узбекистан и Южная Корея Сотрудничество между городами выражается в обмене информацией о гостевых делегациях, спортивных командах, выставках, литературе, фильмах, городской жизни. В частности, Ташкент и Сеул - лучшие примеры братских отношений. Соглашение об установлении братских отношений между двумя столицами было подписано в 2006 и 2010 годах[17]. Приоритетами сотрудничества двух городов являются градостроительство, архитектура и ландшафтный дизайн, развитие общественного транспорта и жилищно-коммунального хозяйства на основе современных технологий, электронное правительство, управление водными ресурсами, охрана окружающей среды[18]. Сегодня городская администрация совместно работает над созданием концепций «электронного правительства», «зеленого города», «безопасного города» в Ташкенте. Для реализации этих проектов и запуска проекта «Цифровая мэрия» в Ташкенте (2018 г.) мэр Сеула Ким Ю Шик назначен советником мэра Ташкента[19]. Дни и недели дружбы проводятся как один из эффективных способов общения с городами-побратимами. Эти мероприятия служат расширению дружбы и сотрудничества[20]. Сеульская ярмарка дружбы, спонсируемая мэрией Сеула, также способствует расширению культурных связей и знакомству корейского народа с национальной узбекской музыкой и фольклором. Сегодня она стала прекрасным местом, где собрались два народных артиста, живописцы и мастера. Собрать[21]. В Ферганской области братские отношения с корейскими городами также положительно влияют на социально-экономическое развитие региона. В 2008 году Ферганская область установила братские отношения с южнокорейским городом Йонгин. Роль женщин-предпринимателей особенно важна в отношениях между двумя регионами. Женщины-предприниматели Ассоциации деловых женщин Ферганской области, занимающиеся производством одежды, сельским хозяйством, медицинскими услугами и другими сферами, регулярно работают со своими партнерами в Корее. Также в рамках обмена делегациями между городами посредством народной дипломатии регулярно отмечаются дни культуры, национальные праздники (2011, 2012, 2013)[22]. В результате установления братских отношений между городом Фергана и районом Йонгсан Южной Кореи в 2012 году такие компании, как Sayqal и Atlant, работают с корейскими партнерами. Sayqal – первое инновационное предприятие в Узбекистане по производству каменной бумаги на основе современных технологий. Выпускает 9000 тонн бумаги в год. Сегодня во всем мире растет спрос на качественную каменную бумажную продукцию, потому что она не наносит вреда окружающей среде, а использует обычный камень или кальций[23]. Ферганская область реализует ряд масштабных проектов с мэрией Кванджу и Торгово-промышленной палатой Кванджу в экономической,

социальной, культурной и предпринимательской сферах, а также преобразование Ферганской области в инвестиционный центр. Согласно меморандуму, подписанному в последние годы между Ферганской областью и администрацией города Почхон-Си, между Кокандом и Почхон-Си установлены братские отношения с целью развития экономических, социальных, инвестиционных и туристических связей и установления тесного сотрудничества[24]. Поиск и освоение новых возможностей в братских отношениях между городами двух стран, территорий, которые еще не освоены, могут дать хорошие результаты. Корея - страна высоких технологий. Роль промышленно развитых городов в развитии страны велика. Несмотря на то, что это относительно небольшая страна, изучение достижений городского управления, урбанизации и промышленности в этой стране и адаптация полученного опыта к условиям Узбекистана может дать хорошие результаты[25]. В Японии города играют важную роль в национальном экономическом и социальном развитии. По данным на 2013 год, города и регионы страны принадлежат зарубежным странам. Отмечается, что он поддерживает братские отношения с 1617 городами и провинциями. Крупнейшими партнерами Японии в этой области являются США (437), Китай (344) и Южная Корея (138)[26]. Вышеупомянутые 3 страны также являются крупнейшими торговыми партнерами Японии. Китай и Южная Корея также являются ближайшими соседями Японии. Братские отношения с городами этих стран не только принесут финансовую выгоду Японии, но и позволят поддерживать атмосферу региональной безопасности, честной конкуренции, осведомленности об инновационных технологиях и взаимной дружбы. Сотрудничество между Узбекистаном и Японией развивается на принципах взаимной дружбы, доверия и равноправного партнерства. На сегодняшний день разработаны «дорожные карты» по углублению торгово-экономического, культурного, гуманитарного, научного и технологического сотрудничества между Ташкентской областью и префектурой Айти, Ташкентом и Нагойей, Самаркандом и Нарой[27]. В частности, в Ферганской области отношения с Японией налажены по многим направлениям. В регионе создан инвестиционный центр для привлечения прямых иностранных инвестиций, и через города-побратимы и иностранных бизнесменов в нашу страну в него было инвестировано более 161 миллиона долларов. Эти средства планируется направить на открытие новых предприятий и модернизацию действующих, создание более 2700 рабочих мест. Инвестиционный хаб также будет работать со свободными экономическими зонами и инновационными центрами региона[28]. Экспериментальный парк Риштан-Томиока (3,5 га), созданный в результате партнерства между Риштаном и Томиокой, префектура Гумма, Япония, привлек инвестиции в размере 100 000 долларов США. В дальнейшем планируется увеличить стоимость проекта до 1 миллиона долларов. Братские отношения Узбекистана со странами Юго-Восточной Азии развиты слабо. На сегодняшний день братских отношений между регионами и городами Узбекистана и Малайзии не установлено. Хотя этот вопрос несколько раз поднимался на встречах и конференциях на правительственном уровне, практических шагов пока не сделано. Это может быть вызвано рядом факторов. Например, посол Малайзии в Узбекистане Хэнди Ассан сообщил, что в Малайзии объявлен мораторий на создание «городов-побратимов» между территориальными объединениями

страны и зарубежными странами[29]. Братские отношения между городами Узбекистана и Вьетнама также слабы. Хотя в 1981 году Ферганская область была побратимом вьетнамской провинции Фиок-Тхань, практического сотрудничества было мало. Тем не менее, Узбекистан продолжает сотрудничать с этими двумя странами в других областях публичной дипломатии. Анализ материалов о братских отношениях между городами и регионами Узбекистана с административными районами Китая, Южной Кореи, Японии, Малайзии и Вьетнама показывает, что помимо множества позитивных дел, которые делаются в этой сфере, есть еще много неиспользованных возможностей. Это можно объяснить рядом факторов.

Первый, Существующие братские отношения с городами и провинциями Китая, Южной Кореи и Японии в основном ограничиваются культурной и образовательной сферами. Однако в этой сфере есть большие возможности для запуска новых секторов и производств узбекской экономики, реализации эффективных проектов в сфере туризма, производства, легкой промышленности. Список 15 городов мира, которые окажут серьезное влияние на мировую экономику и ВВП к 2030 году, составленный The Independent в 2015 году, включает 9 китайских городов, а это означает, что сотрудничество с ними в будущем является многообещающим.

Во-вторых, несмотря на то, что Сурхандарьинская, Ташкентская, Джизакская и Навоийская области имеют братские отношения с Китаем, Южной Кореей и Японией, рациональное использование братских возможностей оказалось неэффективным.

В-третьих, отрицательной ситуацией можно считать отсутствие у Андижанской, Кашкадарьинской и Хорезмской областей братских территорий с Дальним Востоком. Однако доля этих регионов в экономике нашей страны и в различных отраслях высока. Исходя из внутреннего потенциала этих регионов, установление братских отношений с городами и регионами Дальнего Востока может положительно сказаться на социально-экономическом развитии регионов.

В-четвертых, слабый обмен опытом в социально-политической сфере с населением городов-побратимов.

Практическая работа в этой области посредством народной дипломатии не налажена.

Заключение. В целях дальнейшего развития братских отношений и расширения географии городов и регионов нашей страны с территориями зарубежных стран может быть проделана следующая работа:

Во-первых, необходимо согласовать правовую базу и организационную деятельность существующих городов-побратимов с целью повышения эффективности их деятельности. Создание неправительственной некоммерческой организации (например, Национальной ассоциации городов-побратимов Узбекистана) или Управления по работе с городами-побратимами в рамках Комитета по международным отношениям и дружбе с зарубежными странами при Кабинете Министров Республики Узбекистан. Республика Узбекистан может помочь.

Во-вторых, необходимо укреплять международное сотрудничество городов-побратимов. Для этого очень эффективными могут быть контакты с международными некоммерческими организациями в этой области. Следует учитывать положительные аспекты членства во Всемирной федерации городов-побратимов. В этом отношении также были предприняты практические шаги. Помимо создания новых возможностей для сотрудничества в Бухаре, Самарканде, Ташкентской области и городе Ташкенте в Узбекистане в формате китайского «Альянса городов Шелкового пути», включение Хивы и Шахрисабза в состав Узбекистана окажет положительное влияние на туризм и услуги.

В-третьих, возможно расширение сотрудничества между городами Узбекистана и городами-побратимами зарубежных стран путем организации «Форума дружбы городов-побратимов» в рамках 30 июля - «Дня международной дружбы». В этом случае использование опыта города Чикаго в США дает хорошие результаты. Преимущество «чикагской модели» в том, что она регулярно организует культурные, социально-экономические проекты между городами-побратимами. В советское время аналогичная систематическая работа велась в братских отношениях между Ташкентом и Сизлом, но позже эти отношения прекратились.

ЛИТЕРАТУРА

1. Выступление Президента США Д.Эйзенхауэра. Пресс-конференция, г.Вашингтон, Белый дом. 1956 г.
2. Asuka Ogawa SISTER CITY AS A PRESERVATION STRATEGY Submitted in partial fulfillment of the requirement for the degree Master of Science in Historic Preservation Graduate School of Architecture, Planning and Preservation Columbia University May 2012 C.11.
3. Бекмуродов М., Куронбоев К., Тангриев Л. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққий ва янгиланиш сари. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.
4. “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. // “Халқ сўзи” газетаси, 2017, 23 май.
5. ЎзРВМ ММХМДАҚ ЖА // “Ўзаро ҳамкорлик-шериклик ўрнатган Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг шаҳар ва вилоятлари рўйхати” 2020 й ПДФ .1- 4 варақлар.
6. Ўша жойда. 1-4 варақлар.
7. Ўша жойда. 1-4 варақлар.
8. ЎзРВМ ММХМДАҚ ЖА // “Ўзаро ҳамкорлик-шериклик ўрнатган Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг шаҳар ва вилоятлари рўйхати” 2020 й ПДФ .1- 4 варақлар.
9. Бухара и китайский Лоян станут городами-побратимами // <https://podrobno.uz>
10. Бухоро ва Хитойнинг Лоян шаҳри ўзаро биродарлашади. // <https://sputniknews-uz>.
11. Лоян ва Бухоро туризм бўйича ҳамкорликни кучайтирмоқда// www.kun.uz..
12. ЎзРВМ ММХМДАҚ ЖА // Сирдарё вилояти ҳокимияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасига тақдим этилган расмий маълумот. 2 жилд 17 варақ

13. Peng Sheng ҚК Ўзбекистонда қиймати 40 млн. долларлик 7 лойиҳани амалга оширишни режалаштирмақда // www.uztagnews.uz.
14. ЎзРВМ ММХМДАҚ ЖА 2 жилд 5 варақ
15. ЎзРВМ ММХМДАҚ ЖА 2 жилд 6 варақ
16. ЎзРВМ ММХМДАҚ ЖА //Осиё ва Тинч океани мамлакатлари билан алоқалар бўлими “Корея” жилди 21 варақ.
17. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев – Сеулнинг фахрий фуқароси // <https://vodiymedia.uz>.
18. ЎзРВМ ММХМДАҚ ЖА //Осиё ва Тинч океани мамлакатлари билан алоқалар бўлими “Корея” жилди 8 варақ.
19. ЎзРВМ ММХМДАҚ ЖА //О провoдимой диппoдставительствaми Республiки Узбекистан в стpанaх Азиатско-Тихooкeанскoгo рeгиoнa рaбoтe пo рaзвoтию пoбpатимских связей, устанoвлeнных мeжду гoрoдaми Узбекистана и стpанoй пpебывaния/аккpедитaции. Лист 1.
20. ЎзРВМ ММХМДАҚ ЖА //О провoдимой диппoдставительствaми Республiки Узбекистан в стpанaх Азиатско-Тихooкeанскoгo рeгиoнa рaбoтe пo рaзвoтию пoбpатимских связей, устанoвлeнных мeжду гoрoдaми Узбекистана и стpанoй пpебывaния/аккpедитaции. Лист 2.
21. Farg'onada toshdan qog'oz ishlab chiqaruvchi korxonona quriladi.//<https://oz.sputniknews-uz>.
22. Farg'ona viloyati delegatsiyasining Janubiy Koreya Respublikasiga tashrifi yakunlari to'g'risida <https://fergana.uz>.
23. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви (ТИБ ЖА) 1-жамланма 12 варақ.
24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг жорий архив материаллари.//Осиё ва Тинч океани мамлакатлари билан алоқалар бўлими маълумотлар базаси 8 варақ.
25. Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори <https://lex.uz>.
26. Фарғона вилоятидаги инвестиция хабига \$161 млндан зиёд маблағ жалб этилади <https://uztag.info.uz>.
27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг жорий архив материаллари.//Бухоро вилояти ҳокимияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасига тақдим этилган расмий маълумот. 2 жилд 15 варақ.
28. Пойтахтнинг қардош ва стратегик ҳамкор шаҳарлари қайсилар? www.kun.uz.
29. The cities contributing most to global GDP by 2030. 13/05/15 // www.oxfordeconomics.com



Жаҳонгир АМИРДИНОВ,
Самарқанд Давлат тиббиёт институти ассистенти
E-mail: amirdin.jahongir@mail.ru

СамДТИ доценти ф.ф.н Ю.М. Халимбетов тақризи асосида

GROWTH OF POPULATION OF UZBEKISTAN ON ACCOUNT OF MIGRATION IN 1970-1977 YEARS

Annotation

Based on archival data, the article describes the resettlement policy of the Soviet government in Uzbekistan. In 1970-1977, a large number of people moved from the territory of the Union, mainly to urban villages. Although, in some years, there is an increase in migration in rural areas, the impact on the growth of the main population is small and we can notice that the increase in migration in other years is negative. The study of population migration to the regions and cities of Uzbekistan also provides valuable information on the composition of workers, employees, students and pensioners.

Keywords: introduction of "communist ideology", urban population, rural population, increase and decrease in migration, workers, employees, students, pensioners, archival documents.

ПРИРОСТ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА ЗА СЧЕТ МИГРАЦИИ В 1970-1977 ГОДАХ

Аннотация

В статье на основе архивных данных описывается переселенческая политика Советского правительства в Узбекистане. В 1970-1977 годах большое количество людей переехало с территории Союза, в основном, в городские селения. Хотя, в некоторые годы наблюдается рост миграции в сельской местности, влияние на рост основного населения невелико и мы можем заметить, что рост миграции в другие годы является отрицательным. Изучение миграции населения в регионы и города Узбекистана также дает ценную информацию о составе рабочих, служащих, студентов и пенсионеров.

Ключевые слова: внедрение «коммунистической идеологии», городское население, сельское население, увеличение и уменьшение миграции, рабочие, служащие, студенты, пенсионеры, архивные документы.

1970-1977 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИГРАЦИЯ ҲИСОБИГА ЎСИШИ

Аннотация

Мақолада совет ҳукуматининг Ўзбекистонга аҳолини кўчириш сиёсати архив маълумотлари асосида ёритилган. Унда 1970-1977 йилларда асосан шаҳар аҳоли яшаш жойларига иттифок ҳудудидан жуда кўплаб аҳоли кўчиб келади. Қишлоқ аҳоли яшаш жойларида айрим йилларда миграция ўсиши кузатилса, асосий аҳолининг ўсишига таъсири кам бўлиб, бошқа йилларда миграция ўсиши манфийлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистоннинг вилоят ва шаҳарларида аҳолининг миграцияси ишчилар, хизматчилар, ўқувчилар ва нафақахўрларнинг таркиби ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: “коммунистик мафқуранинг” жорий этилиши, шаҳар аҳолиси, қишлоқ аҳолиси, миграция ўсиши ва қамайиши, ишчилар, хизматчилар, ўқувчилар, нафақахўрлар, архив ҳужжатлари.

Кириш. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида инсон омили, унинг интеллектуал салоҳиятига, энг биринчи омил сифатида қаралмоқда. Бозор иқтисодиётида режалаштирилган иқтисодиётдан фаркли равишда, демографик жараёнларга янгича ёндошишни тақозо этади. Аҳолининг табиий ўсишига туғилиш, ўлим, аҳоли сони ва таркибининг узлуксиз ўзгариб туриши тушинилади [1].

Шаҳар аҳолисининг ўсиши айниқса, собиқ Совет иттифоқи даврида юқори даражада бўлиб, 1917-1990-йилларда шаҳар аҳолисининг сони тўққиз марта ошган, бу эса республика умумий аҳолисининг ўсиш суръатидан икки марта юқори даражани ташкил қилган [2].

-Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон шаҳарлари аҳолиси 1959 йилдан 1970 йилгача табиий кўпайиш ҳисобидан 844 минг кишига, қишлоқ ҳудудларидан аҳолининг келиб жойлашиши ҳисобидан 249 минг кишига, миграцион йўллар билан кириб келган аҳоли ҳисобидан 510 минг кишига кўпайган. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон аҳолисининг кўпайишида миграцион алоқаларнинг ўрни катта бўлган [3].

1975 йилда шаҳар ҳудудларига Собиқ иттифок Республикаларидан жами бўлиб, 235079 киши келган

бўлса, 186951 киши кетган, механик ўсиш 48128 кишини ташкил қилади [4]. Миллий Архивда сақланаётган Р-Фонд 1619, 11-рўйхат, 3540-ишнинг 1-154 вароқларида 1975 йилда 16-60 ёшдан юқори бўлган аҳоли қисмининг ишчилар хизматчилар, ўқувчилар ва нафақахўрларни кўчиб келишлари ва кетишлари таҳлил қилинганда, умумий ҳисобда аҳолини механик ўсиши ишчилар 2291 та, хизматчилар 1839 та, колхозчилар 629 та, ўқувчилар 2268 та нафақахўрлар 328 та ва бошқалар 34294 та, жами 41649 (1-жадвалга қаранг) нафарни ташкил этади. Шундан: 1. Ишчилар 45019 нафар, хизматчилар 9607 нафар, колхозчилар 639 нафар, ўқувчилар 22005 нафардан, нафақахўрлар 1263 нафар ва бошқалар 48025 та, жами 126558 нафардан иборат эркаклар кўчиб келган бўлса, шундан ишчилар 42957 нафар, хизматчилар 7176 нафар, колхозчилар 392 нафар, ўқувчилар 20076 нафардан, нафақахўрлар 1132 нафар ва бошқалар 24155 та, жами 95888 нафардан иборат эркаклар кўчиб кетган. Механик ўсиш: ишчилар 2062 нафар, хизматчилар 2431 нафар, колхозчилар 247 нафар, ўқувчилар 1929 нафар, нафақахўрлар 131 нафар ва бошқалар 23870 та, жами 30670 нафар эркакларни ташкил қилади. 2. Ишчилар 21014 нафар, хизматчилар 10689 нафар, колхозчилар 683

нафар, ўқувчилар 16454 нафар, нафақахўрлар 2413 нафар ва бошқалар 33604 та, жами 84857 нафардан иборат аёллар кўчиб келган бўлса, шундан ишчилар 20785 нафар, хизматчилар 11281 нафар, колхозчилар 301 нафар, ўқувчилар 16115 нафар, нафақахўрлар 2216 нафар ва бошқалар 23180 та, жами 73878 нафардан иборат аёллар

кўчиб Ўзбекистонга 1975 йилда ёши ва жинсига кўра (16 ёшдан бошлаб то 60 ёшдан юқори) ишчилар, хизматчилар, ўқувчилар нафақа ёшидагиларни умумий кўчиб келишлари ва кетишлари (1-жадвал Муаллиф томонидан жадваллаштирилган) [5].

Кўчиб келганлар	Эркаклар				Аёллар				Умумий			
	Шаҳарлардан	қишлоқ жойлардан	Номаълум	жами	Шаҳарлардан	қишлоқ жойлардан	Номаълум	Жами	Шаҳарлардан	қишлоқ жойлардан	Номаълум	жами
Ишчилар	22388	16373	6258	45019	11762	8621	631	21014	34150	24994	6889	66033
Хизматчилар	5678	2897	1032	9607	6974	3458	257	10689	12652	6355	1289	20296
Колхозчилар	299	236	104	639	370	252	61	683	669	488	165	1322
Ўқувчилар	6473	13760	1772	22005	6423	9599	432	16454	12896	23359	2204	38459
Нафақахўрлар	720	444	99	1263	1397	934	82	2413	2117	1378	181	3676
бошқалар	17753	10751	19521	48025	19928	12148	1528	33604	37681	22899	21049	81629
Жами	53311	44461	28786	126558	46854	35012	2991	84857	100165	79473	31777	211415
Кўчиб кетганлар												
Ишчилар	25271	11666	6020	42957	14197	5775	813	20785	39468	17441	6833	63742
Ходимлар	4979	1573	624	7176	8660	2014	607	11281	13639	3587	1231	18457
Колхозчилар	238	139	15	392	232	67	2	301	470	206	17	693
Ўқувчилар	9316	7636	3124	20076	9413	6327	375	16115	18729	13963	3499	36191
Нафақахўрлар	807	212	113	1132	1679	441	96	2216	2486	653	209	3348
бошқалар	13058	4664	6433	24155	16085	5636	1459	23180	29143	10300	7892	47335
Жами	53669	25890	16329	95888	50266	20260	3352	73878	103935	46150	19681	169766
Механик ўсиш												
Ишчилар	-2883	4707	238	2062	-2435	2846	-182	229	-5318	7553	56	2291
Ходимлар	699	1324	408	2431	-1686	1444	-350	-592	-987	2768	58	1839
Колхозчилар	61	97	89	247	138	185	59	382	199	282	148	629
Ўқувчилар	-2843	6124	-1352	1929	-2990	3272	57	339	-5833	9396	-1295	2268
Нафақахўрлар	-87	232	-14	131	-282	493	-14	197	-369	725	-28	328
бошқалар	4695	6087	13088	23870	3843	6512	69	10424	8538	12599	13157	34294
Жами	-358	18571	12457	30670	-3412	14752	-361	10979	-3770	33323	12096	41649

кетган. Механик ўсиш: ишчилар 229 нафар, хизматчилар - 592 нафар, колхозчилар 382 нафар, ўқувчилар 339 нафар, нафақахўрлар 197 нафар ва бошқалар 10424 та, жами аёллар 10979 нафар [6].

Механик ўсишнинг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри ҳисобланиб, ишчилар 6396 та, хизматчилар 856 та, колхозчилар -125 та, ўқувчилар 7105 та нафақахўрлар 36 та ва бошқалар 10562 та, жами 24830 нафарни ташкил этади. Виолятлар кесимида таҳлил қилинганда, энг кўп аҳолини механик ўсиши Бухоро вилоятига: ишчилар -53 та, хизматчилар 836 та, колхозчилар 157 та, ўқувчилар - 195 та нафақахўрлар 126 та ва бошқалар 4057 та, жами 4928 нафарни ташкил этади. Аҳолини механик камайиши эса Сирдарё вилоятига тўғри келади: ишчилар -138 та, хизматчилар -1 та, колхозчилар 25 та, ўқувчилар -166 та

нафақахўрлар 42 та ва бошқалар 226 та, жами -12 нафарни ташкил этади [8].

Механик ўсиш даражаси 16-60 ёшдан юқори бўлган аҳоли қисмининг, айнан 16-24 ёшга ишчилар хизматчилар, ўқувчилар ва нафақахўрларни кўчиб келишлари ва кетишлари таҳлил қилинганда, Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятига, механик пасайиши эса Хоразм вилоятига тўғри келади.

Р-Фонд 1619, 11-рўйхат, 3631-ишдаги маълумотга кўра, 1976 йилда Ўзбекистоннинг шаҳар ҳудудларига Собик иттифоқ Республикаларидан жами бўлиб, 227177 киши келган бўлса, 188880 киши кетган, механик ўсиш 38297 кишини ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин [9].

Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг ўсиб боришида шаҳар аҳолиси ва у ерларда яшайдиган миллатлар

катта роль ўйнаган. Маълумотларнинг гувоҳлик беришича, совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда

шаҳар аҳолиси миллий таркибда ўзбек миллати вакилларининг улуши кам бўлган.

Аҳоли маданияти ва саломатлик статистикаси бошқармаси маълумотномасида 1975 йил учун келиш (кетиш) мақсадлари, ёши ва жинси бўйича келиш ва кетишлар (2-жадвал)														
механик ўсиш	ККАССР	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент шаҳри	жами
Ишга	-143	306	2153	938	112	535	-1687	326	896	-2161	-2378	146	8191	7234
Ўқишга	-598	239	295	-288	226	-10	996	-95	-161	-1526	2293	-65	18220	19526
Оиласи билан	-67	-212	-436	15	478	-19	-75	-10	-37	-860	-142	-8	709	-664
аввалги яшаш жойига	-355	869	4018	382	853	-105	3548	-44	-21	8287	881	-26	-4994	13293
бошқа мақсадлар	2616	-277	-1102	-137	-543	1415	-599	-12	-689	-2862	1504	238	2704	2256
Жами	1453	925	4928	910	1126	1816	2183	165	-12	878	2158	285	24830	41645

- Тадқиқот методологияси (Research methodology). Таҳлилларга кўра, 1926 йилдан 1970 йилгача бўлган вақт орлиғида Ўзбекистон аҳолиси 7 миллиондан зиёд кишига, ёки бўлмаса, 156,7 фоизга кўпайган. Кўпайиш жиҳатидан Ўзбекистон аҳолиси собиқ Иттифок республикалари орасида энг юқори кўрсаткичга кўтарилиб, 2,4 баробарга ортган [10].

1977 йилда Ўзбекистоннинг шаҳар ҳудудларига жинси ва ёши бўйича келиши ва кетиши ҳақида берилган маълумотда жами бўлиб: эркаклар 139676, аёллар 94585 нафар, умумий 234261 нафар келган бўлса; эркаклар 114124 киши, аёллар 87177 нафар, умумий 201301 нафар

кетган, механик ўсиш эркаклар 25552 киши, аёллар 7408 нафар, умумий 32960 кишини ташкил қилган [11].

1975-1977 йилларда шаҳар аҳолисининг кўчиб келувчилар ва кўчиб кетувчилар сони таҳлил қилинганда, 696517 киши келган бўлса, 577132 нафари кўчиб кетган, миграция сальдоси 119385 кишини ташкил қилади.

1971-1976 йилларда Ўзбекистон аҳолиси 2397,6 кишига кўпайган бўлса, шаҳар аҳолиси 36,6% дан 39% га, қишлоқ аҳолиси 63,4 %дан 61% тушганлиги миграциянинг шаҳар аҳолисининг кўпайишига катта таъсир кўрсатганлигини кўришимиз мумкин (2-жадвал).

1971-1976 йилларда Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сони (минг киши ҳисобида) 3-жадвал [12]						
	01.01.1971 йил ҳолатига кўра			01.01.1976 йил ҳолатига кўра		
	жами	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	жами	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
Ўзбекистон ССР	11786,9	4310	7476,9	14184,5	5533,1	8651,4
Қароқалпоқ АССР	701,6	248,8	452,8	828,2	327,1	501,1
Андижон вилояти	1058,7	254,2	804,5	1255	349,2	905,8
Бухоро вилояти	932,9	291,3	641,6	1166,8	411,4	755,4
Жиззах вилояти	340,2	38,7	301,5	451,6	92,9	358,7
Қашқадарё вилояти	800,8	131,8	669	1003,3	206,3	797
Наманган вилояти	846,8	242	604,8	1017,1	333,2	683,9
Самарқанд вилояти	1361,7	385,4	976,3	1637,7	506,1	1131,6
Сурхондарё вилояти	661,6	105,9	555,7	812,1	146,6	665,5
Сирдарё вилояти	343	101,7	241,3	419,1	130,7	288,4
Тошкент вилояти	1469,5	584,3	885,2	1691,3	717,9	973,4
Фарғона вилояти	1330,7	439,3	891,4	1581,4	534,7	1046,7
Хоразм вилояти	553,4	102,5	450,9	673	129,1	543,9
Тошкент шаҳар кенгаши	1386	1384,1	1,9	1647,9	1647,9	
шу жумладан Тошкент шаҳри	1382,2	1380,3	1,9	1643,2	1643,2	

- Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). XX асрнинг 1970-1989 йилларида Ўзбекистонда умумий миграцион жараёнда республикалараро ташқи миграция салмоғи камайиб ички миграцион

ҳаракатлар салмоғи аста-секин ошиб борди. 1970 йилда Республикада ички миграция жами миграциянинг 49,9 фоизини, 1975 йилда 53,2 фоиз, 1980 йилда 62,5 фоиз, 1988 йилда 65,3 фоизни ташкил этган. Ташқи миграция

эса ушбу даврларда мос равишда 50,1 фоиз; 46,8фоиз; 37,5 фоиз ва 34,7 фоиз бўлган [13].

Советларни ўлкага иттифоқнинг бошқа ҳудудларидан аҳолини кўплаб миқдорда кўчириб келтириши, республикада мавжуд ишчи ўринларини, асосан, четдан келтирилган кадрлар билан тўлдирилиши бўлди. Мавжуд ишчи ўринларининг четдан келтирилган кадрлар билан тўлдирилиши эса маҳаллий миллат вакиллари орасидан малакали кадрлар тайёрлаш ва аҳолини иш иш билан таъминлашни қийинлаштирди. Натижада, маҳаллий миллат вакиллари орасида ишсизлар сонининг ортиб боришига олиб келди. Давлат аҳамиятига молик бўлган корхоналарда маҳаллий кадрлар сони жуда кам эди. Юқори миқдордаги ойлик маоши тўланадиган ишларда ўзбек ишчиларининг камлиги, ўзбек оилаларидаги моддий таъминотнинг ёмонлашувига сабаб бўлди. Ўзбек ишчилари, асосан, кишлоқ хўжалик ишларига, яъни пахта экиш ва бошқа турдаги маҳсулотларни етиштириш ишларига жалб қилиндилар. Шу билан биргалликда,

мустабид тузум миллий сиёсатда устомонлик билан иш олиб бориб, ягона совет миллатини яратиш учун ҳар қандай қабхликлардан ҳам қайтмади. Жуда кўплаб бегуноҳ зиёлилар миллатпарвар ва ватанпарвар инсонлар советлар томонидан ўйлаб топилган ва уюштирилган сиёсий катагонларнинг қурбони бўлдилар [14].

- **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, советларни ўлкага иттифоқнинг бошқа ҳудудларидан аҳолини кўплаб миқдорда кўчириб келтириши, республикада мавжуд ишчи ўринларини, асосан, четдан келтирилган кадрлар билан тўлдирилиши натижасида маҳаллий миллат вакиллари орасида ишсизлар сонининг ортиб боришига олиб келди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда фан, таълим, ишлаб чиқаришда олиб борилаётган ислохотларда, аҳолининг ўсиб бориши, миграцион алоқалари, статистик маълумотлар, электрон тизимни жорий этилиши, жамиятимизни ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

АДАБИЁТЛАР

1. Амирдинов Ж. А. Ўзбекистонга СССРдан кўчирилган халқлар тақдири //Uzbek Conference Publishing Hub. – 2021. – Т. 1. – №. 01. – С. 94-97.
2. Қаюмов А.А., Якубов.Ў.Ш. Райимжонов.З.Х. Аҳоли географияси ва демография асослари (ўқув кўлланма). Тошкент-2008. 107-бет.
3. Мулладжанов И.Р., Вороновский Ю.В., Цепковская Т.С. Население Узбекиской ССР. – Т.: Узбекистан, 1973. – С.50-51.
4. Худаяров Уктам Журакулович. Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркиби (1925-1991 йй.) 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи тарих фанлари соҳасида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2020.
5. Ўзбекистон Республикаси Миллий Архиви Р-Фонд 1619, 11-рўйхат, 3537-иш, 1-2 варок.
6. Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат Архиви Р-Фонд 1619, 11-рўйхат, 3540-иш, 11- варок.
7. Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат Архиви Р-Фонд 1619, 11-рўйхат, 3540-иш, 1-154 варок.
8. Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат Архиви Р-Фонд 1619, 11-рўйхат, 3540-иш, 1-154 варок.
9. Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат Архиви Р-Фонд 1619, 11-рўйхат, 3631-иш, 1-2 варок.
10. Худаяров Уктам Журакулович. Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркиби (1925-1991 йй.) 07.00.01 – ўзбекистон тарихи тарих фанлари соҳасида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2020.
11. Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат Архиви Р-Фонд 1619, 11-рўйхат, 3730-иш, 1-варок.
12. Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат Архиви Р-Фонд 1619, 11-рўйхат, 4179-иш, 5- варок.
13. М.Р.Бўриева, З.Н.Тожиева, С.С.Зокиров. Аҳоли географияси ва демография асослари (ўқув кўлланма). Тошкент-2011. 48-бет.
14. Худаяров Уктам Журакулович. Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркиби (1925-1991 йй.) 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи тарих фанлари соҳасида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2020.
15. Махмудова А. Н. и др. Медицина Узбекистана-достижения и перспективы развития сферы //Достижения науки и образования. – 2020. – №. 3 (57).



Doniyor ANVAROV,
O'zFA Tarix instituti tayanch doktoranti
E-mail: danvarov1995@gmail.com

O'zFA Tarix instituti professori, tarix f. D.A d Alimova taqrizi asosida

STUDY OF THE TEMURIAN PERIOD IN IRANIAN RESEARCH INSTITUTIONS

Abstract

This article deals with the historiography of the Timurid period in Iranian research institutions. The work of Iranian researchers on this topic is covered from a historical point of view.

Keywords: Iran, Timurids, Islamic revolution, Iranian studies, scientific research institutes, higher education institutions, Institute of Humanities and Cultural Studies, shia, hunting, Islamic history research center.

ИЗУЧЕНИЕ ТЕМУРИАНСКОГО ПЕРИОДА В ИРАНСКИХ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

Аннотация

Статья посвящена историографии периода Тимуридов в иранских исследовательских учреждениях. Работа иранских исследователей по этой теме освещена с исторической точки зрения.

Ключевые слова: Иран, Тимуриды, исламская революция, иранистика, исследовательские институты, высшие учебные заведения, Институт гуманитарных и культурных исследований, шииты, охота, Центр исследований исламской истории.

ERON ILMIY TADQIQOT MUASSASALARIDA TEMURIYLAR DAVRINING O'RGANILISHI

Annotatsiya

Mazkur maqolada Eron ilmiy tadqiqot muassasalarida Temuriylar davri tarixshunosligi haqida so'z boradi. Bunda Eronlik tadqiqotchilar yuqoridagi mavzu yuzasidan amalga oshirgan ishlarining tarixshunoslik nuqtai nazaridan yoritilishi o'rin olgan.

Kalit so'zlar: Eron, Temuriylar, islom inqilobi, eronshunoslik, ilmiy tadqiqot institutlari, oliy ta'lim muassasalari, Gumanitar va madaniy tadqiqotlar instituti, shia, ov, Islom tarixi ilmiy tadqiqot markazi.

Kirish. Markaziy Osiyo tarixi haqida ilmiy tadqiqotlarni olib borish borasida sharqning Xitoy, Hindiston, Turkiya kabi davlatlari qatorida Eron ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Eronda ilmiy markazlarning tashkil etilishida hukumat asosiy rol o'ynagan. Buning sababi, 1979-yilgi islom inqilobidan keyin Eronga islom kirib kelgan hamda undan keyingi davrlarni o'rganish yanada dolzarb masalalardan biri sifatida ko'rila boshlandi.

Eronda Temuriylar haqidagi dastlabki ilmiy qarashlarning paydo bo'lishiga eronshunoslik va islomshunoslik maktablarining tashkil etilishi asosiy rol o'ynadi. Ushbu muassasalarga asos solinishi hamda Temuriylar haqidagi ma'lumotlarning iste'molga kiritilishi temurshunoslikning ilmiy jihatdan tadqiq etilishiga ilk qadam bo'lib xizmat qildi.

-Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review). Eronda temurshunoslikning shakllanishi va rivojlanishida tadqiqot markazlarining o'ziga xos turli xil yondashuvlari mavjud. Har bir ilmiy markaz alohida xususiyatga ega bo'lgan. Biz ularni ikki tarmoqqa ajratishimiz mumkin: Ilmiy tadqiqot institutlari, Oliy ta'lim muassasalari

Bu markazlarda islom tarixi, falsafa, til va adabiyot, fan va madaniyatga oid ilmiy tadqiqotlar olib boriladi. Shu sohalaridagi izlanishlar nafaqat Eronning, balki jahonning boshqa mamlakatlari jamoatchiligiga ijobiy ta'sir o'tkazgan. Temuriylar tarixining jahon taraqqiyotida tutgan o'rni va o'ziga xos strategik jarayonlardagi ishtirokini chuqur tarzda o'rganish ham bu jamiyatlarning vazifa va maqsadlaridan biri hisoblanadi.

Islom inqilobi g'alaba qozonganidan so'ng, 1981-yilda Vazirlar Mahkamasining ma'qullashi bilan har biri turli sohalarida ilmiy tadqiqot ishlarini olib borgan o'n ikkita

institut birlashtirilib, Madaniyat va Oliy ta'lim vazirligiga qarashli "Tadqiqotlar va tadqiqot madaniyati instituti" tashkil etildi va ish boshlandi.

1994-yilda institut oliy kengashi institut tadqiqotlarida gumanitar fanlar tendensiyasini ta'kidlash maqsadida ushbu muassasa uchun "Gumanitar va madaniy tadqiqotlar instituti" unvonini tanladi.

Eron islom respublikasida Gumanitar va madaniy tadqiqotlar instituti [1] eng yirik ilmiy tadqiqot muassasasi hisoblanadi. Ushbu tashkilotga birlashtirilgan muassasalar:

Eron donishmandligi va falsafasi uyushmasi;

Firdavsiy Shohnoma jamg'armasi;

Eron madaniyat jamg'armasi;

Eron madaniyati va san'ati fond;

Eron aloqa fanlari va rivojlanish instituti;

Gumanitar instituti;

Eron san'at va adabiyot akademiyasi;

Eron tili akademiyasi;

Eron Fanlar akademiyasi;

Osiyo madaniy hujjatlar markazi;

Eron chet el tadqiqotlari markazi;

Eron madaniyatlarini o'rganish markazi.

Gumanitar va madaniy tadqiqotlar instituti asosan gumanitar (adabiyot, tarix, falsafa va huquqshunoslik, dinlar va diniy ta'limotlar, tasavvuf, tilshunoslik, ijtimoiy fanlar, qiyosiy iqtisodiyot, siyosatshunoslik va boshqalar) sohalar bo'yicha ilmiy izlanishlar bilan shug'ullanadigan tadqiqot muassasa hisoblanadi.

Gumanitar va madaniy tadqiqotlarning barcha sohalarida tadqiqotlar olib borish va kuzatib borish hamda mamlakatda gumanitar fanlarni yanada rivojlantirishga

yordam berish ushbu ilmiy-tadqiqot institutining asosiy maqsad va vazifalaridan biridir.

Gumanitar va madaniy tadqiqotlar institutining "Ijtimoiy va iqtisodiy tarix jurnali"da M.Rahmatiy "Sulton Abu Said Ko'ragoniy davrida Xurosonning iqtisodiy ahvoli" [2], M.Garovand, D.Nazariy, R.Farastodlar "Temuriylar davrida Xuroson shaharlaridagi shialarning iqtisodiy ahvolini o'rganish" [3], M.Islohiy A.Anush, M.Islohiylar "Oziq-ovqat va ovqatlanish: Temuriylar madaniyati tarixining vaqti-vaqti bilan namoyon bo'lishi" [4], V.Dinparast "Ilxoniylar va Temuriylar istilosida ovdan harbiy maqsadda foydalanish" [5] kabi mavzularda ilmiy maqolalar yozishgan. Bu maqolalarda tarixiy jarayonlarni eronlik tadqiqotchilar o'sha davr Movarounnahr, Xuroson va Eronning ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy va madaniy hayotiga bog'liq holda tasvirlashgan.

Yuqorida keltirilgan V.Dinparast tomonidan tadqiq etilgan "Ilxoniylar va Temuriylar istilosida ovdan harbiy maqsadda foydalanish" nomli maqolaga e'tiborimizni qarata-miz. Muallif o'sha davrda harbiy sohadagi amaliyotni yanada rivojlantirish sifatida ovdan foydalanilganligiga alohida sifat berib o'tgan. Bundan tashqari ovdan qiyin vaziyatda oziq-ovqat masalalarini hal qilishda ham foydalanilgan. H.Dadaboyev tomonidan yozilgan "Amir Temurning harbiy mahorati" [6] kitobida bunga yetarli darajada izoh berilgan. "Besh-olti oydan beri g'anim ketidan izma-iz kelayotgan qo'shinning oziq-ovqati deyarli tugash arafasida edi... Og'ir vaziyatdan chiqish, ya'ni qahatdan xalos bo'lishning birdan-bir iloji charga ovi qilishga amr qilinadi. Ov juda muvaffaqiyatli bo'ladi, ko'plab jayron, yovvoyi echki, kiyik va boshqa sahro jonivorlari o'lja qilinadi. Yemish muammosini hal qilgan Temurbek safarni davom ettiradi" [7].

1955-yilda mutaxassislar bilan munozaralar va suhbatlar paytida islom tarixi bo'yicha ilmiy-tadqiqot instituti-ni tashkil etish zarurati aniq bo'lib qoldi. Shu tariqa Islom tarixi ilmiy tadqiqot markazi [8] tashkil etildi. Buning sabablari qisqacha:

So'nggi bir necha asrlar davomida Islom tarixi bir qismi sifatida yozilgan bir qator voqealar, shu jumladan urushlarning yuzlab savollari va noaniqliklari sabablari javobsiz qoldirgan. Savollar va noaniqliklar, ularga aniqlik kiritish va ishonchli javob berish tarix tamoyilini shakllantirishda muhimroq hamda zarurroq bo'lishi hisoblangan.

Tarixni yozishda islom va tarix bilan bog'liq bo'lgan va noaniq savollarga javob berishda samarali bo'lgan boshqa bir qator takrorlanadigan mavzular ko'rib chiqilgan bo'lsa-da, ko'pincha ularga yaxshi e'tibor berilmagan.

Hozirgi kunda dunyoning muhim universitetlari va ilmiy-tadqiqot institutlarida Islomga qarshi kurashish uchun bir xil savollar (ya'ni jarayonlar) ko'rib chiqilmoqda. Ularda islomiy mamlakatlarni o'rganishga kam e'tibor berilgan. Shu sababli, bularning islomga qarshi harakatlarini yuqorida aytib o'tilgan Islom tarixi ilmiy tadqiqot markazi islomga qarshi ma'lumotlarni to'xtatishda va unga qarshi qo'llashda samarali natijalar beradi.

Bunday hodisalar bilan kurashish uchun dunyodagi barcha ilmiy jamiyatlar va manbalarga, shu jumladan barcha ilmiy markazlarning so'nggi tadqiqotlari va izlanishlariga va turli xil nazariyalarga ega bo'lgan yetarli ilmiy salohiyatga ega bo'lgan katta va keng qamrovli ilmiy-tadqiqot markazining mavjudligi juda zarurdir.

Misol tariqasida ushbu ilmiy tadqiqot institutida Humon Mohammadiy Sharafobod, Shukuh Sadat Arabi Hoshimiy, Sohila Torobi Farsoniylarning "Temuriylar davridagi naqshbandiya tariqatining fikriy-siyosiy nutqi (hijriy 771-913)" [9] mavzusida ilmiy tadqiqotiga to'xtalib o'tamiz.

Bunda Temuriylar davri (hijriy 771-913 yillar) jamiyatda tobora ko'proq so'fiylik oqimlarining paydo bo'lishi, yuksalishi va faolligi davri bo'ldi. Demak, bu davrdagi odamlar avvalgi davrlarga qaraganda bu mazhablarga ko'proq qiziqish bildirgan. Ayni paytda, temuriylar jamiyatida so'fiylar sulolalarining mashhurligi va shuhrati bir xil bo'lmagan. Temuriylar jamiyatining xalq orasida ham, yuqori tabaqalari orasida ham juda salmoqli mavqega ega bo'lgan ana shunday tariqatlardan biri naqshbandiylik edi. Uning nomi, faoliyati, boshliqlarining mashhurli-gi, tarafdorlari soni va temuriylar hukmronligi bilan aloqasi va hamjihatligi bu davr manbalarida ko'p uchraydi. Maqolaning asosiy masalasi, eng avvalo, nima uchun naqshbandiylik temuriylar davri jamiyatida salmoqli o'rin egallashga muvaffaq bo'ldi? Ikkinchidan, nega temuriylar hukumati bu so'fiylar avlodi bilan juda mustahkam aloqa o'rnatgan? Tasviriy-tahliliy va tarixiy usulda, kutubxona manbalariga tayangan holda olib borilgan ushbu tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, naqshbandiya tariqatining siyosati sunniy shariatga yaqin, ko'plab so'fiylik ta'limotlaridan esa shariatdan uzoqdir. U xalq orasida o'z tarafdorlarini topdi. Ikkinchidan, Temuriylar hukumati bu so'fiylar sulolasining o'z hukmronligidagi xalq o'rtasidagi mavqeni to'g'ri anglagan holda ularning qonuniyligidan foydalanish uchun naqshbandiylikka yaqin edi.

Oliy ta'lim muassasalariga to'xtaladigan bo'lsak, bu o'rinda Al-Zahro universitetida [10] Temuriylar davri masalalariga bag'ishlangan tadqiqotlar ham bor. Ushbu dargohning tarix fakulteti xodimi doktor Mehdi Farhoni-y Munfaredning "Temuriylar davri manbalarida Eron va Turon: madaniy munosabatga harbiy munosabat evolyutsiyasi" [11] nomli maqolasini keltirib o'tamiz. Bunda Eronning Temuriylar hukmronligi davri manbalarida Eron va Turon aloqlari haqida ikki xil munosabat: Temuriylar hukmronligining dastlabki o'n yilligini (Eron bosib olingan muddatdan boshlangan jarayon nazarda tutilmoqda) va bu sulolaning oxirgi o'n yilligini (Xurosondagi jarayonlar, xususan, Alisher Navoiy ijod qilgan davr nazarda tutilmoqda) alohida ta'kidlangan. Muallif asosan, Sharafiddin Ali Yazdiyning "Zafarnoma" sini [12] va Alisher Navoiy ijodini misol tariqasida ko'rsatib o'tgan. Sharafiddin Ali Yazdiyning ijodini harbiy jihatning ramzi, Alisher Navoiyning ijodini esa, ham turkiy til va adabiyotni qayta tiklagan, ham fors adabiyoti va eron adib, san'atkor va olimlarining tarafdori ramzi sifatida eslatib o'tadi. O'z o'rnida yuqorida keltirilgan fikrlar ham tarixiy, ham adabiy jihatdan to'g'ri va asoslidir. Buning sababi, Amir Temur tomonidan imperiya asoslari endi tuzilib, shakllantirayotgan davrda kundalik hayot ko'proq harbiy yurishlar bilan o'tgan. Keyingi davrlarda Temuriylarning asta-sekin harbiy harakatlardan madaniy va ilmiy faoliyatga o'tish jarayonlarini ko'rish mumkin. Jumladan, adabiy muhit har qachongidan ham yuksak darajaga ko'tarilgan. Bunga Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy, Davlatshoh Samarqandiy, Lutfiy [13] kabi bir qator ijodkorlar yetishib chiqqanligini misol bo'ladi.

Sharafiddin Ali Yazdiyning ijodida ma'lum darajada eronliklarni hayratlantiradigan jumalalar keltirilgan. Muallif o'z asarida misol tariqasida Firdavsiy "Shohnoma" sining hayoliy qahramonlarini sanab o'tadi. Jumladan, u Amir Temurni Rustam bilan qiyoslaydi va uni "Shohnoma" qahramonlarida ancha ustun deb biladi [14].

Yuqorida keltirib o'tilgan ma'lumotni, isboti sifatida Amir Temur Eronga kirib borgungacha bo'lgan muddatdagi barcha fors qahramonlari amalga oshirgan ishlardan ham kop'rog'ini ya'ni hayotning deyarli barcha tarmog'larida ijobiy ishlarni amalga oshirgan. Shuning uchun ham muallif

"Shohnoma"ning hayoliy qahramonlaridan ko'ra Amir Temurning afzalligini yuqoriroq qo'ygan bo'lishi mumkin.

Shu o'rinda Alisher Navoiyga ham biroz to'xtalib o'tish joizdir. Bu shaxs Temuriylar hukmronligining so'nggi o'n yilligida ko'zga ko'ringan davlat arbobi hisoblanadi. U nafaqat turk tilini jonlantirgan, balki fors tilida ijod qiladigan shoirlarni ham qo'llab-quvvatlagan. Bunga isbot sifatida adibning "Majolis un-nafois" asarini keltirish mumkin. Bu asarida 385 nafar shoirning ismi keltirilgan [15]. Bu shaxsning ijodini XIV-XV asr Turon va Eronning madaniy aloqalari hamda madaniy uyg'unligi ramzi sifatida qabul qilsa bo'ladi. Bunga qo'shimcha sifatida bu shaxsning kitobida she'riyat yo'nalishi va uning sarlavhasini Samarqanddan Sherozgacha, Badaxshondan Tabrizgacha bo'lgan forsiyzabon xalqlar yashaydigan hududlarda ko'rish mumkin. Ushbu memuarda tilga olingan shoirlarning vatani nomiga nazar tashlasak, bu davrda Turon dunyosi va Eron olamining Temuriylar madaniy munosabati soyasida yagona madaniyatning vujudga kelishida qanchalik rol o'ynaganini anglatadi.

-Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations). Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, Eron ilmiy tadqiqotlarida Temuriylar davri tarixi eng muhim bosqich-

lardan biri hisoblanadi. Shu sababdan, bugungi kungda bu sulola tarixiga bag'ishlangan ilmiy tadqiqotlarga juda o'rinda ko'p duch kelish mumkin. Eron ham Movarounnahr kabi aynan Temuriylar davrida mo'g'ullar va undan keyingi ba'zi mustaqil hokimlar istibdodidan to'liq ravish xalos bo'lib, jamiyat hayoti iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy va madaniy jihatdan taraqqiy eta boshlagan. Bu jarayonning tamal toshi Amir Temur davrida qo'yilib, uning vorislari davrida rivojlanirildi. Bunga misol qilib, yuqoridagi maqolalarga qisqacha ta'rif beramiz. Sulton Abu Said Ko'ragoniy davrida Movarounnahr va Xuoson yana bir hokimiyat ostida birlashtirilib iqtisodiy jihatdan sezilarli darajada o'zgartirilgan bo'lsa, asosan Amir Temur, Shohrux va Sulton Husayn Boyqarolar davrida Xuroson shialariga iqtisodni rivojlantirish uchun yetarli shart-sharoitlar yaratilib berildi. Oziq-ovqat masalasida esa, bu davrda saroy oshxonasida tayyorlanadigan taomlar haqida aytilgan bo'lsa, ovdan ham harbiy maqsadda ham iqtisodiy, ya'ni oziq-ovqat muammolarini hal etish masalalari bayon etilgan. Naqshbandiylik tariqati aynan bu sulola davrida yetakchi o'ringa chiqishiga sabab sifatida buning shariatga mos keladigan xususiyatlari tilga olingan.

ADABIYOTLAR

1. <https://www.ihcs.ac.ir/>
2. م.رحمتی. "اوضاع اقتصادی خراسان در اهد سلطان ابوسعید گورکان". // پژوهشنامه تاریخی اجتماعی و اقتصادی. تهران 1973.
3. م.گراوند، د.نظری، ر.فرستاده. "بررسی وضعیت اقتصادی شیعیان در شهرهای خراسان دوره تیموری". // پژوهشنامه تاریخی اجتماعی و اقتصادی. تهران 1978.
4. ا.انوش، م. اصلاحی، م.اصلاحی. "خوراک و تغذیه: جلوه گاهی از تاریخ فرهنگ دوره تیموریان". // پژوهشنامه تاریخی اجتماعی و اقتصادی. تهران 1978.
5. و. دین پرست. "کاربست های نظامی شکار در فتوحات دوره ایلخانان و تیموریان". // پژوهشنامه تاریخی اجتماعی و اقتصادی. تهران 1973.
6. Дадабоев Х. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Тошкент. 1996.
7. O'sha joyda. 46-bet.
8. <http://www.rihu.ac.ir/>
9. ه. شرف آباد، ش. هاشمی، س.فارسانی. گفتمان فکری_سیاسی تریقت نقشبنديه در عصر تیموریان (913-771ق). مطالعات تاریخ اسلام. س 155. سال یازدهم، شماره چهل و یکم، تابستان. تهران 2009.
10. <http://www.alzahra.ac.ir/>
11. نشریه تخصص گروه تاریخ، دانشگاه تهران، شماره سوم. س 183. تهران 1961.
12. شرف الدین علی یزدی، ظفرنامه: تاریخ عمومی مفصل ایران در دوره تیموریان، به گوشش محمد عباسی (تهران، امیر کبیر، 1339 ش)، 1 ج.
13. <http://arxiv.uz/>
14. نشریه تخصص گروه تاریخ، دانشگاه تهران، شماره سوم. س 186. تهران 1961.
15. O'sha joyda. 189-bet.



Рафўқжон АТАХАНОВ,
Андижон машинасозлик институти катта ўқитувчиси
т.ф.д. доктори (PhD)
E-mail: rafuq@gmail.com

АнДМII профессори, тарих фанлар доктори М.Артиқова тақризи асосида

TRADITIONS AND CEREMONIES RELATED TO THE BIRTH OF A CHILD IN KARAKALPAK OF THE FERGANA VALLEY

Abstract

In this article, many researchers study the formation and development of national and ethnic traditions, customs and rituals associated with the birth of children in the Karakalpakstan of the Fergana Valley, especially in our country. The role of our customs and rituals in the life and traditional culture of our multinational people, their historical roots, peculiarities, as well as their important scientific and practical significance for the analysis of ethnic and regional features.

Key words: customs, rituals, traditions, values, spiritual heritage, multinational people, lifestyle.

ТРАДИЦИИ И ОБРЯДЫ КАРАКАЛПАКОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ СВЯЗАННЫЕ С РОЖДЕНИЕМ РЕБЕНКА

Аннотация

В статье исследователями изучением формирование и развитие национальных и этнических традиций, обычаев и обрядов, связанных с рождением детей в Каракалпаков Ферганской долины. Показанно, роль и значение традиций и обрядов на культурную жизнь многонационального народа Ферганской долины. Проснализированы исторических корни и особенности и общерегиональных черт обрядов

Ключевые слова: обычан, ритуалы, традиции, ценности, духовное наследие, многонациональные люди, образ жизни.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИДА ФАРЗАНД ТУҒИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР

Аннотация

Ушбу мақолада Фарғона водийси Қорақалпоқларида фарзанд туғилиши билан боғлиқ бўлган миллий-этник анъаналар, урф-одатлар, маросимлар шаклланиб тараққий этиб бориши, айниқса, республикада миллий қадриятларимиз ва маънавий меросимизга давлат миқёсида эътибор берилётган айни паллада кўплаб тадқиқотчилар томонидан анъанавий маросимларимизни ўрганиш қаратилган изланишлар ўтмишдаги урф-одат ва маросимларимизнинг кўп миллатли халқимиз турмуши ва анъанавий маданиятида тутган ўрни, уларнинг тарихий илдишлари, ўзига хос хусусиятлари, ҳамда этник ва умуминтақавий хусусиятларини таҳлил этиш учун муҳим илмий-амалий аҳамияти тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: урф-одат, маросим, анъана, қадрият, маънавий мерос, кўп миллатли халқ, турмуш тарзи.

Кириш. Урф-одат ва маросимлар – инсон моддий ва маънавий турмушининг тарихий тараққиёти натижасида юзага келадиган маданий ҳодисадир. Урф-одат ва маросимларни халқ маданиятининг феномени тарзида ўрганиш долзарб муаммолардан биридир. Айниқса, республикада миллий қадриятларимиз ва маънавий меросимизга давлат миқёсида эътибор берилётган айни паллада кўплаб тадқиқотчилар томонидан анъанавий маросимларимизни ўрганиш қаратилган изланишлар ўтмишдаги урф-одат ва маросимларимизнинг кўп миллатли халқимиз турмуши ва анъанавий маданиятида тутган ўрни, уларнинг тарихий илдишлари, ўзига хос хусусиятлари, ҳамда этник ва умуминтақавий хусусиятларини таҳлил этиш учун муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳар бир халқнинг бошқа бир халқдан ажратиб турувчи муҳим этнографик белгиларидан бири унинг маросимларидир[1]. Умуман олганда, инсониятнинг бир неча минг йиллик тарихи давомида турли-туман маданиятлар мавжуд бўлган. Ҳар бир маданият, шубҳасиз, маълум бир этнос ёки этник жамоа таъсирида шаклланади. Турли этномаданиятлар ичида анъанавий маданият ўзининг асрлар мобайнида аждодлардан

авлодларга мерос сифатида узатилиб, сақланиб келаётган урф-одат ва маросимлардан иборатдир.

Ҳар бир халқни шаклланиш жараёни билан бирга унга хос ва мос миллий-этниқ анъаналар, урф-одатлар, маросимлар шаклланиб тараққий этиб боради. Улар кишилар турмуш-тарзининг муҳим бир бўғини тарзида тарқиб топиб боради [1].

XVIII асрдан бошлаб Фарғона водийсига келиб ўрнашган ва ўзга этник мухитда истикомат қилиб келаётган қорақалпоқлар урф-одат ҳамда маросимларини ўрганиш полиэтниқ ҳисобланган ушбу минтақанинг этник манзарасини янада ёркинроқ тасвирлашга хизмат қилади.

Водий қорақалпоқларида исломгача бўлган диний эътиқодлар хусусан, “жин”ларга, “фаришта”ларга, “авлиё”ларга ишониш, турли қадимий тотемлар ва рухларга сиғиниш сақланиб, қоришиб кетган эди. Шунингдек, Фарғона қорақалпоқларида шаманизм қолдиқлари ҳам муайян даражада ўз аҳамиятини йўқотмаган эди[2]. Шунинг учун қорақалпоқларнинг анъанавий маросимларида қадимий диний элементлари турли кўринишларда намоён бўлган. Аммо ислом дини қоидаларига асосланган урф-одатлар устувор мавқега эга ҳисобланган ҳамда шарият қоидаларига бўйсунган ҳолда уларнинг маросимларида акс этиб келган. Мазкур

маросимлар Фарғона водийсининг бошқа халқлари каби ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи қорақалпоқларда ҳам асрлар давомида яшаб келди.

-Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳозирги кунга келиб, ўзбек, тожик, қирғиз, қозок, туркман, қорақалпоқ ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқларига бағишланган оилавий урф-одат ва маросимларига оид махсус адабиётлар талайгина. Улар турли даврларда ёзилган бўлиб, оилавий урф-одат ва маросимларнинг турли масалаларига бағишланган. Фарғона водийсининг этнослараро муносабатлари ва этномаданий жараёнлари бўйича тадқиқотлар олиб борган У.С.Абдуллаев ҳамда А.А.Ашировларнинг ишларида жумладан биз ўрганаётган масаланинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтганлар[3].

Аммо мавжуд адабиётларда Фарғона водийси қорақалпоқлари фарзанд туғилиши билан боғлиқ урф-одат ва расм-русумлар алоҳида тадқиқ этилмаган. Илмий изланишларимизни мазкур масалага оид адабиётлар таҳлили ҳамда дала тадқиқотлари асосида очиб беришга ҳаракат қилдик.

Тадқиқот методологияси. Маълумки, оила ҳамма замонда муқаддас ҳисобланган. Айниқса, мусулмон бўлган, ислом дини кенг тарқалган давлатларда оиланинг роли алоҳида аҳамият касб этади. Оилада энг муҳими авлодлар давомийлиги, шахснинг шаклланиши, ўзаро муносабатлар, одоб-ахлоқ ва анъаналар қарор топади.

XIX аср охири XX аср бошларида қорақалпоқ оилалари ўзбек оилаларидан сон жиҳатидан нисбатан катта эди. Фарғона водийси қорақалпоқларини махсус ўрганган тадқиқотчи олима Л.С.Толстованинг берган маълумотларида қорақалпоқ оила аъзоларининг сони 32 кишигача етганлиги қайд этилади[2]. Қорақалпоқ оилалари фарзандлар, ўғиллар, келинлар, набиралар билан бирга битта ховлида узоқ вақт давомида истиқомат қилиб келганлар.

Қорақалпоқларнинг урф-одат ва анъаналари Ўрта Осиёнинг бошқа халқларидан кўп жиҳатдан ўхшаш бўлган. Фарзанд туғилиши билан боғлиқ урф-одатлар, удумлар, маросимлар, ирим-сиримлар дунёдаги барча халқлари каби қорақалпоқларда ҳам бўлган. Мазкур жараёнлар халқнинг тафаккури, турмуш тарзи, хиссиётлари, рухий кечинмалари ҳамда уларнинг диний тасавурлари билан боғлиқ ҳолда кечган.

Бола туғилиши билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар оилада аёлнинг хомилдорлик давридан бошланади. Ушбу маросимларда этносга хос локал миллий ва диний хусусиятлар намоён бўлади. Юқорида таъкидланганидек, урф-одат ва анъаналар Ўрта Осиё халқларида бир-бирдан кескин фарқ қилган эмас.

Ахборотчиларнинг маълумотларига кўра, водий қорақалпоқ аёллари хомилдорлик даврида оғир юк кўтариши, соғлиги учун хавф туғдириши мумкин бўлган жисмоний меҳнат қилиши, кечки вақт шомдан кейин ёлғиз юриши мумкин бўлмаган. Шунингдек, уларнинг овқатланиш тартибида ҳам айрим таъқиқлар бўлганки, бу ирим-сиримлар қадимги анимистик, тотемистик ва фетишистик диний тасавурлар билан боғлиқ бўлган. Жумладан, фарзанд кутаётган қорақалпоқ аёллари куён ва балиқнинг бошидан тайёрланган таомлардан муҳофаза қилинган. Чунончи, куён гўштидан тайёрланган таом истеъмол қилиш туғиладиган боланинг “куён жирик” яъни танглайсиз туғилишига сабаб бўлади деб ҳисобланганлар. Балиқ гўштидан тайёрланган таомларда эса балиқнинг бошини истеъмол қилмаслик, бола бошини балиққа ўхшаб қолишидан асраган[4]. Шунинг учун хомилдор аёллар алоҳида эътибор билан парвариш қилинган.

Шунга ўхшаш ирим-сиримлар қорақалпоқлар билан ёнма-ён яшаган халқлар жумладан, ўзбекларда ҳам бўлиб, хомилдор аёлга туя гўшти берилмаган, гўёки туғиш вақти ўтиб кетиб аёл хомиласини 12 ойга кўтарар эмиш[5]. Шунинг учун бўлса керак ўз вақтидан ўтиб туққан аёлларга нисбатан “туя гўштини еган” ибораси ишлатилади.

Фарзанд дунёга келгандан кейинги дастлабки маросимлардан бири чақалокни шўр сувда чўмилтирилган. Шўр сув бола баданини чиниктирган, терисини котирган. Сувга туз солиш қорақалпоқларнинг анаъанавий урф-одатларидан бўлиб, Қорақалпоғистонда бола чўмилтириш вақтида сувга туз, танга ташланган. Ёғоч қошиқда чақалокнинг бош ва елка қисмидан қирқ маротаба сув қуйилган. Сувдаги тангалар олиб болажонларга тарқатилган. Уларнинг биттаси чақа-локнинг бош қийимига тикиб қўйилган[6]. Шундан кейин болани бешикка белаш маросими ўтказилган.

Чақалокни бешикка белаш маросими ҳам Ўрта Осиё халқларида айрим локал хусусиятларини ҳисобга олмаганда умумийлик касб этган. Фарғона қорақалпоқлари чақалокни бешик белаш маросимини одатда кекса, серфарзанд ва соғлом момолар томонидан биринчи марта амалга оширилган. Момолардан бири болани белаш вақтида оғзига нон солиб олган ва “нондай азиз бўлсин, ризки улуғ бўлсин, нон топишда (тирикчилик қилишда) кийинчилик кўрмасин, оч қолмасин” деб айтиб турган. Шундан сўнг болани белаган момо бешикни миниб олиб “чух-чух” деб айланган. Хонадон эгаси бир қийимлик материал бергандан сўнг бешикдан тушган[4]. Водийнинг айрим халқларида чақалоқ бешикка белангач, устидан ширинликлар, ўрик қоқи, жийда, pista, бодом каби мевалар сочилган. Ушбу сочилган ширинликлар яхши ниятлар билан болаларга улашилган[1]. Чақалокни бешикка белаш жараёнининг дастлабки вақтида унинг бош томонига турли нарсалар жумладан, нон, пиёз, пичоқ каби буюм ва нарсалар қўйиш водийнинг барча этносларида қадимий урф-одатлардан ҳисобланган. Фарғона қорақалпоқлари бешик остига махсус ёпилган қулча нон ва қалампир қўйганлар[4]. Шунингдек, чақалокнинг киндиги доя момолар томонидан кесилиб, бешикка осиб қўйилган. Бола киндигини бешикка осиб эки боғлаб қўйиш одатлари водийдаги кўплаб этносларда рўй берган.

-Таҳлил ва натижалар. Маълумки, Ўрта Осиёда олов муқаддас ҳисобланиб, ўтмишда аждодларимиз оловга топинганлар. Олов ёқилган жойдан инс-жинслар қувилиб, инсонга ёвуз кучлар қилишидан унга зиён-заҳмат етишидан сақлаган. Ўчоқ, тандир, чўғда исирғи тутатиш каби ирим сиримлар ислом дини таълимотларида ўз аксини топмаган. Шундай бўлсада, мазкур иримлар ва эътиқодлар инсонларнинг мифологик тасавурлари асосида шаклланган удумлар сифатида ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Чунончи, водий қорақалпоқлари чақалокни бешикка белаш вақтида “аласлаш” маросимини ўтказганлар. Унда бешикнинг латта қийимлари тутатилиб, “олас-олас дарди балоингдан халос” деб чақалокка зиён келтириши мумкин бўлган хасталик, ва дарду балоларни ҳайдаганлар[4].

Ўрта Осиё халқларида кенг тарқалган “чилла”, “чилла тутиш” каби урф-одати мавжуд бўлиб, бу даврда хонадонда чирокни ўчирмаслик, чақалокни ёлғиз қўймаслик анъаналари бўлган. Чилла даври гўёки ғайри табиий кучлар яъни ёмон рух, ёвуз куч, жин, ажина, ёмон кўзлардан сақлашдаги муҳофаза вазифини ўтаган.

Чилла форс-тожик тилида қирқ маъносини англатади[7]. Яъни, чилла одатда 40 кун ҳисобланади. Чилла, она ва унинг чақалоғи ҳаётининг туғруқдан

кейинги, келин-куёвнинг эса никоҳдан кейинги илк даврларига шунингдек, дафн билан боғлиқ маросимларга нисбатан қўлланилади. Чилла даври ўзига хос синовли кунлар бўлиб, бу вақтда маълум тартиб-қоидалар ва расм-русмларга амал қилиш шарт ҳисобланган. Чиллани одамнинг ёлғиз юриши, хонада чақалоқнинг ёлғиз қолиши назорат қилиб турилган. Бу даврда чақалоқ ётган хонадонга покиза одамлар киритилган. Туғмаган, бепушт аёлни чиллани хонага кириши ҳамда унга жой солдириш таъқиқланган[4]. Чиллани аёл чилла даври тугагунча хўжалик-рўзгор ишларига, айниқса озик-овқат тайёрлаш юмушларига яқинлаштирилмаган. Оғир юкли ишлар, дала ишларидан ҳимоя қилинган. Водийнинг бошқа халқларида ҳам янги туққан аёл маросимий тоза бўлмаганлиги боис сувни, нонни, ўчоқ оловини, овқатни, сигир сутини нопок қилиб қўйиши мумкин деб ҳисобланган[1].

Чилла даврида аёл ўз соғлигини тиклаши, покляниши, жисмоний оёққа туриб олиши учун зарурий вақт ҳисобланган. Тиббиёт нуқтаи назаридан ҳам “чилла” даври она ва бола учун кувватга кириш даври сифатида эътироф этилади.

Чақалоқнинг чилласи чиқиши муносабати билан қорақалпоқлар биринчи марта тирноқ олиш ва соч олиш одатларини амалга оширганлар. Тўғри, боланинг чилласи чикгунга қадар ҳам соч ва тирноғи олинган. Аммо унда рамзий маънода “қайчи теккизиш” йўли билан бажарилган. Ислон дини, мусулмончилик қоидаларига қўра бола туғилганидан 7 кун ўтиши билан “ақиқа” ўтказилиши буюрилган ва ўғил бола учун икки бош, қиз бола учун эса бир бош қўй қурбонлик қилинган. Ақиқа маросимидан олдин боланинг сочи қайчи билан олинган.

Чақалоқ ўзини маълум вақтга қадар алоҳида парваришга, эътиборга муҳтож бўлади. Шунинг учун бола билан боғлиқ ўтказиладиган барча маросимлар эҳтиёт-корлик талаб этади. Шу маънода боланинг соч ва тирноғини олиш жараёнида ҳам хонадоннинг кекса ёшдаги аъзолари, ҳаётда катта тажрибага эга бўлган онахонлар ва отахонлар қатнашган.

Чақалоқнинг сочи ва тирноғи мевали дарахт тагига кўмилган. Айрим қорақалпоқ қишлоқларида олинган соч шамолга учирилган[4]. Ахборотчилар ўғил боланинг олинган тирноғи китобга, қиз боланинг тирноғи эса сурпага суртиш удуми бўлганлигини қайд этадилар[4]. Бундан маълум бўладики, қорақалпоқлар ўғилларини илмий, қизларини пазанда ва уй-рўзгор ишларининг устаси бўлиб етиштириш истақларини рўйбга чиқаришни тилаганлар.

Мевали дарахт тўғрисида тўхталадиган бўлсак айтиш жоизки, мевали дарахт ҳосил бериши билан қадрланган. Соч ва тирноқларни мевали дарахтлар остига кўмишда ҳам серфарзандлик, ўғил ва қизларнинг кўп бўлиши каби қадимий фетишистик тушунчалар этади. Иккинчидан эса мевали дарахт таги оёқ ости қилинмаган. Инсонларнинг оёқ излари бевосита дарахт тагига етиб бормаган. Шунинг учун чақалоқнинг соч ва тирноқлари, ўлим билан боғлиқ маросимларда эса майит ювилган сув ҳамда унинг айрим буюмлари мевали дарахт тагига кўмилган[4].

Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларида пахта ўрнини кулча думалатилган. Болалар кулчани ва онаси томонидан берилган ширинликларни олиб қочишган[5]. Қозокларда эса кизик урф-одат сақланган бўлиб, бола юришни бошлаганда қўйнинг ичагидан тушов қилинган ва у қайчи билан кесилган. Қўйнинг ичагини боғлашда болани келгусида чорваси кўп бўлсин деган магик ният мужассамлашган[8]. Боланинг равон юриб кетиши учун ёғочдан махсус аравачалар тайёрланган. Аравача болани йиқилиб лат ейишидан сақлаган[4].

Хусусан, маросимларда туғмаган аёлга қўл ювиш учун сув қуйдирилган. Сув қуяётган вақтда ирим қилиб унинг қўйлагининг этак қисмига қўлларини артганлар. Сув қуйиб бўлингач, аёлга “фарзандли бўлиш сизга ҳам юксин, бола чақали бўлинг” деб меҳмонлар дуо қилишган. Шунингдек, бола кўрмаган аёлларни дала жойга олиб чиқилиб ёт одамлар йўқ жойда аёлнинг кийимини кўтариб орқасига қуёшга қаратиб туриб шапалатиб урган. Гўёки “қуёшдан уялиб туғса ажаб эмас” дейилган[4].

Бефарзанд аёл фолбинларга фол очирган, азиз-авлиёлар ҳақиқа атаб назир-ниёз қилганлар. Водийлик қорақалпоқлар Сафедбулон, Хўббува, Топтиказиз, Тузлок каби муқаддас жойларни зиёрат қилиб, фарзанд кўриш билан боғлиқ амалларни бажарганлар. Жумладан, ўзбеклар каби қорақалпоқ аёллари ҳам фарзанд кўриш ниятида боланинг сочларидан бир тутам қолдириб қокил қўйганлар. Қокил боланинг чап томонга қўйилган. Қокил қайси қадамжода қўйилган бўлса ўша жойда эҳсони ўтказилиб ундан сўнг олдирилган.

Фарзанд туғилиши билан боғлиқ маросимларнинг кейинги даври унинг суннат (хатна) тўйларида давом этган.

-Хулоса ва таклифлар. Фарғона водийсининг Ўзбекистон ҳудудига қирувчи Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйлаб йиғилган дала-этнографик материалларни илмий-этнографик адабиётлардаги маълумотларга таққослаш асосида оилавий урф-одат ва маросимларда Фарғона водийси аҳолисига хос бўлган умумминтақавий жиҳатлар устувор эканлигини кузатиш мумкин.

Урф-одат ва маросимлардаги бундай умумийлик ўзининг тарихий асосларига эга бўлиб, ушбу халқларнинг этногенези ва этник тарихи муштарак эканлиги, уларнинг маданиятлари ягона этномаданий муҳитда шаклланиши билан изоҳланади. Фарғона водийсининг полиэтник таркиби бу ҳудудда этнослараро алоқаларнинг қизгин кечишини таъминлаган. XIX аср охири – XX аср бошларида вужудга келган Фарғона водийсидаги этник жараёнлар ҳолатини ўрганар экан С.С.Губасева уни қуйидагича изоҳлайди: 1907 йилларда аҳолининг ўсиб бориши ва зичлашуви Фарғона водийси аҳолисининг маданий жиҳатдан яқинлашуви консолидация, интег-рация, ассимиляция жараёнларига жиддий таъсир этиб ўлкадаги этнослараро алоқаларнинг ривожланиши учун қулай шароит яратиб берди[9]. Фарғона водийси қорақал-поқлари урф-одатлари анъаналарининг қоришиб, умум-лашиб кетишида ҳам улар ўртасидаги ўзаро этномаданий алоқаларнинг жадал ривожланганидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент. 2007. – Б. 73; 145; 75.
2. Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины – Нукус: Каракалпақстан, 1959. – С.183; 126; 111.
3. Абдуллаев У.С. Фарғона водийсидаги этнослараро жараёнлар (XIX-XX аср бошлари) – Тошкент. Янги аср авлоди. 2005;
4. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Момохон, Қолгандарё, Қирқчек қишлоқлари. 2015, 2020 йил; Норин тумани Кемабоши қишлоғи. 2020 йил; Поп тумани Кенегас қишлоғи. 2020 йил; Фарғона вилояти Данғара

тумани Оймовут, Оқ тепа қишлоқлари. 2009, 2015 йил; Андижон вилояти Балиқчи тумани Бойдовул қишлоғи. 2012 йил.

5. Бўриев О., Усмонов М. Ўзбек оиласи. – Тошкент. “O'zbekiston”. 2012. – Б. 84, 89.
6. <https://forum.eurasica.ru/topic/> этикет традиции и обычаи каракалпаков.
7. ЎзСЭ. 12 Т. – Тошкент. 1979. – Б.543.
8. Толеубаев А.Т. Реликты досиламских верований в семейной обрядности казахов (XIX-начало XX в). – Алма-Ата: Гылым, 1991 – С.79.
9. Губаева С.С. Основные направление этнических процессов в Ферганской долине в конце XIX – начале XX вв. Автореф. дис. докт. ист. наук. – Москва. 1992. – С.13.



УДК 35: (575.1)

*Дилфуза БЕГАЛИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Тарих институти таянч докторанти
E-mail: dilfuzabegalieva73@gmail.com*

ЎзМУ доценти А.Ерметов тақризи асосида

THE PLACE AND ROLE OF THE ATALIQ IN GOVERNMENT ADMINISTRATION OF KHIVA KHANATE

Annotation

The article discusses the powers and responsibilities of the position Ataliq in the administrative management of the Khiva Khanate in the late Middle Ages. In the history of Uzbek statehood, the position of Ataliq has long been one of the most important positions. In particular, during the Khiva khanate, special attention was paid to the position of Ataliq and his role in the administration was considered important. Special attention should be paid to the fact that Ataliq was established in Bukhara and Kokand khanates. The article reveals the general aspects of Abulgazihan's appointment to the position of Ataliq in "Shajara-i Turk".

Keywords: Khiva khanate, administration, administrative management, position of Ataliq, khan, state, activity, khanates, title, educator.

МЕСТО И РОЛЬ АТАЛЫКА В ГОСУДАРСТВЕННОМ УПРАВЛЕНИИ ХИВИНСКОГО ХАНАТА

Аннотация

В статье рассматриваются полномочия и ответственность должности Аталыка в административном управлении Хивинским ханством в период позднего средневековья. В истории узбекской государственности положение Аталыка издавна было одним из важнейших. В частности, во времена Хивинского ханства особое внимание уделялось положению Аталыка, его роль в управлении считалась важной. Особого внимания заслуживает тот факт, что Аталык был основан в Бухарском и Кокандском ханствах. В статье раскрываются общие аспекты назначения Абулгази хана на должность Аталыка в «Шаджарай Турк».

Ключевые слова: Хивинское ханство, администрация, административное управление, должность Аталыка, хан, государство, деятельность, ханства, звание, просветитель

ХИВА ХОНЛИГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ОТАЛИҚ ЛАВОЗИМИНИНГ РОЛИ ВА ЎРНИ

Аннотация

Мақолада сўнги ўрта асрларда Хива хонлиги маъмурий бошқарувидаги оталиқ мансабининг вақолати ва вазифалари ҳақида фикр юритилади. Ўзбек давлатчилиги тарихида бевосита оталиқ лавозими жуда кўп даврларда муҳим лавозимлардан бири бўлиб келган. Хусусан, Хива хонлиги даврида оталиқ лавозимига алоҳида эътибор қаратилган ва бошқарувидаги фаолияти муҳим ҳисобланган. Оталиқ мансаби Бухоро ва Қўқон хонлиқларида ҳам таъсис этилганлиги алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мақолада Абулғозихоннинг «Шажараи турк» асаридаги оталиқ лавозимига тайинлашдаги умумий жиҳатлар очиб берилган.

Калит сўзлар: Хива хонлиги, бошқарув, маъмурий бошқарув, оталиқ мансаби, хон, давлат, фаолият, хонлиқлар, унвон, тарбиячи.

Қириш. Ўзбек давлатчилиги тарихи бошқарув тизимидаги ўзига хослиги билан тарихий жараёнларда алоҳида ўринга эгадир. Ҳар қандай марказлашган давлат мустаҳкам бўлиниш принципи орқали бошқарилишини тарихий далиллар асосида кўришимиз мумкин.

Бошқарув – бу муайян жамоа ва ташкилот аъзоларининг фаолият йўналишини таъминлайдиган, бутун ташкилот бўлиmlарини белгиланган мақсад доирасида ушлаб турадиган фаолият турларига кўра жамиятнинг барча жабҳаларида ўзига хос тузилмага эга бўлган, муайян раҳбар кадрлар томонидан амалга ошириладиган вазифани ифодалайди. Маъмурий сўзи - араб тилида маъмуриягга доир, бошқариш ва ижро билан шугулланадиган, маъмурият билан амалга ошириладиган каби маъноларни англатади[1].

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Ўзбек давлатчилиги тарихида ҳам давлат, маъмурий идора ва бошқарув тизими доирасида маълум бир ишлар амалга оширилган. Отолиқ, атобек[2], отака[3] каби мансаблар “ота” сўзидан олинган бўлиб, инок

бошлиқ тўпага бирлашган уруғ бошлиғи эди. Хива хони Абулғозихон (1644-1663) ўз ёнида ўтириш учун тўрт оталиққа жой берган. Улар хонлиқ бошқарувида ҳам асосий рол ўйнаган[4]. Хусусан, Арангхоннинг (1688-1690) Одина Муҳаммад исмли “атобеги” ҳақида маълумотлар сақланиб қолган[5]. Мавжуд маълумотларда келтирилишича, оталиқ унвони Хоразмда биринчи марта Абулғози асарларида унинг отаси Арабмуҳаммад (1602-1621) хонлиқ қилган даврдаги воқеаларни ёзишда учрайди[6].

Мазкур мансабга тайинлашда хоннинг махсус ёрлиғи билан бирга мансабдорга олтин пичоқ, кимхоб тўн, пуллар берилган[7]. Оталиқ камарига қилич ва пичоқ тақиб юрган ва бу обрў саналган. Ҳаттоки, яхши ва содиқ хизматлари учун, қулларга ҳам пичоқ тақиб юришига рўхсат берилган[8].

Оталиқ мансаби кўшни Бухоро ва Қўқон хонлиқларида ҳам таъсис этилган бўлиб, юқори мавқега эга эди[9]. Жумладан, Исҳоқхон Иброт “Фарғона тарихи” асарида “... ёши хондан катта бўлиб, хизмат бирла вазир-

ликка етса, оталиқ амали берулар экан. Ёрликда мухрни хонни мухри билан баробар экан, билефарқ ноибдек”, деб маълумот берилган[10].

Хива хонлигидаги оталиқ унвони фақат ўзбекларгагина эмас, бошқа уруғ вакилларига ҳам берилган. Чунончи, 1282/1871-1872 йили хон томонидан турли туркман уруғларидан бўлган олти киши оталиқ унвонига тайинланган[11]. 1873 йили қароқалпоқлардан ҳам тўрт кишига шундай оталиқ унвони берилган[12].

Хонликдаги бошқа лавозимлар каби оталиқ мансабидегиларнинг ҳам муқаррар вазифаси белгилаб қўйилмаган. Хусусан, Абулғозихоннинг “Шажараи турк” асарида Ёдгор исмли оталиқ бош қилиб душманга қарши юборилганлиги, Хўжамберди оталиқ ва Давлат оталиқларнинг ҳам душман ҳимояси учун жўнатилган-лиги ҳақидаги маълумотлар учрайди[13].

Н. И. Веселовский ўз маълумотларида оталиқ ҳақида “хонликда ҳар бир шаҳарда оталиқ бор[14], дея қайд этса, В.В. Бартольднинг хон хонодонининг бошқарув ишига лаёқатли вакилларига турли вилоят ва шаҳар ёки маълум бир ҳудудий бирлик мулк қилиб берилган. Шу асосда XVI аср бошида мамлакатни майда улусларга бўлиб бошқариш жорий этилганлиги тўғрисидаги маълумоти юқоридаги маълумотга ойдинлик киритади[15].

Абулғозихон давлатни улусларга бўлиб бошқарган [16]. Улусларга султонлар (шаҳзодалар) бошчилик қилиб, хон уларга туркий халқларда мавжуд удумларга кўра, ҳам тарбия қилувчи устоз, ҳам сиёсий раҳбар оталиқни тайинлаган. Оталиқ султонларга оталарча маслаҳат бериб, улусни бошқаришда ёрдам берган[17].

Шу ўринда “Тарихи Рашидий” асарида келтирилган, “Хожа Али баҳодир отабеги расми била етти ёшдан ўн беш ёшгача тарбият қилиб эрди” каби маълумотдан отабеклик мансабининг муддати ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин[18].

Я. Гуломов бошқарув аппаратининг барча лавозимлари хон томонидан тайинланганлигини ҳамда удел ҳокимларининг ҳар бирининг саройида маҳаллий сарой аҳлларида иборат мансабдорлар бўлганлигини айтиб ўтади. Улар ўртасида дин қулатувчилари, қушбеги-лар, қуролчилар, машшоқлар, ҳарбий мансабдорлар, мироблар, қотиблар, меҳмонлар (кўпинча бошқа шаҳардан қочиб келганлар) ва бошқалар бўлган[19].

-Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Методологик жиҳатдан давлат бошқарувида оталиқ лавозимининг роли ва ўрни умумий ўзаро алоқадорлик, тарихийлик, тизимлилик тамойиллари, контент, герменевтик анализ каби усуллардан фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинган.

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Юқорида таъкидланганидек, бий лавозимидаги шахс кейинчалик оталиқ ва иноқ даражасига кўтарилиши мумкин эди. Хусусан, “Фирдавс-ул-икбол”да “1769 йили Шохпўлод бек ва Абдиқаримбек ва Шохниёзбекким, холо (ҳозир, шу пайтда) улуг оталиқдур ва Муҳаммадмирзо бек ибн Ашур бий ва Бойназарбийким, сўнг бий ва оталиқ бўлган эди ва доруға ибн Аваз иноқ, бойлардан

Абдурахмонбой Урганжий ва Эшқобилбой Хонқахий ва Ниёзмухаммад бой Қаҳрамоний мулозим эдилар”, деб маълумот берилади[20].

Хонликдаги бошқа мансаблар сингари оталиқ лавозими ҳам наслий ўтган[21]. Хусусан, 1810 йили Бегим оталиқнинг ўғли Боймирзо ва Бекмирза оталиқнинг ўғли Дўстмуҳаммадга оталиқ ёрлиғи берилиб, уларга қўнғирот қорақалпоғи ва манғит қабиласининг бир қисмини идора этиш топширилган[22].

Мансабдорликда наслий ўтиш тартиби мавжуд бўлсада, бу тартиб айрим ҳолларда истисно тариқасида бузилган. Авлод вакиллари қўлига ўтиб келаётган мансаб бошқа авлод кишига ўтган. Хусусан, “Шажараи Хоразмшохий”да “Ҳижрий 1298 йили Муҳаммад Ризо оталиқ жаҳондин бориб, ондин Муҳаммад Солиҳбек ва Муҳаммад Сафобек отлиғ икки ўғил қолди. Хон хазратлари Шохниёзбек ибн Ҳасанмурод қушбегикиким, они Бекжонбек дер эдилар, онинг ўрнига оталиқ қилдилар”, деб қайд этилган[23].

Маълумотдан кўринадики, Муҳаммад Ризо оталиқ вафот этгандан сўнг унинг ўғиллари эмас, Бекжонбек унинг ўрнига мансабга қўйилган. Бундай марҳум лавозим эгасининг фарзандлари оталиқ мансабига тўлақонли жисмоний ёки маънавий жиҳатдан жавоб бера олмаган ёки янги мансабга ўтирган кишининг ҳукмдорга яқин бўлган ва у пора бериш орқали мансабни қўлга киритган деган тахминни илгари суриш мумкин.

Оталиқ мансабига тайинлашда шахсларнинг турли соҳада кўрсатган хизматлари ҳисобга олинган. Хусусан, “Фирдавс ул-икбол”да Хива хони Арангхон Орол ўзбекларининг ҳокими Одина бий ибн Саййид иноқга кўрсатган хизматлари учун оталиқ мансабини берганлиги қайд этилган[24]. Одина бий оталиққа эса катта суғориш канали бунёд этганлиги сабабли мазкур мансабни эгаллаганлиги ҳам мисол бўлади. Я. Гуломовнинг маълумот беришича, XVII асрнинг саксонинчи йилларида Арангхон даврида “Оталиқарна” канали Одина Муҳаммад оталиқ ташаббуси билан қазилган ва унинг номи билан аталган[25].

Оталиқ мансаби ҳақида фикр юритилганда, ёш шаҳзодаларнинг тарбиясида сезиларли ўрин тутган кул тарбиячилар борасида ҳам тўхталиб ўтиш ўринли. Чунки, кўпгина сарой хизматчилари шахсий қобилиятлари ва қулай вазият ёрдамида анча юқори поғоналарга эришган. Ҳатто, улар ҳукмдорларнинг хазиначиси, фарзандининг тарбиячиси ва бошқа вазифаларга тайинланган[26].

-Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, сўнгги ўрта асрларда Хива хонлиги бошқарув тизимида оталиқ мансабига тайинлашда унинг кўрсатган хизматлари учун берилганлигини, наслдан-наслга ўтган мансабнинг вазифаси муқаррар белгилаб қўйилмаганлигини кўрсатади. Мансаб эгаларининг давлат бошқарувида таъсири билан боғлиқ масалаларни ёритиш ўша давр тасвирини жонлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда мазкур маълумотлар Хива хонлигидаги мансаблар ва уларнинг аҳамиятига оид айрим жиҳатларни тўлдиришга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Маъруфов З.М. таҳрири остида. 1981. Москва. Рус тили. - Б. 454.
2. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол. – Т. Янги аср авлоди. 2010. - Б. 123.
3. Оталиқ,- тоға, “ота ўрнида” маъносида. Отақалар шаҳзодаларнинг тарбиячилари бўлган ва улар балоғатга етгунларича уларнинг улусларини бошқарган: Ҳофиз таниш ибн мир Муҳаммад Бухорий. Абдуллонома (Шарафномаи шохий) 1 жилд. Фан. Т. 1966. – Б. 101.
4. Зияев. Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Т. Шарқ. – Б. 33

5. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол. – Т. Янги аср авлоди. 2010. - Б. 123.
6. Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI-XIX вв. / Иранские, бухарские, хивинские источники / Под ред. В.В.Струве, А.К. Боровкова, А.А. Ромаскевича, П.П. Иванова. Том. II. Москва-Ленинград. 1938. – С. 331; Я.Г. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадимги даврдан ҳозиргача. Т. Ўз.фан.Акад. 1959. – Б. 212.
7. Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI-XIX вв. / Иранские, бухарские, хивинские источники / Под ред. В.В.Струве, А.К. Боровкова, А.А. Ромаскевича, П.П. Ивонова. Том. II. Москва-Ленинград. 1938. – С. 532.
8. Записки Жаркова. СПб. – С. 232.
9. Маҳмудов Ш.Ю. Маҳмудов. Ш.Ю. Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими (1709-1876 йй). Дисс ... тарих фанлари. номз. – Т. 2007. - Б. 87; Воҳидов Ш, Холикова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. Т. Янги аср авлоди. – Б. 15.
10. Ибрат. Фарғона тарихи. Т. Камалак. – Б. 303.
11. Йўлдошев М.Ю. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. Ўздавнашр. –Т. 1959. – Б. 243.
12. Сабурова С.А. XIX аср XX аср бошларида Хива хонлигининг давлат тизими. тарих фан. ... номзод. ... Дисс. Т. 2002. - Б. 89.
13. Абулғозий. Шажарайи турк. – Т. Чўлпон. 1992. – Б. 187.
14. Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего. Санкт-Петербург. 1877. – С. 261.
15. Бартольд В.В. Церемониал при узбекских ханов в XVII веке / Сочинения. – М. Наука. 1964. Т. II (Ч. 2). – С. 269.
16. Абулғозий. Шажарайи турк. – Т. Чўлпон. 1992. – Б. 140, Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол. – Т. Янги аср авлоди. 2010. – Б. 79.
17. Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. - М. Наука. 1965. –С. 100; Зиёдулла Муқимов. Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи. -Т. 2005. Янги аср авлоди. – Б. 46
18. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихий Рашидий / Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи т.ф.н. Жалилов. О.Ҳ. Тошкент. Ozbekiston. НМИУ. 2001. – Б. 447.
19. Ғуломов Я.Г. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадимги даврдан ҳозиргача. Т. Ўз.фан.Акад. 1959. – Б. 200.
20. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол. – Т. Янги аср авлоди. 2010. – Б. 132.
21. Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий / Таҳрир ҳайъати: Б.Аҳмедов ва бошқ. – Т. Камалак. 1991. – Б. 257.
22. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол. – Т. Янги аср авлоди. 2010. – Б. 307; Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан (Хива давлат ҳужжатлари асосида) –Т. Фан. 1986. – Б. 105.
23. Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий / Таҳрир ҳайъати: Б.Аҳмедов ва бошқ. – Т. Камалак. 1991. – Б. 240.
24. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол. – Т. Янги аср авлоди. 2010. – Б. 95.
25. Ғуломов Я.Г. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадимги даврдан ҳозиргача. Т. Ўз.фан.Акад. 1959. –Б. 212.
26. Аллаева Н.А. XVI- XVIII асрларда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар. – Т. 2007. тарих фан. ... ном. ... дисс. – Б. 135, 366.



Аббос БОБОХОНОВ,

Докторант Университета мировой экономики и дипломатии

E-mail: b.abbos@rambler.ru

На основе рекомендации Ш.М.Абдуллаева - д.и.н., профессор,

руководитель Центра при Университете мировой экономики и дипломатии

ИСТОКИ ФОРМИРОВАНИЯ КОНЦЕПЦИИ «МЯГКОЙ СИЛЫ» В ТРУДАХ МЫСЛИТЕЛЕЙ ВОСТОКА

Аннотация

В статье фактор «мягкой силы» анализируется через призму его использования учеными-философами восточного Средневековья. Исторические основы концепции «мягкой силы» выявляются в трудах ученых-философов и политических деятелей Востока, которые, по мнению автора, так или иначе применяли стратегию «мягкой силы» в качестве одного из основных ресурсов не только внешнеполитической, но и внутривосточной деятельности. Автором сделан вывод, что уникальные особенности восточной концепции «мягкой силы» находят свое отражение в современной внешнеполитической деятельности Узбекистана.

Ключевые слова: «мягкая сила», Дж.Най, мыслители восточного Средневековья, международные отношения, «мягкая сила» в древнем Китае.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДА “ЮМШОҚ КУЧ” КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Аннотация

Мақолада “юмшоқ куч” омилининг Ўрта асрда ижод қилган Шарқ мутафаккирлари томонидан қўлланилиши таҳлил қилинган. Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида ва сиёсий арбоблари нафақат ташқи сиёсат, балки ички сиёсий фаолиятларида, муаллифнинг фикрича, “юмшоқ куч” стратегиясини маълум бир тарзда асосий манбалардан бири сифатида қўллашган. Муаллиф шарқона “юмшоқ куч” концепциясининг ўзига хос хусусиятлари бугунги кунда Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсатида ўз аксини топмоқда, деган хулосага келади.

Калит сўзлар: “юмшоқ куч”, Дж. Най, Ўрта асрларда Шарқда яшаган мутафаккирлар, халқаро муносабатлар, қадимги Хитойда “юмшоқ куч”.

ORIGINS OF THE SHAPING THE CONCEPT OF "SOFT POWER" IN THE WRITINGS OF THINKERS OF THE EAST

Abstract

In the article the factor of «soft power» is analyzed through the prism of its use by scholars-philosophers of the Eastern Middle Ages. The historical foundations of the concept of "soft power" are revealed in the works of thinkers and politicians of the Middle East, who, according to the author, used the strategy of "soft power" as one of the main resources of not only foreign policy, but also domestic political activity. The author has concluded that unique features of the eastern concept of «soft power» are reflected in modern foreign policy activity of Uzbekistan.

Key words: “soft power”, Joseph Nye, Eastern Middle Ages thinkers, international relations, “soft power” in ancient China.

Введение. В XX в. в условиях биполярного мира доминирующей тенденцией в выстраивании межгосударственных отношений было использование и динамичное наращивание государствами прежде всего «жесткой силы», т.е. военной и экономической мощи. Рассматривая жесткую силу как объект принуждения, как форму власти, оперирующую военным и экономическим элементами, ученые-политологи отмечают, что «в настоящее время в значимости военной составляющей жесткой силы произошли радикальные изменения. Очевидно, что важной проблемой войны в ее классическом понимании является дороговизна. Учитывая это, на современном этапе польза от военного элемента жесткой силы уменьшается[1].

Между тем, происходящие изменения в конце XX в. в структуре миропорядка и на международной арене - появление новых государств на политической карте мира, нетрадиционных угроз безопасности; процессы, связанные с глобализацией – все это свидетельство того, что держать международные отношения в мирном русле становился все сложнее. Данное обстоятельство стимулировала ученых по международным отношениям выдвинут разных идей, вслед за которым возникли таких новых

теорий как неолиберализм, неореализм, в том числе и концепция «мягкая сила».

Впервые термин «Мягкая сила» («Soft power») был выдвинут и введен в общественно-политический дискурс профессором Гарвардского университета Дж. Наем в 1990 г. В своей книге «Призвание к лидерству: меняющаяся природа американской власти» (Bound to Lead: The Changing Nature of American Power) он определил «мягкую силу» как способность добиваться желаемого на основе добровольного участия союзников, симпатии и привлекательности, а не посредством принуждения или выплат.

Осенью 1990 г. Джозеф Най в журнале «Foreign Policy» опубликовал статью под названием «Мягкая сила» («Soft Power»), в которой уточнил содержание этого термина. Дефиницию данного понятия он сформулировал как «умение склонить других пожелать тот результат, который хотели бы получить вы сами»[2], но не принуждая объект, а посредством убеждения и привлекательности. Тему силы и влияния, а также объяснение природы новой концепции «мягкой силы» были посвящены несколько трудов Дж. Наея, которые принесли автору мировую известность[3].

Дж. Най отмечал, что «мягкая сила» – это не просто набор ресурсов или каких-то действий, которые вызывают положительные эмоции и чувства в обществе зарубежных стран, она, с одной стороны, тот имидж и образ, который сложился о стране на внешне-политической арене; с другой стороны, это стратегия по реализации национальных интересов через опору на сотрудничество и морально-этические аспекты мировой политики.

Однако, по мнению многих исследователей, идеи Дж. Най нельзя назвать революционно новыми. В качестве инструмента политического воздействия и установления власти они имеют место еще в работах древнекитайских и древневосточных ученых, своеобразно представляющих концепцию идеальной власти и идеального государства. Подобные мысли уже звучали у мыслителей Древнего Китая (Лао-Цзы, Конфуций, Сун-Цзы), философов и полководцев Средневекового Востока (Низам ал-Мулк, Амир Темура, Захириддин Бабур и др.). Уже в то время политика «мягкой силы» применялась в области управления государством и взаимодействиях с другими народами.

Так, ученый Брюнелльской бизнес-школы (Великобритания) Инг Фань отметил, что философы говорили о «власти над умами» еще во времена расцвета китайской цивилизации (VII-V вв. до н.э.) [4].

Актуальность исследования концепции «мягкой силы» обусловлена тем, что восточно-исторические аспекты «мягкой силы» учеными политологами не изучались целостно и системно. В большинстве исследований превалирует акцент на использовании «мягкой силы» со стороны ведущих мировых держав с целью формирования позитивного образа, увеличения их влияния в мире. Тема также представляется весьма актуальной в условиях, когда главой государства Узбекистана активно продвигается «концепция Третьего Ренессанса», на основе которого лежит глубокое изучение трудов и ценностей великих предков нашего народа, что будет способствовать к достижению национального прогресса.

Анализ и результаты изучения трудов некоторых мыслителей и полководцев Средневековья.

Первые размышления об эффективности ненасильственных методов как во внутренней, так и во внешней политике встречаются в учении Лао-Цзы (в VII веке до н. э.), который развивал идею об идеальной власти как стратегию без насилия и принуждения. Ему принадлежит высказывание: «В мире нет предмета, который был бы слабее и нежнее воды, но она может разрушить самый твердый предмет». Схожие размышления можно найти в конфуцианстве. Конфуций считал, что правитель должен завоевать верность людей добрыми делами («мягкая сила»), а не силой («жесткая сила»).

В древнем Китае «мягкая сила» воспринималась сильнее и мощнее, чем «жесткая сила». Особенно наглядно эти два управленческих ресурса представлены в книге «Искусство войны» Сунь Цзы, содержащей 36 военных стратегий. В ней описываются методы и уловки, которые позволяют достичь желаемой цели без применения силы. Примечательными в данном трактате Суня Цзы представляются такие высказывания, как: «Сто раз сразиться и сто раз победить – это не лучшее из лучшего; лучшее из лучшего – покорить чужую армию, не сражаясь». О воздействии на умы Сунь-Цзы писал: «Лучше завоевывать сердца людей, чем города, в которых они живут» [5].

Философия древнекитайских мудрецов стала неотъемлемой частью китайской ментальности, оказывая влияние на важнейшие события в жизни страны. Современное Руководство Китая, трансформируя и адаптируя заветы древнекитайских философов о «мягкой силе», активно использует их в проведении текущей внешней политики и военной стратегии своей страны.

Как известно, национальная государственность и дипломатическая деятельность Востока имеет древнюю и богатую историю. В этой связи представляется целесообразным остановиться на произведениях некоторых известных мыслителей среднеазиатского Востока. Идеология «мягкой силы» имела место в трудах таких средневековых ученых, как Низам аль-Мульк («Сиасет-намэ»), активно использовалась великим полководцем Амиром Темуром («Уложение Темура»), Захириддина Мухаммад Бабур («Бабурнаме»), которые в последующие несколько столетий легли в основу своеобразного восточного «политического стиля» правления государством.

Так, выдающейся деятель средневековья, великий Визирь Сельджукидов XI века Низам аль-Мульк оставил за собой одно из «сокровищ» Востока «Сиасет-намэ». Книга является ценным источником для изучения истории государственного управления династии Сельджукидов XI века, экономического положения страны, могущества армии, а также культуры. В ней отмечается, что «правосудность – слава мира и сила султана, в ней – благоденствие простого народа и знати, войска и народа; она – мерило всех добрых дел» [6].

В государственном управлении и принятии политически верных решений ученый призывает правителей обратить особое внимание на проведение совещаний, что повышает доверие приближенных к своему правителю и гарантирует успех реализации намеченных планов, что также повышает харизму государя. Он отмечает, «когда государь собирается на какое-либо дело ему надлежит совещаться со старейшими и близкими. Государь сравнит свое мнение со словами каждого; каждый услышит и взвесит слова и мнения другого; таким образом образуется решение и благоусмотрение в деле. Отказ от совещания в делах – признак нерассудительности, такое лицо называют своевольным. Как нельзя совершить ни один поступок без желания государя, точно так же не будет хорошо ни одно дело без совещания» [7].

Особое место в истории государственности занимает великий полководец, сыгравший существенную роль в истории Средней, Южной и Западной Азии, а также Кавказа и Руси, основатель империи Тимуридов Амир Темура. В годы правления Темура искусство дипломатии было поднято на очень высокий уровень. Это подтверждают дипотношения и переписка Сахибкирана с правителями Франции, Англии, Испании, Византии, Египта, Китая, Османской империи и многих других государств. Из истории известно, что Амир Темура совершил несколько походов в разные страны, к нему во дворец для серьезных дипломатических переговоров, в ходе которых были использованы инструменты «мягкой силы», прибывали десятки послов из разных стран мира.

Великий правитель глубоко понимал, что могущество – не в насилии и агрессии, а напротив, в справедливости, согласии и сотрудничестве. В своем письме к королю Франции Карлу VI Сахибкиран Амир Темура писал: «Вы присылайте своих купцов в мое государство. Мы встретим их тепло, окажем все почести. Мы также направим в вашу страну своих купцов. И вы

также окажите им уважение, не допускайте, чтобы им чинили излишние преграды. У меня нет других требований к вам. Ибо мир будет благоденствовать благодаря торговым людям»[8]. Тем самым великий полководец указывает, что развитие торгово-экономических связей, сотрудничества является основой прогресса и процветания. Эти слова нашего великого предка актуальны и сегодня.

Государственно-правовые воззрения А. Темура подробно изложены в знаменитом во всем мире произведении «Уложение Темура». Ученые считают его уникальным документом эпохи, своеобразной средневековой конституцией.

В «Уложении» приводятся множество примеров относительно «мягких сторон» его политики. В частности, Во второй заповеди отмечается: «Я покорил страны и управлял ими при помощи людей из двенадцати сословий и племен, укреплял устои моего государства при их помощи и украсил ими свои собрания». В третьей заповеди рассказывается, как полководец «...одолевал вражды полчища и подчинял себе страны советом, благоразумием и осторожностью». «...Государственные дела я вел учтиво, великодушно и терпеливо. И с врагами, и с друзьями пытался прийти к согласию»[9].

Очевидно, что великий государь главный упор при принятии решений государственной значимости делал на совещательность. Такой консультативно-совещательный стиль госуправления Амир Темура, основанный на справедливости в принятии решений, долгие годы применялся его предками. К примеру, поэт и государственный деятель, основатель династии Бабуридов Захириддин Бабур унаследовал много качеств своего знаменитого предка.

Захириддин Бабур пошел по стопам своего великого прадеда Амира Темура и всю свою жизнь проводил политику справедливости и прощения. В частности, в своей биографической книге «Бобурнаме» он пишет: «взрослые должны быть терпимыми» и обладать способностью прощать ошибки». Активность Бабур проявлял и в дипломатических делах. В исторических летописях приводятся факты о том, что в 1520-х годах Бабур, несмотря на все трудности во взаимоотношениях, установил мирные и добрые отношения с Шейбанидами. В 1528 году они отправили ему послов с поздравлениями по случаю его победы в Индии. Кроме того, в 1528 г. дипломаты Бабур с предложением о «дружбе и братстве» отправились в Московское царство[10].

Интеллектуальное наследие Амира Темура («Уложения Темура») с XVIII века привлекает внимание ученых всего мира и изучены многими политиками Запада. Книга переводилась во многие языки мира и стала настольной книгой военных стратегов. Так, по словам французского ученого, темуроведа, профессора Люсьена Керена, «Амир Темур был крупным полководцем, знатоком военной стратегии. Большинство территорий он подчинил себе мирным путем, без военных действий и насилия. В этом проявились его гуманные качества – милосердие, снисхождение, сочувствие и сострадание». Ученый признается: «Темур привлекает меня, прежде всего, своими гуманными качествами, скромностью и простотой, острым и пронизательным умом, практикой управления делами государства, в котором царил мир и спокойствие. Он был сторонником справедливости, уважительного отношения к деятелям науки, культуры и искусства, поддержки их творчества, что не могло положительно не сказаться на развитии государства»[11].

Историческим сочинением, посвященным жизни и государственной деятельности Великого Сахибкрана Амира Темура, является «Зафарнаме» Шарафуддина али Йазди[12]. Данное сочинение надо рассматривать не только как историю военных походов и побед Амира Темура, но и как книгу его жизнеописания и деяний.

Шараф ад-Дин описывают Темура как человека законопослушного, высоко чтившего нормы шариата и уважавшего представителей духовенства, как хранителей шариата. Сахибкран не всегда прибегал к решению проблем, даже самых сложных, силовым путем, т.е. военными методами. Прежде всего он совещался со своими вельможами и советниками, затем отправлял своих дипломатов к противникам и предложил мир. И только в случае отказа начинал военный поход[13]. В частности, когда Амир Темур подчинил всех беков под свою власть, только правитель Хорезма Хусейн Суфий не желал подчиниться. Сахибкран отправил к нему своих дипломатов и предложил мир, однако в ответ Хусейн Суфий отказался. Несмотря на это, Темур, не желая причинить вред мусульманам, а также по просьбе духовного советника Жалолиддина Кеший еще раз отправил своих представителей на переговоры с правителем Хорезма.

Жизнь и деятельность «Спасителя Европы», как называют его в ряде европейских летописей, привлекают все больше исследователей, деятелей искусства и культуры за пределами Узбекистана. За последние 600 лет об Амир Темуре издано более 900 книг на европейских языках и более 1 тыс. – на восточных, проводятся научные конференции, посвященные его юбилеям, в более 50 странах сегодня ведут исследования ученые-темуроведы[14].

Интеллектуальный труд великого полководца Амир Темура, основанный на его практической политической деятельности, стал базовой ценностью и источником вдохновения, примером подражания для многих политологов, государственных деятелей стран как Востока, так и Запада. Привлекательность стиля управления Амира Темура до сих пор является источником заимствования для современных государств, что и служит практическим примером и одним из основных постулатов концепции «мягкой силы» Дж. Ная – привлекательность/подражания.

Реализуемые сегодня в Узбекистане реформы созвучны мыслям и поступкам Амира Темура. Об этом свидетельствует призыв Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева: «Наполненные глубоким смыслом слова нашего великого предка Амира Темура «Пусть справедливость будет нашим спутником и руководством в каждом деле», должны прочно войти в жизнь каждого из нас»[15]. Созданное Амир Темуром огромное историческое и интеллектуальное наследие, спустя почти 700 лет, привлекает внимание как государственных руководителей, так и представителей науки со всего мира.

Хотя теория мягкой политики мыслителей и полководцев Востока не оказали прямого влияния на формирование теории «мягкой силы» американского политолога Дж. Ная, они нашли свое отражение в дипломатических связях со странами Запада, тем самым влились в их политические реалии. Это заложило фундамент для появления новых идей в западной дипломатической истории. Вследствие всего этого в XX веке в международных отношениях возникли новые теории, соответствующие по смыслу и духу лучшим восточным дипломатическим традициям.

Выводы. В целом, историко-культурное наследие в условиях глобализации приобретает особую значимость для государств в усилении «мягкой силы» как одного из основных ресурсов выживания и развития международных отношений. Это актуализирует необходимость проведения еще более серьезных исследований богатого наследия наших предков, в сущности которых кроется глубокий смысл обогащения политического, дипломатического и культурного потенциала государства.

Международные изменения, как считает китайский эксперт Ван Хунин, сделали «мягкую силу» основной силой внешних связей страны. Если «твердая сила» может распространяться только в определенной политической обстановке, то «мягкая сила», опираясь на существующую систему социально-культурных ценностей и представляя собой энергию мировой культуры, поддерживается и распространяется мировым сообществом постоянно [16].

ЛИТЕРАТУРА

1. National Intelligence Council. Global Trends 2025: A transformed world. - Washington, Dc: gpo, November 2008.
2. Nye Joseph. Soft Power. // Foreign Policy. No. 80. Autumn. 1990. P. 167.
3. Nye Joseph. Bound to Lead: The Changing Nature of American Power. New York: Basic Books. 1990. // Nye Joseph. The Paradoxes of American Power: Why the World's Only Superpower Can't Go It Alone. New York: Oxford University Press. 2002. // Nye Joseph. Soft Power: The Means to Success in World Politics. New York: Public Affairs. 2004. // Nye Joseph. The Future of Power. Public Affairs; (December 13, 2011).
4. Ying Fan. Soft Power: Power of Attraction or Confusion? // Place Branding and Public Diplomacy. – 2008. – Vol.4. – № 2. P. 149.
5. Сун-Цзы. Трактаты о военном искусстве. Древнейшие в мире произведения о военной стратегии и тактике. Москва. Издательство Астрель, 2010. С. 42-43.
6. Низам аль-Мульк. «Сиясет-намэ». Книга о правлении Вазира XI столетия Низам ал-мулька. перевод. Б.Н.Заходера, изд. АН СССР, Москва-Ленинград. 1949. -С. 51.
7. Там же. С. 98.
8. Жумаева Ш.С. Значение справедливости в жизни великого полководца Амира Темура // Молодой ученый. 2017. № 17 (151). С. 223-225.
9. Уложение Темура. Ташкент. Изд. Гафура Гуляма. 1999. (пер. Х. Кароматова) // <http://www.temurtuzuklari.uz/uz> (дата обращения: 09.04.2021).
10. Арипова А.Х. Осиё халқларининг ҳаётида муҳим из қолдирган шох ва шоир Захириддин Мухаммад Бобур меросини ўрганиш. С. 92. // Ражабова Д.Т., Бекниязова С.Н. Научное изучение «Бабур – Бабури» в Сибири и Средней Азии. С. 432-433. Сборник статей и тезисов докладов Международной научно-практической конференции 28 февраля 2020 г. «Интеллектуальное наследие Захириддина Мухаммада Бобура и современность». М. 2020.
11. Люсьен Керен: Эмир Тимур был само "милосердие, снисхождение, сочувствие и сострадание". 14.09.2006. URL: <https://centrasia.org/newsA.php?st=1158258360> (дата обращения: 19.04.2021).
12. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Т.: «Шарк», 1997. С. 384.
13. Там же. -С. 68-69, 101, 105.
14. Амир Темур: Человек, изменивший ход истории. Июль 23, 2018. Газета «Правда Востока».
15. Выступление Шавката Мирзиёева на совместном заседании палат Олий Мажлиса (14 декабря 2016 года): «Свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан мы построим вместе с нашими мужественным и благородным народом». <https://president.uz/ru/lists/view/111> (дата 02.08.2021).
16. Wang Hongying. The conception of Soft Power and its Policy Implications: a comparative study of China and Taiwan / Wang Hongying, Lu Yechung // Journal of Contemporary China. 2008. Vol. 17, Issue 56. P. 425–447.



Муяссархон КАРИМОВА,
Андижон машинасозлик институти доценти
E-mail: kmuyassar71@mail.ru

АндМИ профессори, тарих фанлари доктори М.Артиқова тақризи асосида

PRINCIPLES OF JUSTICE IN A MULTI-ETHNIC COUNTRY

Abstract

In this article, in the current era of globalization, religious tolerance based on the principles of justice in our multinational state in the implementation of cooperation in the pursuit of goodness, peace and development, not only believers, but all citizens of society, information on upcoming problems and practical recommendations for overcoming them.

Key words: nation, idea, principle, religious tolerance, globalization, strategy

ПРИНЦИПЫ СПРАВЕДЛИВОСТИ В МНОГОНАЦИОНАЛЬНОЙ СТРАНЕ

Аннотация

В этой статье в эпоху глобализации религиозная толерантность на основе принципов справедливости в нашем многонациональном государстве при осуществлении сотрудничества на пути добра, мира и развития не только верующих, но и всех граждан общества, информации о предстоящих проблемах и практических рекомендациях по их преодолению.

Ключевые слова: нация, идея, принцип, религиозная терпимость, глобализация, стратегия

КЎП МИЛЛАТЛИ ЮРТДА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада бугунги глобаллашув даврида эгулик, тинчлик, тараққиёт йўлида нафақат диндорлар балки, жамиятнинг барча фуқароларини ҳамкорлигини амалга оширишда кўп миллатли давлатимизда адолат тамойиллари асосида диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватанни барпо этишда миллатлараро ва фуқаролараро аҳиллик борасида амалга ошириладиган вазифалар давомида юзага келадиган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича амалий тавсиялар ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: миллат, ғоя, тамойил, диний бағрикенглик, глобаллашув, стратегия.

Киритиш. Мамлакатимизда олиб бориладиган кенг кўламли ислохотлар марказида, аввало, инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсади туради. Фуқаролар манфаатларини фақатгина тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитини яратиш орқали таъминлаш мумкин.

Бугун дунёда коронавирус пандемияси билан боғлиқ инкирозга дуч келган бир шароитда кўплаб минтақаларда миллатлараро ва конфессиялараро зиддиятлар кучаяётганга гувоҳ бўлмоқдамиз. Шу боис, бошланган ислохотларни изчил давом эттириш учун бирдамликни сақлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда аҳолининг кўп миллатли бўлишига ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг қулай омили сифатида қаралмоқда. Ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни сақлаш, динлараро ва миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш ҳисобига халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрўси ошиб бормоқда.

Хусусан, мамлакатимиздаги давлат таълим муассасаларида ўқитиш етти тилда олиб борилади. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз қўрсатувларини ўн икки тилда намойиш этмоқда, ўндан ортик тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда. Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси қошида 138 та миллий маданий марказ, бундан ташқари, 16 та конфессияга тегишли 2300 га яқин диний ташкилот фаолият юритади.

Бу борада яхлит, чуқур ўйланган сиёсат ва уни амалга оширишга қаратилган амалий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилиб, миллатлараро ва динлараро

тотувликни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилмоқда. Бу ислохот ва ўзгаришларнинг негизиде конституцион ҳуқуқ ва қафолатлар ётганини алоҳида қайд этиш лозим. Шундан келиб чиқиб, бу борада қуйидаги далилларни келтириб ўтиш зарур.

Биринчидан, турли миллат ва дин вакилларининг ўз салоҳиятини тўлақонли амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун конституциявий қафолатлар белгиланган. Бунда, энг аввало, фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш алоҳида эътиборга олинган.

Мазкур соҳада Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий тамойиллари сирасига фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ижтимоий адолат, қонун устуворлиги, миллат ва элатларнинг маданий, тил ва диний қадриятлари, анъана ва урф-одатларини ўзаро ҳурмат қилиш қиради.

Конституциявий қафолатлар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, фуқароларга жамоат ва давлат қурилишида иштирок этишни таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни ўрнатиш сиёсати Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга тўла мос келади.

Иккинчидан, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш Ўзбекистоннинг замонавий давлат сифатида ривожланиш стратегиясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Диний бағрикенглик-турли хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшаши, кишилик жамияти равнаки йўлида хизмат қилишини англатади. Бугунги глобаллашув даврида бу ғоя эзгулик, тинчлик, тараққиёт йўлида нафақат диндорлар балки, жамиятнинг барча фуқароларини ҳамкорлигини назарда тутати. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватанни барпо этишнинг муҳим тамойилдир. Ушбу тамойил асосида миллатлараро ва фуқаролараро аҳиллик вужудга келмоқда.

-Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов шундай дейди: “Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон замида биргаликда ҳамнафас бўлиб яшаши диний маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланишига арзигилуқдир”[2]. Ўзбекистон Конституциясининг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиб беради”, деб қатъий белгилаб қўйилган. Юртимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилгани, миллий тили, ўзига хослиги, анъаналари ва урф-одатларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларининг ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ таъминланганлиги ушбу конституциявий кафолат самарасидир. Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда, халқаро терроризм, диний экстремизм, нарқобизнес каби бало-қазолар инсоният ҳаётига таҳдид солиб турган бир шароитда ўз уйимиз, ўз муқаддас юртимизни асраш, ўзимизни ҳимоя қилиш, ҳар бир юртдошимизни доимо хушёрлик ва огоҳликка чорламоқда.

-Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон Конституциясининг давлат ва дин муносабатлари масаласига тааллуқли бандлари ривожланган жамиятларнинг ҳуқуқий меъёрларига мос келади. Конституциянинг 18,31,61 моддалари ҳамда Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмасе ҳуқуқини таъминловчи диний қарорларни мажбуран сингдиришни тақиқловчи бандлари миллий, ирқий ва диний келиб чиқишдан қатъий назар, жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги тотувликни ҳаётга тадбиқ этиш унга асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бугунги кунда юртимизда қабул қилинаётган фармон ва қарорларда диний бағрикенгликни таъминлаётган устувор вазибаларнинг юқори босқичлари белгилаб берилди. “Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳроқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.” [1]

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Стратегияда бешинчи йўналиш сифатида “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар”[3] белгиланади. Бу ҳам юртимизда фуқароларимиз хавфсизлиги, миллатлар ва диний бағрикенгликка берилаётган улкан эътибордан далолат беради.

-Таҳлил ва натижалар. Террорчилик мафқураси бошқа динларни инкор этиш мафқураси асосида шаклланади. Бунга бир пайтлар тинчликни тарғиб қилувчи ташкилот сифатида майдонга чиқиб, бугунга келиб эса ўта ашадий террорчи котиллар ва зўровонларни етказиб берадиган ташкилотга айланган “Ҳизб ут-таҳрир”ни мисол қилиб келтириш мумкин. Террорчиликка қарши кураш никоби остида дунёнинг асосий геостратегик ўйинчилари бўлмиш давлатлар Марказий Осиё минтақасида ўз таъсирини ошириш учун кураш олиб бормоқда. Бундай вазиятда ҳар доим огоҳ, сезгир ва хушёр бўлишимиз даркор. Шу билан бирга, ҳаётда воқеаларни бефарқ ва лоқайд кузатувчи сифатида эмас, уларга бевосита дахлдор, тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаёт ва тараққиёт курашчилари бўлиб яшашга ўрганишимиз зарур. Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида қатта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатларнинг асрий кадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзини издан чиқараётгани, ахлоқ, одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин. Дарҳақиқат, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда-эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни қамолатга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўраимиз. Бугунги замон ҳаёт воқелигига очик кўз билан, реал ва хушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатоларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашини талаб этмоқда. Шу боис юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёклама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак. Бугунги кунда мамлакатимизда 136 миллат ва элат, 16 диний конфессия вакиллари ягона оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилиб келмоқда. “Тараққиётнинг асосий омилларидан бири бўлган бағрикенглик борасида 1995 йил 16 ноябрда БМТ тизимида Фан, таълим ва маданият соҳасида ихтисослашган ташкилот (ЮНЕСКО) Бош конференциясининг 28-сессиясида “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси” қабул қилинади. Декларацияда ирки, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъий назар, бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар белгилаб қўйилган. 1995 йил “Халқаро бағрикенглик” йили деб эълон қилинди.”[4] Ўзбекистон қонунларида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари тўлиқ таъминланган. “Давлат таълим муассаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этмоқда, ўндан ортик тилда газета ва журналлар чоп этилмоқда”.[5] Хусусан, таълим олишлари, меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жамиятни маънавий янгилашдан кўзлаган бош мақсад-

юрт тичлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлиги, комил инсонни тарбиялаш вазифасини эгаллайди. Қўп миллатли мамлакатимиз сиёсатининг асосий мақсади миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлашдан иборат.

Юртимизда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувликни таъминлаш адолатли миллий сиёсат негизини ташкил этади. Жумладан, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳам адолатли ва миллий сиёсатни давом эттириб, миллий маданий марказлар ташкил этилганлигининг 25 йиллигини муносиб тақдирлади. “Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожда янги босқич бошланди. Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланади. Буларнинг барчаси ҳаётда ўзининг тўлиқ ифодасини топди”[6].

средств, которые применены к ней». У узбеков есть емкое слово «халол». В применении к человеку оно означает «кристально чистый», т.е. такой человек, которому не липнет никакая грязь. В памяти миллионов людей нашей республики он остался именно таким. В 2008 году умер в Узбекистане один из умнейших людей – Нуриддин Акрамович Мухитдинов, о котором хочется, припоминая прошлое, сказать то, что могло бы для потомства казаться бы интересным как освещение этой выдающейся личности мыслителя и крупного общественно-политического деятеля. Сошел с жизненной арены исключительно талантливый и крупный представитель узбекского народа. Он столько лет ведший за свое политическое кредо постоянные и острые споры с противниками его убеждений и личных симпатий справа и слева, имевший в некоторые его периоды нашей государственной и общественной жизни несомненное влияние на извилины ее хода, создавший в светских и бюрократических кругах те или иные репутации. Он был одним из самых оригинальных и интересных людей. Его имя прогремело в ореоле славы не только в Узбекистане, но и на зарубежном Востоке, его нельзя было не признавать одним из столпов и светочей узбекской мысли в условиях господства тоталитарного режима во второй половине XX века. Все, кто близко знали и работали с Н.А.Мухитдиновым в Узбекистане в один голос и вполне согласно признают, что в его лице Узбекистан имел самобытного талантливого представителя, кипучего, с беспокойной жизнью и вечно встревоженным, бурлящую чувством, страстно отзывавшегося на все явления окружающей жизни. Этот интерес к жизни, несмотря на глубокий возраст не покидал Нуриддина Акрамовича до последнего его издыхания. Как деятель определенного политического и социального мировоззрения, о чем сказано выше достаточно, автор оперирует своим материалом тенденциозно, но от этого самая занимательность повествования не теряется, и читатели черпают отсюда такие богатые и интимные сведения, которые они в других источниках не найдут. Поэтому писать новейшую историю Узбекистана второй половины XX века, минуя воспоминания и публикации Н.А.Мухитдинова, совершенно невозможно. Его близость к центру (т.е. Москва – М.Г.) создала ему как политическому деятелю, исключительное положение и, надо отдать ему справедливость, он использовал эту свою близость широко с большой пользой для нашего исторического знания. В своих публикациях о Н.А.Мухитдинове автор писал, что деятельность этой крупной политической фигуры пока остается в тени. Тем более нет отзывов об его мемуарах (т.е. воспоминаниях – М.Г.). Поэтому не будем мы касаться и личной жизни погибшего крупного деятеля, храня завет, что над могилой в Чигатае твердо следует помнить слова: мертвые срама не имут.

Несомненно, что Н.А.Мухитдинов принадлежит истории, узбекскому народу. Его дела и заслуги будут достойно оценены потомством. Известно, что у каждого деятеля на государственном поприще есть сторона внутренняя, неоченимая никаким бытописателями, и это сторона составляет если не всегда основание, то наверное одну из сторон всей его государственной деятельности. Поэтому для будущего историка должно быть очень важно заглянуть в этот внутренний мир политического деятеля, которого он признан будет ценить и судить по его деяниям, мыслям и намерениям. Но так как это внутренний мир человека не всегда поддается наблюдению людей посторонних, то нередко сама история попадает в

зablуждение, судя человека по одним только внешним проявлениям его мыслей и намерений. Н.А.Мухитдинов занимал высокий пост в высшем партийном ареопаге «советского государства». И поэтому всякое сведение о нем, о его характере, а тем более о его внутреннем мире должно быть ценно для каждого гражданина Узбекистана, имеющего право гордиться знаменитыми соотечественниками. Нуриддин Акрамович был в глубине души человек верующим, если бы он не проявлял свою веру во всей полноте этих убеждений в жизни своей, то причиной этого были та жизненная обстановка, которая увлекла его блестящий ум в круговороты светской жизни. Тщеславия в нем не было, и он его не любил, но слова

гения увлекала его до конца жизни. С тонким вкусом ко всему изящному он стоял выше всего обыкновенного. Патриот, в высшей степени этого слова, он был вместе с тем преданнейший слугой узбекской нации. Как семьянин, он был нежным и заботливым отцом и любящим супругом. Как общественный деятель он, находясь на самой высоте своего величия, не изменил своего отношения к людям, которых он ценил и уважал. И люди, уважали в нем эту черту его характера, и за это любили его. Мы можем с национальной гордостью сказать, что Н.А.Мухитдинов был великий сын узбекского народа.

ЛИТЕРАТУРА

1. Подробно см.: Спицын Е.Ю. Хрущевская слякоть. Советская держава в 1953-1964 годах. М., 2020. Глава 3. XX съезд КПСС и утверждения единовластия Н.С.Хрущева.
2. Мухитдинов Н.А. Река времени. Раздел «Автомобильная авария. Случайность или месть».
3. О моральном разложении Серова см.: Бережков В.М. Рядом со Сталиным. М., 1999. С.33.
4. Мухитдинов Н.А. Годы, проведенные в Кремле. Т., 1994. С.111.
5. Мухитдинов Н.А. Река времени..... С.492.
6. В июне 1953 г. Серов участвовал в аресте и убийстве своего учителя Берии.
7. Подсчитано по сведениям, отраженным в воспоминаниях Н.А.Мухитдинова.
8. Напомним, Н.А.Мухитдинов работал секретарем, первыми секретарями Наманганского и Ташкентского обкома партии.
9. Из беседы с М.Г.Вахабовым в 1988 г.
10. Об этом Хрущев говорил Н.А.Мухитдинову после его первого обращения о возвращении в Узбекистан.
11. Джаббаров И.М.доктор наук, профессор. В 1955-1961 гг. работал зав отделом науки и культуры ЦК Компартии Узбекистана.
12. См.: Мухитдинов Н.А. Река времени. С.12, 526, 529, 538, 539.
13. Мухитдинов Н.А. Река времени, раздел «Год Индии» Бандунгская конференция.



Ўзбек РАДЖАБОВ,
Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти
E-mail: ozodbek.radjabov.1994@mail.ru

ТДШУ профессори, тап.ф.д. Шадманова С.Б. тақризи асосида

THE RAILWAY SYSTEM IN UZBEKISTAN IN THE FIRST YEARS OF THE SECOND WORLD WAR

Abstract

This article analyzes the economic situation in Uzbekistan in the early years of World War II, in particular, the situation with the railways, economic figures related to the transportation of military cargo, coal, fuel, metals and grain by rail.

Keywords: World War II, military-economic plan, Tashkent Locomotive and Wagon Repair Plant, Uzbekistan "armored train"

ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНАЯ СИСТЕМА В УЗБЕКИСТАНЕ В ПЕРВЫЕ ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

Аннотация

В статье анализируется экономическая ситуация в Узбекистане в первые годы Второй мировой войны, в частности, состояние железных дорог, экономические показатели, связанные с транспортировкой военных грузов, угля, топлива, металлов и зерна по железной дороге.

Ключевые слова: Вторая мировая война, военно-экономический план, Ташкентский локомотивно-вагоноремонтный завод, бронепоезд «Узбекистан».

УРУШНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕМИР ЙЎЛЛАР ТИЗИМИ

Аннотация

Мазкур мақолада Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки йилларида Ўзбекистонда халқ хўжалиги, хусусан, темир йўллар билан боғлиқ вазият, темир йўлларда ҳарбий юқлар, кўмир, ёқилғи, металл ва ғалла ташилиши билан боғлиқ иқтисодий рақамлар таҳлили амалга оширилади.

Калит сўзлар: Иккинчи жаҳон уруши, ҳарбий-иқтисодий режа, Тошкент паровозлар ва вагонлар таъмирлаш заводи, Ўзбекистон" бронепоезди.

Кириш. XX аср тарихида инсоният 2 та йирик жаҳон урушларини бошидан кечирди. Иккинчи жаҳон уруши, айниқса, жаҳон тарихида мисли кўрилмаган даражада қатта ва дахшатли ҳамда оғир қулфатларни солган уруш сифатида тарихда қолди. Мустаҳкам фронт ортисиз фашистлар Германиясини мағлубиятга учратиш имконсиз эди. Шуниси аниқки, уруш олиб бориш учун мустаҳкам, уюшган фронт орти зарур эди. Башарти энг яхши армия ҳам, энг жасоратли кишилар ҳам етарли даражада қуролланмаган, озик-овқат билан таъминланмаган ва тайёргарликдан ўтказилмаган бўлишса, дарҳол душман томонидан йўқ қилиниши табиийдир.

Уруш даврида барча сиёсий, маъмурий ва иқтисодий ташкилотларнинг фаолияти фронт ортидаги ишларни ҳарбий жиҳатдан қайта ташкил этишга қаратилди. Саноатни армия эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилишига алоҳида эътибор берилди.

Саноат фронтнинг техник ва моддий базасига айланди. Ҳар бир завод, ҳар бир фабрика ҳарбий эҳтиёжларни қондириш учун ишлаши лозим эди. Фронт буюртмалари энг тез суръатларда бажарилиши талаб этиларди.

-Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Шу йўналишдаги ишларни ташкил этишга қаратилган дастлабки амалий ҳаракат 1941 йил 30 июнда қабул қилинган "1941 йил 3-чорагида халқ хўжалигини умумий сафарбар этиш режаси" да намоён бўлди. Режага асосан тинч даврига нисбатан қурол-яроғ ишлаб чиқарилиши 26 фоиз оширилди. Темир йўлларда ҳарбий юқлар, кўмир, ёқилғи, металллар ва ғалладан ташқари юқларнинг ташилиш ҳажми камайтирилди[1].

1941 йил 16 августда Волгабўйи, Урал, Ғарбий Сибир, Қозоғистон ва Ўрта Осиё худудлари учун ҳарбий-иқтисодий режа қабул қилинди, ва унда саноатни қайта қуриш ва ҳарбий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Тошкент паровозлар ва вагонлар таъмирлаш заводи турли ҳарбий маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтди. Завод, асосан, ҳарбий-санитар поездларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилганди. 1942 йил октябрида заводда тайёрланган "Ўзбекистон" номи бронепоезд Курск жанги, Киев, Житомир ва Польшанинг озод этилишида иштирок этиб, ғалабани Берлиндан 60 км узоқликда жойлашган Бранденбург шаҳрида кутиб олди[2].

Бундан ташқари, бу ерда снарядлар, авиабомбалар, кўл гранаталари ва минометларнинг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Шу билан бир пайтда, завод ўзининг асосий вазифасини – паровозлар ва вагонларни таъмирлашни –бажаришни сушташтиради. Жумладан, завод жамоаси оғир шароитларда ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш режасини 1941 йилнинг июнида 140%, декабрда келиб эса 156% қилиб бажарди[3].

Ишлаб чиқариш учун меҳнат сафарбарлигининг муҳим манбаи ёшлар эди. Улар ишлаб чиқаришга давлат меҳнат заҳиралари тизими – фабрика-завод таълими мактаблари, ҳунар ва темир йўл билим юртлари орқали кирдилар. 1942 йилга келиб, меҳнат заҳиралари тизими орқали 30 минг ёш ишчилар тайёрланди.

- Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Ўрганилаётган муаммони тўғри ҳал этишда илмийлик, билишнинг холис, тарихий, қиёсий ва

танкидий ўрганиш, тизимлик тамойиллари, культурогенез принципларига амал қилинди.

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Уруш шароитида саноатни қайта қуриш учун кадрлар муаммосини ҳал қилишда ишчиларни ишлаб чиқариш бўйича ўқитиш, билим юртлари воситасида, қисқа муддатли курслар орқали индивидуал ёки гуруҳ тарзида малакасини ошириш қабилар муҳим рол ўйнади. Урушнинг дастлабки даврида ушбу йўллар орқали оммавий малакага эга 105,7 минг ишчи ўқитилди. Бироқ, қўрилган чора-тадбирларга қарамай, республиканинг саноат корхоналари ишчи кучи билан 75–85% таъминланди.

Алоқа йўллари халқ комиссариатининг 1941 йил октябр ойидаги “Хотин-қизлар орасида темир йўл мутахассисларини тайёрлаш ва меҳнат кўникмаларини ошириш тўғрисида”ги фармойиши ижроси сифатида 1942 йил охирига келиб Ўзбекистон темир йўлларида саккиз минг беш юз тўқсон тўққиз нафар аёллар ишлаган. Биргина Самарқанд темир йўл станциялари ва агрегатларида 1942 йил бошларига келиб бир юз йигирма етти нафар хотин-қиз хизмат қилиб, шулардан йигирма нафари слесар, ўн нафари машинист ёрдамчиси, уч нафари поездларда ўт ёқувчи(кочегар) бўлиб хизмат қилган[4].

Ангрен кўмир конини тезкор ўзлаштириш мақсадида халқ қурилиши усули билан қика муддатда Тошкент-Ангрен автомобиль ва темир йўллари қурилди.

Шахталар ва Тошент-Ангрен темир йўлини қуришда Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан 15 мингдан ортиқ колхозчи қатнашди[5].

1941 йил 20 сентябрдан 1942 йил январига қадар Ангрен кўмир разрезини (очиқ кони) қурувчилари ҳажми 3229693 м³, шу жумладан карьернинг қурилишида 153336 м³ тенг ер ишлари бажарилди. Бажарилган ишларнинг қиймати 3 млн. рубль атрофида бўлди[6].

Ўзбекистон саноатини янада ривожлантиришда ёқилги базасини кенгайтириш муҳим рол ўйнади. “Ангренкўмир” конида янги кўмир шахталари ва карьерларни қуриш бошланди. Унинг тез ўзлаштирилиши учун биринчи навбатда конни республиканинг саноат марказлари билан боғлайдиган темир йўл ва автомобил йўлларини қуриш керак эди. Уларнинг бунёд этилиши халқ қурилиши усулида амалга оширилди. Ушбу усул илк

марта темир йўл қурилиши соҳасида қўлланилган эди. Шундай қилиб, 40 кун ичида Ангрен ҳавзасини Тошкент билан боғлайдиган узунлиги 120 км. бўлган автоулов ва темир йўл қурилди.

1943 йилда иккита кон ишга туширилди ва янги шахталар, цемент заводи ва электростанция қурилиши бошланди. Уруш йилларида Ангрен конида темир йўл, 20 минг аҳолига мўлжалланган аҳоли яшаш пункти, электростанция, клуб ва бошқа маданий-ижтимоий муассасалар бунёд этилди.

Ўзбекистон урушнинг муҳим арсеналларидан бирига айланиб, уруш даврида фронтга 2100 самолёт, 17342 авиамотор, 2318000 авиабомба, 17100 миномёт, 4500 бирликдан иборат миналарни йўқ қилувчи қурол, 60 мингга яқин ҳарбий-кимёвий аппаратура, 22 млн. дона мина, 1 миллион дона граната, 560000 снаряд, дала радиостанциялари учун 3 млн. радио лампа, қарийиб 300000 парашют, 5 бронепоезд, 18 ҳарбий-санитария ва ҳаммом-қир ювиш поезди, 2200 та кўчма ошхона ва бошқа кўпгина ҳарбий анжомлар етказиб берди. Фақат республика енгил саноат халқ комиссарлиги корхоналарнинг ўзи 1941-1945 йиллар мобайнида 7518,8 мингта гимнастерка, 2636,7 пахтали нимча, 2861,5 мингта армия этиги тайёрлаб берди. Шунингдек, енгил саноат корхоналари фронтга 24469918 рубл нақд пул юборган. Енгил саноат корхоналари ва саноат кооперацияси артеллари томонидан 443,3 миллион рубллик маҳсулот ишлаб чиқарилди[7].

Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations). Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, урушнинг дастлабки даврида Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш қувватлари, иқтисодий ресурслари ва ҳарбий мақсадларга йўналтирилган саноат тармоқлари билан бир қаторда темир йўллар зиммасига ҳам жуда улкан масъулият юкланган эди. Уруш шароитида ташкил қилинган янги саноат ишлаб чиқариши марказлари билан темир йўл тармоғи орқали уланиш, тайёр саноат маҳсулотларини зарур нукталарга етказиш билан боғлиқ муҳим вазифалар шулар жумласидандир. Шунингдек, марказий ҳукумат томонидан томонидан аввалдан тасдиқланган қатнов ва ташиш режаларига қўшимча тарзда уруш билан боғлиқ янги юктамаларни амалга ошириш зарурияти темир йўл мутахассисларидан ўз ишларига жавобгарлик ва қатъият билан ёнлашишни талаб этарди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб. / Масъул муҳаррирлар: Абдуллаев Р., Раҳимов М., Ражабов Қ. –Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2019, б. 29.
2. Нуруллин Р. Узбекистан-арсенал фронта в годы войны // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). –Тошкент: “Фан”, 1996, б.193-194.
3. ЎзР МА, 712-фонд, 4-рўйхат, 19-иш, 21-варак.
4. История Самарканда.-Ташкент:“Фан”, 1970.Том 2.-С.25.



Роҳила РАЖАБОВА,
Бухоро давлат университети таянч докторанти
E-mail: rohilazakirovna@mail.ru

БухДУ профессори т.ф.д. Иноятлов С тақризи асосида

БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАРИХНАВИСЛИК МАКТАБИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, ҚЎҚОН ВА ХИВА ХОНЛИКЛАРИ МАКТАБЛАРИДАН ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада Бухоро амирлигида тарихнавислик мактабининг шаклланиши, Қўқон ва Хива хонликлари мактабларидан фарқли жиҳатлари ҳақида сўз юритилган. Бухоро тарихнавислик мактаби тарихчиларининг замонасида мавжуд бўлган муаммо ва масалалар, уларни ҳал қиладиган ҳар хил йўллар ва воситалар ҳам уларнинг тарихий асарларида ўз аксини топган.

Калит сўзлар: маданий ҳаёт, амирлар, тарихнавислик мактаби, манғитлар, тараққиёт, наср, хонликлар, маънавий муҳит, асарлар.

ФОРМИРОВАНИЕ ШКОЛЫ ИСТОРИИ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ, ОТЛИЧИЯ ОТ ШКОЛ КОКАНДА И ХИВИНСКОГО ХАНАТЕСА

Аннотация

В статье рассматривается становление школы историографии в Бухарском эмирате, ее отличия от школ Кокандского и Хивинского ханств. Проблемы и вопросы, существовавшие во времена историков Бухарской исторической школы, различные пути и средства их решения также отражены в их исторических трудах.

Ключевые слова: культурная жизнь, эмиры, историографическая школа, мангицы, развитие, проза, ханства, духовная среда, произведения.

FORMATION OF THE SCHOOL OF HISTORY IN BUKHARA EMIRATE, DIFFERENCES FROM THE SCHOOLS OF KOKAND AND KHIVA KHANATES

Annotation

This article discusses the formation of the school of historiography in the Emirate of Bukhara, its differences from the schools of the Kokand and Khiva khanates. The problems and issues that existed in the time of historians of the Bukhara School of History, the various ways and means of solving them are also reflected in their historical works.

Key words: cultural life, emirs, school of historiography, mangits, development, prose, khanates, spiritual environment, works.

Кириш. Бухоро тарихини ўрганиш, айниқса манғитлар даври тарихини ёритишда ўша давр маҳаллий тарихнавислар асарларига суянишни тақозо этади. Тарихий асарларни ўрганишда воқеаларни асосий фактлар асосида талқин қилиш муаммони счимини топишда муҳим саналади. Шундай экан, тарихий асарнинг манба сифатидаги аҳамияти ҳеч қачон пасаймайди. Бунинг сабаби шундаки, ҳар бир тадқиқотчи ва олим у ёки бу манба аҳамиятини ўзи олиб бораётган изланишлари учун белгилайди. Тарихий асарлар муайян вақт ва замоннинг ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётини акс эттирувчи манбадир. Тарихий асарлар замонасининг маънавий муҳитини тўғридан-тўғри, бевосита ўзида мужассам этади.

Бухоро тарихнавислик мактаби асарлари ўзбек, тожик ҳамда араб тилларида яратилган. Улар назм ва насрда ёзилиб, турли жанрларда дoston, шеър, тарихий-адабий асар, мемуар-тарихий ва биографик-тарихий асар сифатида юзага келган. Шарқ анъанасига мувофиқ келувчи соф тарихий асарлар ҳам Бухоро амирлиги тарихнавислигида кам эмас.

Тарихий асарлар турлари турлича бўлиб, баъзиларида муаллиф ўз кўрган кечирганларини очиқ-ойдин баён этса, бошқасида амирларни мактаб ёки воқеаларни фақат ижобий тарафларини ёритишга ҳаракат қилишган. Яна бошқа турдаги тарихий манбаларда воқеалар муаллифлар томонидан бўрттириб хикоя

қилинган. Бухоро тарихчиларининг асарларида юқоридаги барча услубларга хос бўлган асарлар учрайди. Бу эса муаррихларимиз ижодида фантазиянинг бойлиги, фикрлар эркинлиги, ижодкор сифатида ҳар бирларининг бетакрор эканликларидан дарак беради. Тарихий манбалар матни талқинида энг асосий ўринни матнининг ўқилиши ва унинг мазмунини тушунтириб бериш эгаллайди. Бу вазифани бажариш учун асар муаллифининг ижодий ишига кира олиш, уни тушунишга ҳаракат қилиш, асар даврини ва хусусиятларини тадқиқотчи билиши лозим. Тадқиқотчи вазифаларидан яна бири манбаларни илмий тавсиф қилишдан ташқари ҳар бир тарихий давр учун энг муҳим ва зарур бўлган манбаларни аниқлаб, уларга тавсиф бериб, уларда тарихийлик қай даражада акс этганини кўрсатиш муҳимдир. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, Бухоро амирлиги тарихини акс эттирган Бухоро тарихчилари мактабининг асарларини ўрганиш муҳим илмий йўналишни ташкил қиладди. Шу тадқиқотлар доирасида терминологик изланишлар олиб бориш ҳам муҳим вазифалардандир.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Бухоро тарихнавислик мактаби тарихчиларининг замонасида мавжуд бўлган муаммо ва масалалар, уларни ҳал қиладиган ҳар хил йўллар ва воситалар ҳам уларнинг тарихий асарларида ўз аксини топган. “Тарихий тадқиқот бу санъат асаридир” - деган эди - А.И. Марру. [1] Шундай экан, тарихчи олдида жуда оғир,

лекин шарафли вазифа туради. Манбалар тарих ва ўтмишнинг шохидидир.

XVIII асрга келиб Ўрта Осиёда Бухоро амирлиги тарихнавислик мактаби, Хива ва Қўқон хонликлари тарихнавислик ва таржимонлик мактаблари шаклландики, бу асарлар ҳам, ўз навбатида, ислом тарихий тафаккурини баҳолашда катта аҳамиятга эгадир. Шундай қилиб, бу тарихнавислик мактаблари пайдо бўлган даврда Ўрта Осиёда уч давлат шаклланиши жараёнини бошдан кечирарди. Аини пайтда Бухорода манғитлар ҳукмронлиги даврининг бошланиши билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам XVIII-XIX аср тарихий асарлари асосан манғитлар даври тарихини ёритишга бағишланган. Ушбу асарлар ҳозирги кунда нафақат Ўзбекистон тадқиқотчилари, балки хорижий тадқиқотчилар диққатини ҳам ўзига жалб қилиб келмоқда.

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Қўқон тарихчиси Муҳаммад Ҳақимхон ўзининг “Мунтахаб ат-таворих” асарини ёзишда Бухоро тарихнавислигига мурожаат қилгани ҳақида гувоҳлар бор. “Мунтахаб ат-таворих”нинг нусхалари жуда ҳам кўпдир. Асар умумжаҳон тарихига бағишлангани боис тарихни олам ва одам яратилишидан бошлаб, XIX асрнинг ўрталаригача бўлган даврни муаллиф ўз асарида баён қилган. Асарнинг катта қисми Бухоро манғитлари тарихи, Қўқонда ҳукм сурган минглар сулоласи ҳамда муаллифнинг саёхатлари баёнидан иборат. Асарнинг мана шу охириги уч мавзуга бағишланган бўлимлари жуда оригинал ва катта аҳамиятга эга қисмидир. Э.Хуршутнинг аниқлашича, Муҳаммад Ҳақимхон ўз асарининг манғитлар ҳукмронлигига бағишланган қисмини ёзишда Муҳаммад Вафо Карминагий ва Олимбек ибн Ниёзулибек қаламларига мансуб “Тухфат ал-хоний”, Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Накийнинг “Тож ат-таворих” ва бошқа маҳаллий муаллифларнинг асарларидан фойдаланган.

- **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** “Мунтахаб ат-таворих” тарихий-биографик ва мемуар асар сифатида ҳам Қўқон тарихнавислик мактаби ва адабий муҳитида алоҳида ўринга эгадир. Бундан ташқари Ҳақимхоннинг асари ўша даврдаги Туркия Миср, Эрон, Афғонистон ва Россия тарихига доир муҳим маълумотлар ва кузатувларни ҳам беради. “Мунтахаб ат-таворих” асаридаги ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг давлат ва ижтимоий тузумларига доир, Фарғонага келиб ўрнашган кўчманчи қабила ва элатларнинг тарихи, уларнинг янги иттифоқлар тузишдаги ўрни, исломийлашув масалалари, ўлкадаги этник ва этносиёсий жараёнлар, хонликнинг Бухоро билан алоқалари, юриш ва урушлари ҳақида аниқ маълумотлар; кўчманчилар ва ўтроқ аҳоли, бошқарувнинг шаклланиши, Қўқонда минг ва Бухорода манғит сулоласининг ҳокимиятни қўлга олиш жараёни, уларни босиб олинган янги ҳудудларида ҳукмронликларини қонунийлаштириш (легитимация) масалаларига доир кузатувлар, ўзаро урушларнинг ғайриинсоний кўриниши, тинч аҳолининг азоб ва укубутлари; бу сулолалар даврида жорий қилинган ва амалда бўлган унвон ва мансаблар, уларнинг даражалари ҳақидаги маълумотлар, ҳарбий иш тўғрисидаги ахборот; марказий хон маъмуриятининг маҳаллий ҳокимият (вилоятлар) билан алоқалари, вилоятларнинг даражаси, уларнинг хонлик сиёсий ва ҳўжалик ҳаётидаги ўрни, зодагонларнинг этик ва эстетик кадриятлари, ахлоқий вазият (баччабозлик каби қусурлар) ва бошқа мавзуларга доир маълумотлари жуда ҳам қимматлидир. “Мунтахаб ат-таворих” асарининг муаллиф даврига тегишли оригинал қисми ўзбек тилига таржима қилинган.

Юқоридаги фактлардан кўриниб турибдики, Ҳақимхон Тўранинг “Мунтахаб ат-таворих” асарида келтирилган Бухоро тарихи ҳақидаги маълумотлар Бухоро тарихчиларининг асарларидан фойдаланилган ҳолда ёритилган. Демак, Бухоро тарихнависларининг асарларидан нафақат ҳозирги кунда олиб борилаётган тадқиқотларда, балки ўша давр тарихшунослигида ҳам кенг фойдаланилган.

Тарихий тадқиқотлар узок вақт давомида сиёсий тарих тадқиқотлари билан чекланиб келган бўлиб, тадқиқотларнинг асосий эътибори ҳукмдорлар фаолиятига қаратилган, аммо халқ оммаси ва унинг тарихий жараёнлардаги ўрни тадқиқотлар эътиборидан четда қолган. Бу ҳақда машҳур адиблардан бири Ф.Вольтер киноя билан: - “Ҳамма томонда фақат қироллар тарихини кўрмоқдаман, мен эса одамлар тарихини ёзмоқчиман”, - деган Д.Юм.

XVIII-XIX асрларда Қўқон, Тошкент, Бухоро, Хоразм тарихнавислик мактаблари шаклланиган, булар орасида айниқса Бухоро тарихнавислик мактабини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бухоро тарихнавислик мактабида нафақат амирлик тарихини акс эттирувчи, балки жаҳон тарих фанида ноёб манбалар сифатида эътироф этилган бир неча ўнлаб асарлар яратилган. Бу асарлар ҳозирги кунда нафақат Ўзбекистоннинг архивларида, балки дунёнинг барча давлатларнинг кутубхоналарида сақланиб келинмоқда. Бухоро тарихнависларининг аксарият асарлари турли сабабларга қўра Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб кетган.

1897 йили А.А. Семенов илк бор Марказий Осиёнинг йирик марказларидан бири бўлган Бухорога келиб, у ерда бир неча ой яшаган. А.А. Семенов Самарқанд ва Бухоро шаҳри аҳолиси билан туркий ҳам форсий тилларда бирдай гаплашганлиги боис, бозорларда юриб, қўлёмалар ва тошбосма асарлар, қўхна тангалар ҳамда бошқа қадим ёдгорликларни қидириб (жуда кам миқдордаги пуллари бўлишига қарамадан) уларни харид қилган ва қўлга киритилган асори атиқалар юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борган[2].

XX аср бошларида А.А. Семенов Ўзбекистон халқлари тарихи лавҳаларини ёритиш мақсадида бир қатор тадқиқотларни амалга оширган. Илк бора Бухоро хонлиги тарихига оид “В священной Бухаре (Путевые очерки)” очерки [3] тайёрлаиб, муқаддас макон ҳақида яратилган бу кичик асар кейинги Бухоро тарихига оид катта илмий асарлар учун пойдевор бўлиб хизмат қилган. Бухоронинг қўшни давлатлар хусусан, Афғонистон билан чегарадошлиги ва унинг жанубий сарҳадлари масаласига бағишланган асари XX аср бошлари тарихини ўрганувчилар учун муҳим манбавий асос бўлиб хизмат қилади. 1903 йилда оммага маълум қилинган “Основание священной Бухары” асари Бухоронинг пойтахт шаҳарга айланиши ва қўхна обидалари ҳақида қимматли маълумот беради.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики машҳур академик А.А.Семеновнинг тадқиқотларининг замирида Бухоро тарихнавислари яратган асарлардан олинган қимматли маълумотлар яширинган.

Бухоро машҳур тарихчиларидан Муҳаммад Вафо Карминагий, Мулла Муҳаммад Шариф, Мирзо Содик Мунший Жандарий, Мир Олим Бухорий, Аҳмад Дониш, Мирза Абдулазим Сомий Бўстоний, Мирза Салимбек кабилар Бухоро тарихини ўрганишга асос бўлиб хизмат қиладиган қимматли манбаларни яратганлар.

XVIII аср иккинчи ярми-XIX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудларида тарих фани, тарих илми ва тарихнавислик борасидаги илмий қарашлар ҳақида сўз юритганда юқорида номлари келтирилган олимлар ва

тарихчиларнинг асарларида келтириб ўтган фикрларидан ҳам англаш мумкинки, Шарқ, хусусан Ўрта Осиёда ҳам қадимдан тарих фани соҳаларига эътибор кучли бўлган ва айни вақтда тарихнавислар фақатгина тарихий жараёнларни тавсифлаш, манбаларни таҳлил этиш билан чекланиб қолмасдан тарих ва тарих фани ҳақида, уни қандай ёзиш ёки таҳлил қилиш кераклиги масалалари юзасидан ҳам замонавий тарих фани нуқтаи-назаридан олганда фаннинг методологик масалалари борасида ҳам ўзларининг илмий ва назарий фикрларини кўрсатиб ўтганлар. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, XVIII-XIX асрларда Ўзбекистон ҳудудларида тарихнавислик ва тарих илми нафақат тараққий этди, балки жаҳон тарих фанининг тараққиётига таъсир кўрсата оладиган даражада ўзининг махсус тарихнавислик мактабларини шакллантира олди ва тарих фанининг назарий масалаларида бир қатор илмий қарашларни илгари сурган тарихчиларини ҳам етиштириб бера олди.

- **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар замирида тарих фани

ривожига ҳам янги босқичга кўтарилди. Президентимиз таъкидлаганларидек, "...бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак". [4]

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев фикрларига таянган ҳолда алломаларимиз ёзиб қолдирган меросни ўрганишимиз ва манбаларга асосланган ҳолда тарихни ўрганишимиз зарур бўлади. Ҳозирда алломаларимиздан қолган бой илмий маънавий мерос жаҳон фондларида, шу жумладан, ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг асосий фонди, Ҳамид Сулаймонов фонди, Ўзбекистон Республикаси Марказий тарих архивида, Бухородаги "Абу Али ибн Сино номидаги вилоят универсал илмий кутубхонаси" ва Бухоро давлат музей-қўриқхонасида сақланиб келинмоқда. Бу ердаги қўлёзма ва тошбосма манбаларнинг анча қисмини, яъни мавзуимизга алоқадор бўлган XVIII-XIX асрларда Бухорода ёзилган манбалар ташкил этади. Асарлар мамлакатимизнинг ўша даврдаги ижтимоий иқтисодий тарихини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ключевский В.О. И.С. Лурье о так называемой "презумпции невиновности источника" // Источниковедческие разыскания. - Тбилиси: Мецниереба, 1982. - С.411.
2. Литвинский Б.А. и Акрамов Н.М. Александр Александрович Семенов (научно-биографический очерк). М.: Наука, 1971. 178 с.
3. Семенов А.А. Основание священной Бухары. М., т. 57. № 4, стр. 115-116.
4. Мирзиёев Ш.М. Ислом цивилизацияси маркази қурилиши билан танишувда билдирилган фикрлар. 21 декабрь, 2018 йил. <https://www.gazeta.uz>.
5. Узбекская ССР в годы Великой отечественной войны. Т.1. –Ташкент: «Фан», 1981, с.123-124.
6. Узбекская ССР в годы Великой отечественной войны. Т.1. –Ташкент: «Фан», 1981, с.123-124.
7. Бобожонов Ҳ. Ўзбекистон саноати Иккинчи жаҳон уруши йилларида. // O'zbekiston tarixi, 2020, №2, б.18; Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войне. / Отв. ред. Х.Ш.Иноятов. –Т: «Фан», 1975, с.86;



Х.Т. ХОЛБАЕВ,

*ЎР ҚҚ Академияси Илмий-тадқиқотлар институти
катта илмий ходими, ҚҚ хизматчиси*

ЎР ҚҚ Академияси “Ҳарбий хавфсизлик” кафедраси профессори ф.ф.н. Д.М.Бозаров тақризи асосида

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ТАКТИК ХАРАКАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация

Мақолада иккинчи жаҳон урушининг Сталинград шаҳри мудофаа ва ҳужум жанглари таҳлили асосида Совет армиясининг қўллаган тактик усуллари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Сталинград, химоя, штурм, штурм группаси, жанг.

РАЗВИТИЕ ТАКТИЧЕСКИХ ДВИЖЕНИЙ ВО ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЕ

Аннотация

В статье на основе анализа оборонительных и наступательных боев города Сталинграда в годы Великой Отечественной войны анализируются тактические приемы Советской Армии.

Ключевые слова: Сталинград, оборона, штурм, штурмовая группа, бой.

DEVELOPMENT OF TACTICAL MOVEMENTS IN THE SECOND WORLD WAR

Annotation

The article analyzes the tactical methods used by the Soviet Army based on the analysis of the defensive and offensive battles of the city of Stalingrad in World War II.

Keywords: Stalingrad, defense, assault, assault group, battle.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 2021 йил 12 январь куни ЎР ҚҚ ташкил топганлигининг 29 йиллиги муносабати билан ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Қуrolли Кучларга муҳим топшириқлар қўйилди. Жумладан, ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда ҳарбий илимни ривожлантириш, ҳарбий можоролар ва замонавий жанг амалиётларини ҳамда миллий ҳарбий санъат тарихини чуқур ўрганиб, қўшинларнинг тайёргарлик усул ва услубларини янада такомиллаштириш вазифалари қўйилди [1].

Белгиланган топшириқларнинг бир қисми – миллий ҳарбий санъат тарихини чуқур ўрганиш борасида Иккинчи Жаҳон урушини ўрганиш, уларни чуқур таҳлил қилиб, қўлланилган тактик амалларни курсантлар, аскарлар, офицерларни ўқитишда, кундалик амалиётларга жорий этилса янада янги марраларга эришишига бир босқич бўлади деб ҳисоблаймиз.

1920-1930-йилларда, ҳарбий санъатнинг мудофаа соҳасидаги кучайтирилган ҳимояловчи қала назарияси эскирди. Унинг ўрнини ҳарбий санъатда мудофаа чизик (линия) лари эгаллади (Мажино чизиги, Маннергейм чизиги, Сталин чизиги). Ҳарбий назариячи олимлар Иккинчи Жаҳон уруши бошларида илим-фан ва амалиётнинг энг янги натижаларига асосланган мудофаа тизимлари, ҳарбий салоҳияти энг юқори бўлган ҳар қандай армияни ҳам холсизлантириб тўхтата олади деган фикрда бўлган [2].

Аҳоли яшайдиган катта шаҳарларни мудофаа қилиш, штурм қилиб уни эгаллаш масалалари ҳарбий назария олимлари томонидан ўрганилмаган. Европа мамлакатларининг ҳудудлари кичкина бўлганлиги сабабли жанговар ҳаракатлар “чақмоқдек” тез бўлган бўлса, Иккинчи Жаҳон уруши бошланиши билан вазият батамом ўзгарди.

1939 йилда 1936 йилги Дала низоми қайта ишланиб, шаҳар, аҳоли яшаш пунктларида жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг ўзига ҳос хусусиятлари билан тўлдирилди ва Дала низоми-39 (ПУ-39) деб номланди. Бирок, шаҳар, аҳоли яшаш пунктларида жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг ўзига ҳос хусусиятларига аниқ шароитларга боғланмаган ҳолда академик тушунча билан чекланди. Масалан: химояда шаҳарлар “секторларга бўлинган бўлиши, секторлар бўлса шундай ажратилган бўлиши керакки, улар муҳим йўналишларни қамраб олиши ва шаҳарнинг мамурий бўлинишларига мос бўлиши керак” деб кетилган.

Штурмда бўлса “қанотдан ўт очиш имкониятлари бўлган барча тошдан, темир бетондан қурилган биноларни оғир артиллерия ва самолёт зарбалари орқали яқсон қилиниши керак”. Катта аҳоли яшаш пунктларини забт этиш “пиёда аскар билан артиллерия, авиация, ва бронетехниканинг узвий ҳамкорлигида,” унинг натижасини ҳатто кичик бир бўлимнинг қатийлиги, мустақиллиги, чидамлилиги ҳал қилади”- деб кўрсатилган Дунёнинг йирик давлатлари олимларининг ҳарбий фикрлари шундай бўлган. Иккинчи жаҳон урушининг дастлапки этапида шаҳар, аҳоли яшаш пунктларида жанг олиб бориш муаммоларини тадқиқ қилиш зарурати пайдо бўлмаган эди. Аммо Германиянинг СССР га қарши уруш бошланиши билан вазият кескин ўзгарди. Катта шаҳар шароитларида жанговар ҳаракатларни олиб боришни таҳлил қилиш ва зарурий ҳулосалар бериш масалси пайдо бўлди.

Қарама-қарши томонлар катта шаҳрни химоя қилишда уни енгиб бўлмас даражада “бастион” (қўрғон) га айлантиради, унда: подвал танк (артиллерия) учун ўт очиш позицияси, захира снарядлар, ўқлар, озик-овқат, сув сақлаш учун омборхона, ярадорларни, касалларни даволаш учун шифохона, шахсий таркибни артиллерия, ҳаво ҳужумидан сақлаш учун убежиша сифатида фойдаланади; 1,2- ва бошқа юқори қаватлар танк, АГС-17

(автоматик станокли граната отувчи), мерганлар ва бошка ўт очувчи автоматик қуроллар учун асосий, захира позициялар жойлашади; том усти енгил минометлар. Ҳаво ҳужумига қарши қуролларга ўт очувчи позициялар жой олади, автоматик ўқ отувчи қуроллар учун позициялар; том устида енгил минамётлар, ҳаво ҳужумига қарши қуроллар ўт очиш позициялари жойлаштирилади Томнинг устки қисмигни мустаҳкамлаш мақсадида тўсинлар ётқизиб кум (тупрок) билан тўлдирилган қоплар ётқизилади, ёнғинга қарши кум тўшалади ва сув захираси сақланади. Ўт очувчи қуролларга асосий ва бир неча захира позициялар тайёрланади, ортикча ойналар гишт (кум тўлдирилган қоплар билан) беркитилади, деворлар гишглр билан мустаҳкамланади. Манёвр қилишни осонлаштириш учун қўшни хоналарга, этажларга чиқиш (кириш) учун йўллар очилади (портлатиш йўли билан).

Совет давлатининг ҳарбий соҳа олимлари ҳам, чет давлатлар ҳарбий соҳа олимлари фикрларини қувватлаб шаҳар мудофасини бир неча ўн километр олдиндан химоя чизиклари қуриб, мудофаа қилишни таклиф қиладилар. Буларга мисол қилиб *Ленинград, Сталинград, Москва, Тула шаҳарлар мудофаа тизимларини келтириш мумкин.*

Мавжуд ҳолатлардан фойдаланиб йирик шаҳар шаоронтида жанговар ҳаракатлар олиб бориш хусусиятларини, қўлланилган тактик усулларни, кучайтириш воситаларини таҳлил қиламиз. Сталинград шаҳри мудофаа чизиклари тўрта “линядан” ташкил топилиб немис қуролли кучлари ҳужумини холсизлантириб, тўхтатиши керак эди. Немис қуролли кучларига қарши мудофада турган Сталинград фронти ҳарбий тизимлари немис қуролли кучлари ҳамласини тўхтата олмади, натижада душман кучлари 1942 йил 14 сентябрь кун Сталинград шаҳрининг жанубида жойлашган Ельшанка қишлоғи яқинида Волга дарёси қирғоғига етиб келдилар ва беихтиёр Сталинград шаҳри учун жанговар ҳаракатлар бошланиб кетди. Шу ўринда, шаҳарни олдиндан химояга тайёрлаш тадбирлари ўтказишга улгурилмаганлиги сабабли шаҳар инфра тизимлари имкониятларидан оқилона фойдаланиб тез вақтларда химояланиш чоралари қўрилди ва амалга оширилди.

Шаҳар остоналарида уни мудофаа қилувчи кучларни авиация, артиллерия зарбалари билан тор-мор этиб, шаҳарни изоляция қилиб, кучларни шаҳар ичи курашига жалб этилмай ғалабага эришган. Бунга мисол Варшава, Киев, Одесса шаҳарларини ишғол этилиши. Мудофаа қилувчи кучлар, шаҳарда таянч пунктлари, мудофаа районлари барпо қилиб, уни мудофаа қилишни ҳайолларига ҳам келтирмаганлар.

Шаҳарни ташқаридан мудофаа қўрғонлари яратиш орқали мудофаа қилиш қодалари бўлишига қарамай, шаҳарни ичидан химоялаш тенденциялари пайдо бўла бошлади. Бунга мисол сифатида Ростов шаҳри химоясини кўрсатиш мумкин. Совет қуролли кучлари шаҳарда мудофаа пунктлари, районлари яратиб душманга муносиб қаршилиқ кўрсатилди. Фашист қўмондонлари Ростов шаҳрини забт этишда шундай қаршилиқни назарда тутиб 125-пиёда дивизиясини шаҳарни штурм қилиб енгил учун штурм группалари ташкил этилиб, дала ва танкга қарши артиллериялар билан кучайтириб, тўрт кун ичида Ростов шаҳрини тўлиқ забт этди.

Катта аҳоли яшаш пунктларида мудофаа қилишнинг ёрқин намунаси сифатида иккинчи жаҳон Улуғ Ваган урушининг 1942 йил 17 –июлдан -1942 йил 19-ноябргача давом этган Сталинград жанглари бўла олади. Иккинчи жаҳон урушидаги Сталинград мудофаа жанглари иккинчи йил урушининг ҳал қилувчиси бўлди [3].

1942 йил уруш компанияси Сталинград шаҳри мудофаа жанглари ва немис қуролли кучларининг шаҳар остоналарида тор-мор этилишидан иккинчи жаҳон уруши истиқболи боғлиқ эди Сталинград мудофасини мустаҳкамлаш мақсадида катта амалий ишлар бошланиб юборилган эди. Шаҳарни мудофааси учун тўртта мудофаа қўрғонлари барпо этиш режалаштирилган: биринчи ташқиси шаҳардан 25-км. узоқликда 400 километрни; иккинчиси 150 километрни; учунчиси-ичги 70 километрни ва тўртинчиси шаҳар четидан ўтган. Бирок, уруш бошланишига мудофаа қурилмалари ташқи ва ўрта қўрғонларида қурилиш ишлари бошланмаган, ичги ва шаҳарни ташқи томонидан ўралган химоя қўрғонлари 50% фозизга яқунланган эди.

1942 йил 23 август эрта тонгда немисларнинг 76-пиёда дивизияси авиациянинг кучли қўллашида Дон дарёсининг шарқий қирғоғидан эгаллаган плацдармидан, (Вертячий номли хутор арофида) ҳужумга ўтди. Совет Армияси мудофасини ёриб ўтиб Сталинград шаҳри томон йўл олди. Хосил бўлган бўшлиқга немис қўмондонлари 16-танк ва 3-мотомеханизация дивизияларини жангга солиб 16.00 23 август 1942 йил Сталинград шаҳри шимолидан Волга дарёсига чиқди. Бу ҳолат Сталинград, Юго-Восточный фронт қўмондонларига ва Москвага қутилмаган ходиса бўлиб, икки кун мобайнида аҳолидан яширилди[4].

13 сентябрдан шаҳар ичи жанглари бошланиб кетди. Сталинград шаҳри мудофаси 62-армия командири генерал-лейтенант В. Чуйковга ва 64-армия командири генерал-лейтенант М. Шумиловга топширилган эди. Сталинград химоячиларини Волга дарёси ҳарбий флотилияси қўллаб ва ёрдам кўрсатиб турди. 15-сентябрда Волга флотилияси генерал А. Родимцевнинг 13-гвардиячи ўқчи дивизиясини шаҳар мудофаси учун Волга дарёсидан ўтказиб қўйди. Шиддатли шаҳар жангларида Сталинград шаҳри химоячилари мардонавор турдилар, ҳалок бўлса бўдилар, аммо бир қадам чекинмадилар. Бунга ёрқин намуна “Павлов уйи” химоячилари 13-гвардия дивизия жангчилари сержант Павлов ўзининг жангчилари билан 58 кун Солнечный кўчасидаги тўрт қаватли бинони химоя қилиб турдилар. Бундай оғир кунларда мерган В. Зайцевнинг “Волга ортида биз учун ер йўқ” деган жанговар сўзи лозунг бўлиб барчани руҳлантирди.

Танк ҳужуми йўналишларида уйларнинг бузилишидан хосил бўлган харобалар ортида ёндирувчи бутилкалар билан қуролланган жангчилар пистирмалардан танкга қарши ҳужум қилиб яхши натижаларга эришдилар. Сталинград мудофаси жангларида тактиканинг янги усуларидан бўлиб жангчилар фойдаланилган усуллар-энг биринчидан биноларни мудофаа жангига тайёрлаш ва улардан ўқ отиш позицияларини, захира ўқ-яроқ, снарядлар, портловчи моддалар, сув, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, артиллерия ҳамда авиация зарбаларидан химоялашда фойдаланилганлиги намуна сифатида кўрсатилган. Иккинчидан артиллериядан фойдаланишда қўлланилган тактик усул – мудофаланувчи группалар ташкил этилиб, улар артиллерия, танк, ўт отувчи қуроллар, инженер-сапёрлар билан кучайтирилиши, мустақил жанг олиб бориши. Учунчидан- уларни активлиги душман ҳужуми натижасида йўқотилган позицияни тиклаш учун қарши ҳужум уйиштирилиши, душмани ҳаловатини йўқотувчи, тошдан толдирувчи зарбалар берилиши, бино деворлари тешиқларидан, позициялари оралиғидаги бўшлиқдан ўтиб, орқа томонларидан ҳужумлар уйуштириш, барча группа бўлинмаларида захира кучларга эга бўлиш. Тўртинчидан- жангчилар, қуроллар имкониятларидан унумли фойдаланиш мақсадида кичик группаларни

шундай ташкиллаштириш керакки уларда мерган, танкга (артиллерияга), пиёда жангчиларга қарши қуроллар бўлиши зарур, шу жумладан захира кучларда ҳам.

Шаҳар шароитларида хужум тактикасининг ўзига хослиги.

Советлар, Фашистлар қуролли кучлари қўмондонлари Сталинград жанглирида аҳоли яшаш пунктларининг хужум, мудафаа жанглирида қандай ахамиятга эга эканлигини ёрқин кўрдилар ва мудафаа, хужум қилишга тайёргарлик чораларини бошладилар.

Кўча жанглирида яхши тайёрланган пиёда аскар, юксак махоратли артиллерия наводчиги, юкори малакали кичик офицер ва юксак уюшган кичик бўлим (бўлинма) жангни ҳал қилувчи мезонига айланади. Автоматик қурол, гранаталар, ўт очувчи (огнемёт), яқиндан танкга қарши зарба берувчи қурол жангни натижасини аниқловчи кучга айланади

Штурм қилувчи отряд одатда шаҳар марказхига қараб, 2-3 параллел кўча бўйлаб хужум қилади. Штурм қилувчи группа битта кўчадан, бошқа группа унга параллел кўчадан бино ховлилари, боғлари, деворнинг бузилган тешикларидан, майдонларидан фойдаланиб душманнинг орка томонидан хужум қилади. Жанговар

группа қаторида, гохо бироз ортидан қўлловчи ўт отувчи қисми, унинг ортидан резерв ҳаракатланади.

Штурм қилувчи группанинг артиллерияси, танки тўғри нишон билан душманнинг ўт очувчи воситаларини яқсон қилади, ёпик ўт очувчи позициядаги катта калибрли артиллерия, минамётлар душманнинг артиллерияларига, тирик кучларига талофат етказди, кучлар, воситалари билан манёвр қилишга тўсқинлик қилади. Сапёрлар миналаштирилган, инженер тўсиқлардан ўтиш жойлари тайёрлайди. Штурм қилувчи группалар шиддатли ташланиш билан эгаллаш объектига ёпирилади, эшик, деразаларига грангаталар отибни, ўт отувчи қуроллардан тинимсиз ўқ ёғдириб душманга қаршилиқ кўрсатишига имкон бермай яқсон қиладилар.

Иккинчи жаҳон уруши ҳарбий санъатнинг такомиллашуви, ҳарбий илмнинг ривожланишига, қуролли кучларнинг янги-янги турларини пайдо бўлишига революцион таъсир кўрсатди. Ҳарбий санъатнинг ривожланиши муракаб моддий ва маънавий процеснинг диалектик уйғунлашуви махсулидир. Унинг ривожини ҳарбий техниканинг ривожланиши, қуролли кучларни замонавий қуроллар, ҳарбий техникалар билан таъминланишини аниқлайди. Ҳарбий санъатнинг ривожини ишлаб чиқариш усули ҳал қилиши қонунининг ёрқин исботи далилидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Қуролли Кучларни ривожлантириш борасидаги ишлар сарҳисоб қилинди ва янги вазифалар белгиланди. Халқ сўзи газетаси. 2021 йил 13 январь №8 (7788)
2. Соколов, В.В. Новые данные о подготовке германского вторжения в СССР в 1941 г. / В.В. Соколов // Новая и новейшая история. – 2000. – № 1. – С. 45.
3. Соколов, В.В. Новые данные о подготовке германского вторжения в СССР в 1941 г. / В.В. Соколов // Новая и новейшая история. – 2000. – № 1. – С. 45.
4. Стойко защищать каждую улицу Сталинграда// газета «Красная звезда» 22 сентября 1942 года. №223.-С.1.



Шарофиддин ХОШИМЖОНОВ,

Анджон давлат университети таянч докторанти
E-mail: aliyazdiy93@mail.ru

Анджон иқтисодиёт ва архитектура институти доценти, т.ф.ф.д. Х.Ходжамбердиев тақризи асосида

RESTRICTIONS ON THE RIGHTS OF LANDOWNERS AND ENTREPRENEURS IN TURKESTAN IN THE YEARS OF SOVIET RULE

Abstract

The article analyzes the policy of persecution and restrictions imposed on Turkestan's and early years of soviet rule Uzbekistan landowners and entrepreneurs in the early years of Soviet rule. It contains information on the means of production owned by the owners, the confiscation of land and other property in favor of the state, the political restrictions on the business community.

Keywords: Provisional Government; Bolsheviks; Soviet Government; Agrarian Policy; Nationalization; Land Decree; Landowners; Entrepreneurs; Wealthy Farms; Voting Rights; "Injustices"

ОГРАНИЧЕНИЕ ПРАВ СОБСТВЕННИКОВ И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ В ГОДЫ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В ТУРКЕСТАНЕ

Аннотация

В статье анализируется политика преследований и ограничений, наложенных на собственников и предпринимателей в Туркестане и в первые годы советской власти в Узбекистане. В статье содержит информацию о конфискации земли, средствах производства и другой собственности принадлежащих собственникам в пользу государства, политических ограничениях для слой предпринимателей.

Ключевые слова: Временное правительство, большевики, Советское правительство, аграрная политика, национализация, земельный указ, землевладельцы, предприниматели, байско-кулацкие хозяйства, избирательное право, «бесправные».

ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА МУЛҚДОРЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ҚАТЛАМИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНИШИ

Аннотация

Мақолада Туркистонда ҳамда Совет ҳокимиятининг илк йилларида Ўзбекистонда мулкдорлар ва тадбиркорлар қатламига нисбатан юритилган таъқиб ва чеклов сиёсати таҳлил этилган. Мулкдорлар тасарруфидаги ишлаб чиқариш воситалари, ер ва бошқа мулкларнинг давлат фойдасига мусодара қилиниши, тадбиркорлар қатламининг сиёсий жихатдан чекланишига доир маълумотлар жамланган.

Калит сўзлар: Муваққат ҳукумат, большевиклар, Совет ҳукумати, аграр сиёсат, национализация, "Ер тўғрисида" декрет, мулкдорлар, тадбиркорлар қатлами, бой-қулоқ хўжаликлари, сайлов ҳуқуқи, "ҳақсизлар".

Кириш. Февраль инқилобидан сўнг эълон қилинган озодлик, тенглик, мустақиллик ҳақидаги шиорлар ва татбиқ қилина бошланган демократик ўзгаришлар империянинг бошқа халқлари қатори мустамака Туркистонда ҳам яхши қарши олинди. Қисқа вақт амалда бўлган Муваққат ҳукумат мулкка, жумладан хусусий мулкка ҳамда мулкдорлар билан бўлган муносабатларда қай йўлдан кетиш борасида яқуний қарор чиқаришга шошилмади.

Мулк масаласида Муваққат ҳукумат либерал йўл туттиш йўлидан борди, лекин узил-кесил қарор чиқармади. Кейинроқ, Октябрь инқилоби натижасида Туркистонда ҳам большевиклар ҳокимияти ўрнатилди. Мулкни тасарруф этиш масаласида большевиклар жуда кескин сиёсат олиб борди. Барча турдаги хусусий мулкларни давлат тасарруфига ўтказиш, мулкдор синфни жамият ҳаётидан супуриб ташлашга қаратилган сиёсат олиб борди. Бунда мулкдорлар ва тадбиркорларнинг сиёсий, иқтисодий ҳуқуқлардан маҳрум қилиниши, уларни жисмоний жихатдан йўқ қилиш, мулкларини тортиб олиш каби усуллардан фойдаланилди. Бу эса мамлакат иқтисодиётига катта зиён келтирди, аҳолининг иқтисодий тафаккурида хусусий мулк тушунчасини ўчириб юборди. Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш сиёсати, давлат монополиясини камай-

тириш, мулкдорлар синфини кенгайтириш борасида амалга оширилиши аслида ушбу даврнинг "маҳсули" бўлиб, давлат ҳокимияти органларининг сиёсий тафаккуридаги бу борадаги бўшлиқлар айни шу даврда вужудга келган. Шу боисдан ушбу муаммоларнинг илдизларини ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review). Мавзунинг ўрганишида, чуқур таҳлил қилиб, илмий хулосалар беришда архив ҳужжатлари бирламчи манба сифатида асосий ўрин тутди. Шунингдек, турли монография ва тадқиқот ишлари, илмий мақолалардан ҳам кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу мавзуга доир адабиётларни биз шартли равишда тўрт гуруҳга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Улар: 1) Ушбу тадқиқот мазуси ўз ичига қамраб олган даврда яратилган адабиётлар; 2) 1930-1985 йилларда эълон қилинган илмий ишлар ва адабиётлар; 3) 1985 йилдан кейин ҳамда мустақиллик даври илмий адабиётлари; 4) хорижда эълон қилинган монография ва тадқиқот натижалари. Биринчи гуруҳ манба ва адабиётларига асосан ўша даврда газета ва журналларда эълон қилинган мақолалар ва статистик тўпламларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, бу даврда тарихий нуқтаи назардан ўрганилган тадқиқотлар кам учрайди. Иккинчи гуруҳ адабиётларига А.Ю.Поляков,

О.Б.Джамалов, А.М.Давыдов, Ж.Зайченко, Л.Ф.Морозов, В.П.Дмитренко, И.Я.Трифонов, Н.В.Щербан, каби совет даври тарихчиларининг тадқиқотларини кўрсатишимиз мумкин. Уларнинг асарларида социализмнинг ғалабаси, давлат барча турдаги мулкчилик шакллари йўқ қилиши ва ўз монополиясини ўрнатиши, деҳқон хўжалиқларининг тугатилиши ҳамда жамоавий хўжалиқларининг тузилиши, унинг қишлоқ хўжалигига кўрсатган таъсири, синфий кураш ва мулкдорлар синфининг тугатилиши ижобий нуктаи назардан таҳлил қилинади ва бу Совет давлатининг катта ютуғи экани таъкидланади. Учинчи гуруҳ адабиётларига Совет иттифоқининг демократия ва сўз эркинлиги шабадалари эса бошлаган 1985 йилдан кейин тугатилган адабиётларни киритдик. Бу даврда, биринчи навбатда академик Раҳима Аминованинг ер-сув ислохоти, коллективлаштириш масаласида эълон қилинган адабиётларини кўрсатишимиз лозим. Академик Р.Аминова ўз тадқиқотларида илк бор ер-сув ислохоти ва коллективлаштириш нотўғри сиёсат экани, хусусий мулк эгаларининг ўз мулкларидан маҳрум этилиши жамият аъзоларининг иқтисодий ҳаётига пировардида ижтимоий аҳволига салбий таъсир этган дея хулоса беради. Шунингдек, бу даврда аграр масала билан шуғулланган профессор Иброҳимжон Алимов, коллективлаштириш мавзусида қатор илмий ишларни эълон қилган Рустамбек Шамсутдинов, т.ф.д. Б.Расулов ва бошқалар мавзунини ўрганишда катта ҳиссаларини қўшдилар. Тўртинчи гуруҳ адабиётлари бўлиши хорижий олимлар томонидан эълон тадқиқот ишлари ҳозиргача кам ўрганилган манбалардан ҳисобланади. Ушбу мавзуга оид илмий монография ва мақолалар эълон қилинган. Винсент Барнетт, Шейла Фитзпатрик, Ларс Т. Лих ва бошқалар томонидан эълон қилинган илмий тадқиқот ишлари мавзунини ўрганишда қизиқарли манбалардан ҳисобланади. Ушбу тадқиқотларда асосан НЕП даврининг ижобий жиҳатлари ва ундан кейинги даврда унинг ёрдамида эришилган марралардан ортга тисарилиш, колхозлаштириш ва АҚШдаги фермер хўжалиқларининг солиштирма таҳлили каби муҳим маълумотлар тадқиқ қилинган.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Мақолада Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда большевикларнинг мулкий муносабатлар бўйича юритган сиёсати, хусусий мулкчиликнинг чекланиши ва мулкдорларнинг иқтисодий ҳамда сиёсий ҳуқуқларининг чекланиши ёки улардан маҳрум қилиниши турли архив ҳужжатлари ва адабиётлар ёрдамида қиёсий таҳлил тамойиллари асосида тадқиқ қилинган.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). 1917 йилнинг февралда Петроградда содир бўлган инқилоб натижасида ҳокимиятга келган Муваққат ҳукумат Россия империяси ҳудудида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган қонунлар қабул қилди. Инқилобдан кейин аграр давлат ҳисобланган собиқ чор Россиясида ер масаласи биринчи ўринга чиқди. Аграр масалани ҳал этиш бўйича турли сиёсий партиялар томонидан турлича таклифлар илгари сурилди. Кадетлар (конституцион демократлар) партияси ерга бўлган хусусий мулкчиликка устуворлик беришни таклиф қилган бўлса, социалист-инқилобчилар (эсерлар) ерни ерга ишлов бериш нормасидан келиб чиқиб тақсимлашни, ерга эгалик ҳуқуқи давлат қўлида бўлиши кераклигини илгари сурдилар. Меньшевиклар ерни муниципализация қилишни кўзда тутган бўлса, большевиклар янада радикалроқ бўлган йирик ва ўрта мулкдорлардан барча мулкларни, шу жумладан ерларни тортиб олиб, давлат ер фондига ўтказиш ва жамоавий хўжалиқларни ташкил этишни илгари сурди [1].

Муваққат ҳукумат ер масаласини, умуман мулкка бўлган муносабат масаласини чуқур ўйланган ислохотлар орқали тартибга солиш лозим эканини уқтириб келди. Туркистонда вужудга келган буржуазия синфи ҳам савдо-иқтисодий муносабатларини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Большевикларнинг популистик чакирувлари, ерларни бой қатламдан тортиб олиб, камбағалларга олиб бериш ҳақидаги ваъдалари эса Россиянинг марказий ўлкаларида радикал кайфиятни кучайтирди ва аҳолини икки қисмга бўлиб юборди. Охир-оқибатда Октябрь тўнтарыши юз бериб, советларнинг тоталитар тузуми ўрнатилди.

Муваққат ҳокимиятнинг ағдарилиши чекка ўлкалардан бири бўлган Туркистондаги сиёсий жараёнларга ҳам кўп ўтмай ўз таъсирини ўтказди. Тошкент Совети 1917 йил 1 ноябрда Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилганини эълон қилди. Бу ўлкада большевикча тартибларнинг ўрнатилишига имкон яратди. Барча шаҳарларда советлар ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. Большевиклар Туркистонда подшо Россияси давридаги мустамлакачилик сиёсатини янгича тарихий шароитда давом эттириб, унга моҳиятан амал қилдилар. Туркистонда марказда бўлгани каби инқилобий ақидаларга, аввало, синфийлик тамойилларига амал қилинди. Ишчилар синфи ва камбағал деҳқонлардан ташқари бошқа барча табақалар реакция гуруҳлар деб эълон қилинди. Жумладан, мулкдорлар ва тадбиркорлар ҳам реакция қатлам сифатида қораланиб, уларнинг мулкларини тортиб олиш, бунга рози бўлмаганларга эса ҳатто жисмоний жиҳатдан йўқ қилишгача бўлган жазолар қўлланилди. Ҳокимият тепасига келган большевиклар хусусий мулкчиликни йўқотиш, бозор муносабатларини бекор қилиш, қадимдан шаклланиб келган иқтисодий қадриятларни ва чор мустамлакаси даврида эндигина пайдо бўла бошлаган бозор муносабатлари куртакларини пролетар маданияти билан алмаштиришни асосий мақсад қилиб олдилар.

Советлар ҳокимиятга келган дастлабки вақтларданок хусусий мулкка, мулкдорларга қарши сиёсат юрита бошлади. Йирик ер эгалари, саноатчилар, янги маҳаллий ва европа миллатига мансуб мулкдор ва тадбиркорларнинг жамиятдаги таъсири кучли бўлиб, бу большевиклар учун оғир муаммолардан бири эди. Улар ўз сиёсатини амалга оширишда мулкдор қатлами асосий қарши турувчи куч деб ҳисоблаганлар ва уларни эксплуататор – эзувчи синф сифатида талқин қилганлар. Уларни “душмант элемент”, “бой-эксплуататор”, “бой-қулоқ элементлари”, “чайқовчи” “буржуазия вакили”, “капиталист” ва шунга ўхшаш номлар билан атаб, кенг халқ оммасида уларга қарши нафрат уйғотиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Ҳужжатларда “бойлар” деган умумий ном остида атаб келинган мулкдорлар ва тадбиркорлар жамиятга фақат зарар келтирувчи синф сифатида кўрилиб, уларни тугатиш ва устидан муҳнаткашлар ҳокимиятини ўрнатилиши белгиланди. Бу мақсад совет ҳукуматининг қонунларида ҳам ўз аксини топган. Ушбу сиёсат дастлабки вақтларда мулкдорларнинг маълум бир ҳуқуқлари чекланишида, мулкларининг тортиб олинишида ўз ифодасини топди.

Туркистонда саноат корхоналарини национализация қилиш Марказий Россиядагига қараганда тезроқ суръатларда ўтказилди. Ўлкада мудофаа ва халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш турмоқлари биринчи навбатда совет давлатининг мулкига айлантилди. Тошкентдаги қўн ва металл ишлаш завод ва устахоналари, макарон фабрикаси, Асака, Каттақўрғон, Қўқон, Андижон, Скобелев (Фарғона), Янги Бухородаги электр станциялар, Тошкент, Қўқон, Самарқанд ва

Горчаково станцияларидаги ёғочозлик корхоналари ва омборлари, Самарқанд ва Жиззахдаги ғишт заводлари, Кўкон ва Скобелевдаги ипак курти уруғи заводлари, Туркистондаги барча виночилик, жунни вайта ишлаш, суғориш корхоналари ва транспорт жамиятлари 1918-1919 йилнинг биринчи ярмидаёқ давлат фойдасига мусодара қилинди[2].

1917 йил 26 октябрда қабул қилинган “Ер тўғрисида”ги декретда йирик ер-мулклар, подшо ва диний ташкилотлар ерлари жонли ва жонсиз инвентарлари, хўжалик бинолари билан бирга кишлоқ ер қўмиталарига ўтказилиши белгиланди. Бу бир томондан самарадорлик даражаси паст бўлган жуда ҳам йирик ер эгалигини тугатган бўлса, иккинчи томондан бу жараёнда кейинчалик ўрта ва кичик ер эгалигини ҳам тугатилишига, барча ерлар жамоа хўжаликларига ўтказилишига сабаб бўлди. Пировард натижада ер йирик мулкдор қўлидан худди шундай бошқа мулкдор – давлат қўлига ўтиб қолишига олиб келди, холос. Большевиклар ваъда қилгандай, ер барибир деҳқонники бўлмади, шакл ўзгаргани билан мазмун ўшалигича қолаверди. 1918 йил 27 январда қабул қилинган “Ерни умумий мулкка айлантириш тўғрисидаги асосий қонун”да бу яққол ўз ифодасини топди. Ер бозор муносабатларидан четга чиқарилди. Ерга расман кишлоқ хўжалиги коммунаси, ширкатлари, кишлоқ жамоалари қаторида ўз кучи ёки оиласи кучи билан ишлов бера оладиганларгина эгаллик қилиши айtilган бўлса-да, амалда барча кишлоқ меҳнаткашлари давлатга қарам қолхоз ва совхозлар ишчиларига айланди[3]. Махаллий партия ташкилотлари раҳбарлигида деҳқон депутатлари Советлари кишлоқларда бошланган аграр ўзгартиришларни давом эттириб, катта ер-мулкларни мусодара қилиш бошланди, “меҳнатсиз хўжаликлар” деб аталувчи тўқ хўжаликлар рўйхатга олина бошлади. Чунончи, 1918 йилда фақат Тошкент уездининг 11 волостидагина 12 минг десятина ери бўлган 174 та меҳнатсиз хўжалик ҳисобга олинди ва кўп қисмининг ери мусодара қилинди. Катта кўрғон уездида 3 минг десятинага яқин ер ҳисобга олиниб, 1560 десятинадан кўпроғи тортиб олиниб, ерсиз деҳқоналрга бўлиб берилди. Скобелев уездида 12315 десятина, Кўкон уездида 2235 десятина ер ҳисобга олиниб, камбағал деҳқон хўжаликларига тақсимлаб берилди[4]. Энг ёмони, “бой-қулоқлар”га қарши қаратилган кураш усуллари ўртаҳолларга ҳам қаратилди. Улар ҳам мулкдор сифатида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди, мулклари тортиб олинди, айрим ҳолатларда жисмоний жиҳатдан йўқ ҳам қилинди.

Кейинчалик Совет давлатининг таркибидаги республикалар, жумладан, Туркистон АССР конституцияси учун асос бўлиб хизмат қилган РСФСРнинг 1918 йилда қабул қилинган конституциясида “эксплуататорларни шафқатсизларча тугатиш” ҳақида сўз боради. Хусусан, ушбу конституциянинг 3-моддасида ерга эгаликда хусусий мулкчилик шакли бекор қилинади. Завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш корхоналари, умуман олганда барча мулк шакллари давлат мулкига айлан-тирилиши белгиланди. 23 моддада эса, “Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси ишчилар синфининг умумий манфаатларидан келиб чиқиб, социалистик инқилоб манфаатларига зиён етказадиган шахслар ва айрим гуруҳларни ҳуқуқларидан маҳрум қилади.” – деб аниқ кўрсатма берилди.[5] 65-моддага кўра, ёлланма ишчилар ва ўзгалар меҳнатидан фойдаланувчилар, корхона эгалари ва акциядорлар, хусусий савдогарлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этил-дилар[6]. Давлат ўзининг асосий вазибаларидан бири бўлмиш барча тоифадаги

фуқароларни химоя қилиш ўрнига синфларни бир-бирига қайраш, гиж-гижлаш, шу орқали мулкдорлар синфига қарши умумий қайфиятни шакллантиришга ҳаракат қилди ва маълум маънода ўз ниятига етди.

1920 йил сентябрь ойида РСФСР Конституцияси андозаси асосида қабул қилинган Туркистон АССР Конституциясида ҳам тадбиркор ва мулкдор қатламлар бир қанча ҳуқуқлардан маҳрум қилинганлар[7]. Ушбу конституциянинг “Актив ва пассив сайлов ҳуқуқи” деб номланган 5-бўлими 85-моддасига кўра эътиқоди, миллати, жойлашган ўрнидан қатъий назар 18 ёшга кирган ҳар икки жинс вакиллари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилади. Конституциянинг 86-моддасида эса сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинувчиларнинг категориялари кўрсатиб ўтилади. Ушбу модданинг қуйидаги бандларига кўра: а) фойда олиш учун ёлланган меҳнатга мурожаат қиладиган шахслар; б) меҳнатсиз эришилган фойда эвазига яшайдиган шахслар, масалан, капитал учун бериладиган фойзалар, корхоналардан олинган даромадлар, мулкдан олинган даромадлар ва бошқалар соҳиблари; в) хусусий савдогарлар, савдо ва тижорат воситачилари сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди[8].

1924 йил охиридаги миллий-худудий чегараланиш натижасида ташкил этилган ЎзССРда мулкдорларга қарши олдин юритилган сиёсат янада кескинлаштирилди. Бинобарин, РСФСРнинг 1925 йили қабул қилинган конституцияси андозасида 1927 йил март ойида Ўзбекистон Советларининг II курултойида ЎзССР Конституцияси қабул қилинди. Конституциянинг “Шўрога сайлаш тўғрисида”ги 6-бўлим 13-бобидаги 92-93-моддаларига кўра шунингдек, Ўзбекистон ССР МИКнинг 1927 йил 12 декабрдаги “Шўроларга сайловлар тўғрисида дастуруламаллар”да ҳам мулкка синфийлик назариясига асосланган ва “меҳнатсиз кун кечирувчи” ижтимоий қатламларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлари чекланди ва сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди[9]. Ушбу нормалар кўплаб қонун ва қонуности ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб борилди. Партиянинг ҳар бир съезди ёки Компартия МК пленумларида албатта совет ва партия органларида ўрнашиб олган “душман элементлар”, хусусан, собик саноатчилар, бойлар ва тадбиркорларни суриб чиқариш муҳокама қилинар, алоҳида қарорлар чиқариларди.

1925 йил 8-11 апрелда бўлиб ўтган Ўз КП(б) МК нинг II пленумида барча совет аппаратида сайловлардан олдин Конституцияга кўра сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсларнинг тўлиқ рўйхати эълон қилинсин деб қарор қилинади[10].

Бундан ташқари, совет аппаратида кириб қолган “ёт элементлар”дан тозалаб, Советларга қайта сайловлар ўтказиш таклиф қилинди. Намуна сифатида Мирзачўл уезди кўрсатиб ўтилиб, бу ерда советларни бойлар, муллалар ва бошқа “душман элементлар” эгаллаган олганлиги, уларнинг ўрнига камбағал ҳамда ўртаҳол деҳқонлар ва ишчилар вакилларини сайлаш учун қуйи совет аппаратида қайта сайловлар ўтказиш керак, деб синфийликка жуда кенг йўл очиб берилган.

Партия мулкдорлар ҳуқуқларини чеклаш сиёсати-дан аста-секин уларни таъқиб остига олиш ва керак бўлса, жамият ҳаётидан супуриб ташлаш томон ўсиб борди. Бу партиянинг кейинги резолюцияларда қарорларида ўз аксини топган.

1925 йил 24-28 сентябрда Самарқандда ўтказилган Ўзбекистон КП(б) МК IV пленумида “Ўзбекистонда советларни соғломлаштириш иши натижалари ва истикболлари” масаласи кун тартибида кўриб чиқилди.

Пленумда Ўзбекистон қўйи совет аппаратлари ишини жонлантириш ишида областларни икки турга бўлиш мумкинлиги қайд этилди. Биринчи турга кўнгидагидек ташкил этилган қўйи совет аппаратлари ва иккинчи турга эски тузум амалдорлари, бойлар, мулк эгалари, савдогарлар ва умуман олганда “антисовет элементлари” эгаллаб олган совет аппаратлари киритилганини ва бундайлар Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарёда кўп эканлиги таъкидлаб ўтилган[10]. Пленумда бундай районларда советларни бойлар ва мулкдорлардан шафқатсиз равишда тозалаш кампаниясини ўтказиш кераклиги белгиланди[10]. Бундан ташқари, большевик-лар барча кучларни қишлоқда синфий курашни авж олдириб, бойлар ва ер эгаларига қарши батрак, камбағал ва ўртахошлар фаоллигини оширишга йўналтириш зарур вазифа сифатида ўртага ташлади. Шу тариха қишлоқларда ҳам сунъий равишда синфий кураш авж олдирилди.

1925 йил 22-30 ноябр кунлари Ўз КП(б)нинг Самарқандда ўтказилган иккинчи съездида “қайта сайловлар орқали советларни бойлар ва рухонийлардан тозалашни охирига етказиш, Конституцияга мувофиқ сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, совет органлари ва партия аппаратидаги “ёт элементлар”ни доимо кузатиш ва фош қилиш ҳамда советлар орасига суқилиб кириб олган бой ва мулкдорлар устидан намунали судлар ўтказиш кўзда тутилган[10].

Қарорнинг мазмунидан кўринадик, мулкдорлар қатламга қарши қаратилган қатағонларни бошлашга амалий кўрсатмалар бериш ўша 1925 йилданок бошланган. Партия етакчилигида қўйи совет органларини тозалаш баҳонасида барча тадбиркорлар ва мулкдорларни рўйхатга олиш, бунинг натижасида улар эгаллик қилиб турган мулклар, ерлар ва савдо ва маиший бинолар, ишлаб чиқариш цехларини давлат ҳисобига мусодара қилиш кенг тус олди. Ўз-ўзидан маълумки ким партия томонидан сиқувга олинса, у ҳуқуқсиз фуқарога айланарди. Бошқа тизимлар каби суд-ҳуқуқ тизими ҳам амалда партия топшириқлари ижросисига айланди.

Қайта сайловлар авж олган 1926 йилда советлардан бойлар, қулоқлар, савдогарларни хайдаб чиқариш кенг тус олди. Ҳатто, ёшлар ташкилотларига мулкдор қатламнинг фарзандлари киритилмади. Бу синф вакиллари жамиятдан четга улоқтирилиб, қувғинга учради.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, 1926 йил 3-8 октябр кунлари Ўз КП(б) МК ва ЎзССР МИКнинг қўшма IV пленумида сайловлар қамровини янада кенгайтириш мақсадида ЎзССРдаги мавжуд 7 та област, 23 та уезд, 241 та волостини 10 та округ ва 87 та районга бўлиш бўйича тақлиф қўриб чиқилди ва бу маъмурий ўзгаришларни 1927 йил февралига қадар (сайловларга қадар – Ш.Х.) амалга ошириш белгиланди[10].

1927 йил бошидаги сайловларга кўра советлар таркиби 70-80% га янгиланди[10]. Республика ҳудуди бўйлаб тарғиботлар авж олди. Ўша вақтдаги республика раҳбарлари ҳам ўз нутқларида большевиклар позициясидан туриб фикр билдирдилар. “Бойларга солиқдан ҳеч енгиллик берилмайди, балки, ортиқ туширилади (солиқ миқдори кўпайтирилади – Ш.Х.), кооперацияга иштирок эттирилмайди, шўронинг яқинига йўлатилмайди, ҳуқуқат томонидан халққа бериладиган ҳар турли ёрдамлар уларга берилмайди”, “Советларнинг қонуни бўйича сайлов ва сайланув ҳуқуқига молик бўлмаган кишиларни, яъни бойлар, эшонлар ва бошқаларни сайловларга аралаштирмаслик керакдир”, - мазмундаги фикрлар халққа уқтириб борилди[11].

Бу бўйича амалий чора тадбирлар ҳам кўрилиб, 1925-1926 йилги сайлов кампаниясида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар 27 453 нафарни ташкил этди. Бирок партия ва ҳокимият вакиллари бу ишда суствашликка йўл қўйилгани ва шунинг оқибатида сайловлар натижасида мулкдорлар ва тадбиркорларнинг советларга сайланиш ҳолатлари кўп эканлигини таъкидладилар. Шу боис 1926-1927 йилги қайта сайлов кампаниясида “маҳрумлар” рўйхатини янада кўпайтириш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди. Бунинг натижасида 1926-1927 йилги сайлов кампанияси давомида 33 204 киши сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг катта қисми мулкдор қатлам, савдогарлар ва рухонийлар ҳиссасига тўғри келган бўлиб, ҳусусан умумий сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган-ларнинг 19.2% ини яъни 6375 нафарини савдогарлар ташкил этган[11].

1929 йилда Самарқандда сайловчиларнинг сони 86.981 кишидан иборат бўлиб, шундан 8772 киши сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар эди. Бу сайловчилар умумий сонининг 11,2% ини ташкил этган. Уларнинг аксарият қисмини “бой-қулоқ” элементлари, мулкдорлар ва рухонийлар ташкил этган[12].

Ўзбекистонда Совет ҳокимияти мустаҳкамланиб, мулкдорлар, завод ва фабрика эгалари, саноатчилар, савдогарлар ва тадбиркорлар иқтисодий асосидан маҳрум бўлгач ва улар амалда тугатиб юборилганидан сўнг, уларнинг ҳуқуқларини чекловчи нормалар ҳам конституция ва қонунлардан чиқарилди. 1936 йил 25 ноябрдаги СССРнинг янги Конституцияси 135-моддасига кўра сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинадиганлар рўйхатига фақатгина ақли заиф ва суд ҳукми билан сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар киритилган.[13]

Мулкдорлар ҳуқуқларининг поймол қилиниши сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан чегараланмай бошқа бир қанча ижтимоий-сиёсий ва фуқаровий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум қилиш, уларни турли уюшмалар ва жамоат ташкилотларига қабул қилмаслик каби тақиқлар ҳам қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди. Улар меҳнат қилишдан, адолатли меҳнат шароитларида ишлашдан, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқидан, тиббий хизматдан ва шунингдек, таълим олишдан ҳам мосуво қилинди. РКП(б) МКнинг 1921 йил августда бўлган навбатдаги пленумида айнан шу масала кўрилиб, бир қатор қарорлар қабул қилинди.

Шу билан бирга 1920 йил кузида қабул қилинган “Меҳнаткаш деҳқонлар уюшмаси Устави”нинг 8-қисми “а”, “б”, “в” бандларига кўра “даромад олиш учун ёлланма меҳнатдан фойдаланувчилар, капиталидан келадиган фойза, саноат корхонаси ёки мулкдан келадиган фойда асосида меҳнатсиз кун кечирувчилар, ҳусусий савдогарлар ва савдо воситачилари” уюшмага кириш ҳуқуқидан маҳрум қилиндилар[3].

1922 йил 15 мартда қабул қилинган “Қўшчи” иттифоқи тўғрисидаги Қонун”нинг 15-қисмига асосан юқоридаги тоифалар ташкилотга аъзо бўлиши мумкин эмас эди[14]. Бирок, қонунларда белгиланган тартибда мулкдорларни уюшма ва жамоат ташкилотларга киритмасликнинг иложи бўлмасди. Чунки, XX асрнинг 20-йилларида ҳам хали мулкдор ва тадбиркорлар, савдогарларнинг омма орасида таъсири юқори бўлган, шу боис айрим жойларда бу табақа вакиллари маҳаллий Советлар таркибига кириб қолган эдилар. Ана шундай советлар учун “ёт унсурлар”ни Советлар таркибидан чиқариб ташлаш, партия ва совет идораларида “тозалаш” тадбирлари ўтказилиб, улар ташкилотлар таркибидан батамом чиқариб ташланган. Масалан, “Қўшчи” ит-

тифокининг 1925 йил сентябридан 1926 йил мартигача бўлган даврдаги фаолияти юзасидан тайёрланган маърузасида “бой- қулоқлар ва савдогарлар” ташкилот фаолиятини орқага тортаётгани, уларни ташкилот сафидан чиқариш лозимлиги алоҳида таъкидланди ва ўтказилган “тозалов” ишлари юзасидан маълумотлар тақдим этилди. Унга кўра ташкилотнинг Тошкент вилояти бўлимларида ўтказилган “тозалов”да 1583 киши ташкилот сафидан чиқарилган бўлиб, уларнинг 858 нафари “бой-эксплуататор”, 398 нафари савдогар эканлиги кўрсатиб ўтилган. Самарқандда эса 1159 киши ташкилот сафидан чиқарилган, уларнинг 233 нафари “бой-эксплуататор”, 185 нафари эса савдогарлардан иборат бўлган[3].

- **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Хуллас, совет ҳокимиятининг дастлабки йил-

лариданок Туркистондаги большевиклар ҳокимияти хусусий мулкчилик ва тadbиркорликка қарши кескин кураш бошлади. Камбағал меҳнаткаш халқ оммаси манфаатини химоя қилиш шиорини ниқоб қилиб олган большевиклар амалда Туркистонда асрлар давомида шаклланган мулкчилик шакллари, ер эгаллиги муносабатларини барбод қилди. Йирик мулкдорлар, тadbиркорлар қатлами партия-совет идоралари томонидан “ёт унсур”, “эксплуататор синф” деб эълон қилинди ва уларга қарши кескин кураш бошланди. Мулкдорлар кўлидаги ишлаб чиқариш корхоналари, ер-сув, қишлоқ хўжалик жиҳозлари, озиқ-овқат захиралари мажбуран тортиб олинди, унинг эгалари қувғин қилинди.

АДАБИЁТЛАР

1. Голованов А.А., Саидов И.М. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX – первой трети XX вв. – Самарканд: 2007.
2. Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Учинчи том. 1917-1937 йиллар. Бош муҳаррир Мўминов И.М.. – Тошкент: Фан, 1971.
3. Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг.). Сборник документов. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1962.
4. Аминова Р.Х. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917–1920 гг.). – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1983.
5. <http://constitution.garant.ru/history/ussr-rsfsr/1918/chapter/dc8ac69baa61b785e8510c75c9714f10/>
6. <http://constitution.garant.ru/history/ussr-rsfsr/1918/chapter/0257344edab1af5a18841e154a3312f4/>
7. Ўзбекистон Мллий архиви (Ўз МА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 805-иш, 52-варақ.
8. Ўз МА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 805-иш, 52-варақ.
9. Расулов Б. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган дехқонлар аҳволи (1929-1959 йиллар). – Тошкент: Шарқ, 2012.
10. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК (1925-1937 гг.). Том 1. Сборник документов. – Москва: Политиздат, 1987.
11. Йўлдош Охунбобоев. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1976.
12. Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 6167-иш, 115-варақ.
13. www.constitution.garant.ru/history/ussr-rsfsr/3865986.
14. Ўз МА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 302-иш, 36-варақ.



Бобурбек ЭГАМБЕРГАНОВ,
Ўзбекистон халқаро Ислом академияси талабаси
b.egamberganov@mail.ru

Ўзбекистон халқаро Ислом академияси профессори,
социология фанлари доктори Ш.Содиқова тақризи асосида

THE HISTORY OF THE ORIGIN AND DEVELOPMENT OF THE IDEAS OF MONOTHEISM IN ANCIENT EGYPT IN THE XVIII-XVI CENTURIES BC, ITS INFLUENCE ON THE SOCIAL SYSTEM

Abstract

The scientific article covers ancient Egypt from 1348 to 1346 BC as the origin of monotheism. The history of the religious and political reforms of Amenhotep VI (Eхnaton), who ruled during this period, and its impact on the society of that time is studied. The rise of early monotheism to the level of state policy, the chronology of events, the importance of the social system, the emergence of the idea of monotheism in the living standards of the population, the history of its origin and its causes are discussed.

Key words: Amenhotep IV (Eхnaton), Thebes, monotheism, society, social system, Acetaton, Ancient Egypt, "Amarn period", population, rational life.

ИСТОРИЯ ПРОИСХОЖДЕНИЯ И РАЗВИТИЯ ИДЕЙ МОНОТЕИЗМА В ДРЕВНЕМ ЕГИПТЕ В XVIII-XVI ВВ. ДО Н.Э., ЕГО ВЛИЯНИЕ НА СОЦИАЛЬНУЮ СИСТЕМУ

Аннотация

В научной статье рассматривается Древний Египет 1348-1346 гг. До н.э. как объект зарождения монотеизма. Изучается история религиозных и политических реформ Аменхотепа IV (Эхнатона), правившего в этот период, и их влияние на общество того периода. Подъем первого монотеизма на уровень государственной политики, хронология событий, значение социальной системы, появление идей монотеизма в уровне жизни населения, история его возникновения и причины его возникновения.

Ключевые слова: Аменхотепа IV (Эхнатон), Фивы, монотеизм, общество, социальная система, Ахетатон, Древний Египет, «период Амарна», население, разумная жизнь.

ЭРАМИЗДАН ОЛДИНГИ XVIII-XVI АСРЛАРДА ҚАДИМГИ МИСРДА МОНОТЕИЗМ ҒОЯЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ, УНИНГ СОЦИАЛ ТУЗУМГА ТАЪСИРИ

Аннотация

Илмий мақола, монотеизмнинг келиб чиқиш объекти сифатида эраמידан олдинги 1348-1346 йиллардаги Қадимги Мисрни ўз ичига олади. Бу вақт оралиғида ҳукмронлик қилган Аменхотепа IV (Эхнатон) нинг диний-сиёсий реформалари тарихи ва уни ўша давр жамиятига кўрсатган таъсири ўрганилади. Илк яққахудоликнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, воқеалар хронологияси, социал тузумнинг аҳамияти, аҳоли турмуш даражасида монотеизм ғояларининг юзага чиқа бошлаши, илк келиб чиқиш тарихи ва унинг пайдо бўлиш сабаблари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Аменхотепа IV (Эхнатон), Фива, монотеизм, жамият, социал тузум, Ахетатон, Қадимги Миср, «Амарн даври», аҳоли, рационал ҳаёт.

Кириш. Аменхотепа IV (Эхнатон) – эраמידан олдинги 1375-1336 йилларда яшаган Қадимги Миср фиръавнларнинг XVIII сулоласи вакили, 1353-1335 йилларгача Мисрни бошқарган ҳукмдор. Отаси, фиръавн Аменхотепа III ва онаси, қиролича Тия томонидан Аменхотепа IV номи берилган бўлажак фиръавн болали-гидан отасига нисбатан адовати кучли бўлади.

Улар ўша пайтда қироллик хазинаси ҳисобига катта мулкка эга бўлишган. Отаси Аменхотепа III вафотидан кейин мустақил ҳукмдор бўлган Аменхотепа IV, бошда Амон худосига ҳурмат кўрсатган ва унга эътиқод қилган, манбалар ва қадимги иероглифларда унинг Амон-Рага ибодат қилиши тасвирланган. Бироқ тез орада фиръавн Аменхотепа IV диний ислохотларни амалга ошира бошлайди. Қадимги Мисрда янги фиръавнни монотеизм (яққахудолик) ни жорий қилишига сабаблар аниқ маълум эмас, лекин бир нечта вариантларни илгари суриш мумкин. Ўша пайтда Миср халқлари жуда кўп худоларга сиғинишган, ҳар бир шаҳар ўз худосига сиғиниши мумкин эди. Катта руҳонийлар, одамлар ва кўплаб худолар ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилишган.

Ҳукмронлигининг бешинчи йилида Аменхотепа IV олдинги исмини ўзгартиради ва ўзига Эхнатон яъни "Амон ундан мамнун" деган номни кўяди. Тарихий манба ва иероглифларда ҳам айнан шу номларда у тилга олинади. Аменхотепа IV (Эхнатон) – тарихда ёрқин ва ихтилофли шахслардан бири ҳисобланиб, ўз даврида дин реформатори (қадимдан келаётган анъанавий бутпарастлик ва кўпхудоликка қарши чиққан), иқтидорли шоир («Атонга Мадхия» си билан ўзини қобилятини кўрсатади), буюк бошқарувчи (ўша даврда барча стандартларга жавоб берадиган, аҳолиси 50 минг кишилик Ахетатон шаҳрини қурдирган), идеал сиёсатчи (конли урушлар, келишмовчиликлар даврида ҳам одамлар ва халқни бир мувозанатда ушлаб турган), ижтимоий гуманист (давлат сиёсати даражасида одамларни қурбон-лик қилиш одатлари каби ваҳшийликка барҳам берган) бўлган. Айнан шу хатлар билан бошқа Миср фиръавн-ларидан ажралиб турганлиги учун тадиқотчи олимларнинг унга бўлган қизиқиши ва иштиёқи баланд.

Ўзининг давлат бошқаруви даврида кўплаб сиёсий ва диний ўзгаришлар қилган, ижтимоий-диний соҳалар

бўйича қарорларни чиқарган ва революция киритганлиги учун ушбу тарихий ҳодисаларга «Амарн даври» дейилади.

Хукмронлигининг тўртинчи йилининг охирига келиб, Аменхотеп IV (Эхнатон) Атонни хукмрон фиръавн – худо деб эълон қилди, унинг исми энди бир-бирига қўшилган иккита қартуш шаклида ёзила бошлади. Мисрнинг маркази Нил дарёсининг ўнг қирғоғида янги пойтахт қурилиши бошланади. Янги пойтахтга Ахетатон яъни «Атон уфқи» номи берилади. Олтинчи йили, Аменхотеп IV (Эхнатон), Амоннинг руҳонийларидан ажралиб, сарой билан янги пойтахт – Ахетатонга кўчиб ўтади. Янги шаҳарни фаол тартибга солиш бошланди: деворларни бўйлаб, ибодатхоналарни қуриш, фиръавннинг ўзи учун ҳам, унинг аёли – Нефертити учун мақбаралар, таъаббат марказлари, бозорлар, қуллар майдони ва х.к. Жумладан, мансабдор лавозимларга тайинлашда ҳам ўзгаришлар бўлиб ўтди, аксарият лавозимларни камбағал қатлам аҳолиси бўлсада иқтидорли одамлар ўрин эгаллаган. Хукмронлигининг тўққизинчи –ўн иккинчи йилларидан бошлаб, ислоҳот энг жиддий тусга киради, фаолият соҳаларининг кўпини ўзгаришга қарор қилинади. Фиръавн энди қонун бўйича одатдагидек тасвирланмаган. Ёзиш пайтида улар қўчқор бошининг белгисини ишлатишни тўхтатдилар, чунки бу ҳайвон Амоннинг белгиси эди. Атондан бошқа барча худоларнинг исмлари йўқ қилинди: улар ёдгорликлар ва иероглифлардан ўчирилди ёки олиб ташланди. Аменхотеп IV (Эхнатон) Амон исмларини ўтмишдаги барча ёдгорликлардан ўчириб ташлашга буъоради, шунда у ўз халқининг хотирасидан абадий ўчиб кетиши мумкин деб ўйлайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мавзуни ўрганиб умумий-кичик тадқиқот олиб бориш мақсадида кўплаб манбалар ўрганилди. Хусусан, қадимий иероглифлар, суратлар, олимлар ва мисршуносларнинг кўплаб илмий тадқиқот натижалари, китоблари кўриб чиқилди. Шулар жумласидан, Қозон давлат маданияти ва санъат университети профессори, фалсафа доктори А.П.Федяевнинг илмий мақолаларида, Қадимги Мисрда политеистик тузумдан монотеизм ғояларга ўтиш эрампиздан олдинги XXV асрда бошланган. Ўша даврда фиръавнларнинг V сулоласи аъзолари (Усеркаф, Сахура ва б.) Амон-Рани битта ва ягона худо деб эълон қилишганлиги таъкидланади. Баъзи олимлар (К. Траунэскер, Д. Рэдфорд) Аменхотеп IV (Эхнатон) ва унинг фаолияти натижаларини салбий қабул қилишади (уни рухий касал деб ҳисоблаб Қадимги Миср цивилизациясининг ўлимига олиб келишига сабаб яратган деб ҳисоблашади), бошқалар эса (А. Вэйгал, Ж. Бреастэд, Б. Тўраев), аксинча, улар уни даҳо одам деб билишиб, дунёдаги биринчи идеалист, ўша замоннинг илк монотеизм асосчиларидан бири деб қабул қилишган. Замонавий олимларнинг фикрича, Аменхотеп IV (Эхнатон) таълимоти, унинг вафотидан кейин Мисрнинг маданий салоҳияти қуриб қолишига ва мамлакат энди ўзининг олдинги ҳолига қайтолмаслик даражасида ўзгаришларга сабаб бўлган деб таъкидлашади.

Архитектура фанлари номзоди, доцент Е.Н.Поляковнинг изланишларига кўра, Эхнатоннинг реформалари долзарб ва яхши ривожланаётган бўлсада охири фожеали тугайди. Аменхотеп IV (Эхнатон) нинг вафот этиши билан унинг валиаҳди Сменхкара, олдинги Амон таълимотини қайтадан тиклайди. Тутанхамон даврида эса Қадимги Миср пойтахти, ўзининг олдинги Фива шаҳрига кўчиб ўтади.

Тадқиқот методологияси. Мақола мавзуси бўйича тадқиқотни олиб бориш мақсадида, қадимги иероглифлар ва манбалардан кўриб чиқилди. Ундаги тарихий манбалар, ўша даврнинг хронологияси ва умумий

маълумотлари ўрганиб чиқилди. Ахетатон шаҳрида аҳолининг ижтимоий турмуш тарзи олдингидек давом этди, ўзгарган жиҳати диний ва сиёсий қарашлар эди. Инсониятнинг кейинги ривожланишида анъанавий бўлган ижтимоий институтлар тизимини яратди ва ишлаб чиқди. Табиийки, цивилизация ривожланиб борган сари ижтимоий институтлар тизими мураккаблашди ва такомиллашди, бироқ Қадимги Мисрликлар томонидан қўйилган шахсни социализация қилишнинг асосий институтлари сақланиб қолди, чунки улар ўз аҳамиятини ва асослигини тасдиқлади. Қадимги Мисрнинг асосий ижтимоий институтлари: оила, шаҳар, ибодатхона ва давлат эди. Мисрликларда оилани муқаддас деб билиш ғояси, дунёвий ижтимоий институт сифатида яратилгандан сўнг дарҳол туғилмаган. Мисрликлар, бошқа халқларга қараганда, оила бутун инсоният ҳаётининг асоси эканлигини тушунишган ва чуқур диндор одамлар сифатида, улар оилани илоҳий иноят нури билан ёритилишини ва унинг ғоялари остида оила қуришни зарур деб билишган. Оиладаги асосий шахс, шубҳасиз, ота бўлган. Аёли ва болалари уни оила бошлиғи (хўжайин сифатида) ҳурмат қилишган. У оиланинг боқувчиси ва ҳимоячиси бўлган. Оила аъзолари, отаси ва эрининг севгиси ва ҳурматини қозониш учун интилишган. Мисрлик эркакларнинг қабр тошларида марҳумнинг оиласи томонидан меҳр ва муҳаббатдан баҳраманд бўлгани ҳақида ёзувлар борлиги бежиз эмас. Аммо отанинг ўзи нафақат оилани моддий жиҳатдан таъминлаши, унинг боқувчиси ва ҳимоячиси бўлиши, балки оила аъзоларига меҳр ва эътибор билан муносабатда бўлиши, уларга адолатли бўлиши керак эди. Аёлнинг оиладаги мавқеъи унинг жамиятдаги ижтимоий мавқеъини белгилаб берган. Аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенглик, албатта, ўша пайтда бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди, лекин мисрликлар ҳаммага бу тенгсизлик шароитида аёлга хотин ва она сифатида қандай ҳурмат кўрсатиш кераклигини кўрсатганлар. Келинг, Қадимги Мисрда хотиннинг ижтимоий мақомига оид баъзи муҳим қондаларга эътибор қаратсак. Унинг асосий вазифаси - "хўжайини учун унмдор майдон" бўлиш, яъни болаларни ва биринчи навбатда эркакларни туғиш, чунки унинг ўғли, агар отаси ўлган тақдирда, отасига ғамхўрлик қилиши керак эди (биламизки, Қадимги Мисрликлар марҳумларга, худди тириклар каби катта аҳамият билан қарашган) ва бу кўп сарф-харажатларни ва вақтни талаб қилган.

Илоҳий тамойилларга асосланган Мисрнинг ижтимоий тизими муҳим муваффақиятсизликларга йўл қўймаган, аксинча, Миср жамиятини бирлаштирган, унда барқарорлик ва ижтимоий оптимизми сақлаб қолган. 3 минг йилдан кўпроқ вақт давомида мавжуд бўлган ушбу катта цивилизация ҳаётлигининг асосий шартларидан бири шундай социал тузумларга таянар эди.

Шуни ҳам белгилаб ўтиш керакки, айнан



Аменхотеп IV (Эхнатон) даврида Қадимги Мисрликлар Ахетатонга кўчиб ўтишгандан сўнг инсоният тарихида биринчи бўлиб мўл-кўллик, тартиб ва адолат тамойилларига асосланган ижтимоий фалсафани ишлаб

чикишган бўлишлари мумкин деган назариялар ҳам бор. Улар биринчи бўлиб одамларга қўйиладиган талаблар тизимини (ахлоқ кодексининг бир тури) ишлаб чиқиб, унга риоя қилиш Мисрликлар учун мажбурий қилиб қўйилган. Ўша даврда Мисрликлар биринчи бўлиб ижтимоий институтлар тизимини яратадилар ва уларнинг самарали ишлашини ташкил қиладилар. Бу функциялар асосида, худоларга яқинликни таъминлашга ва улардан бири сифатида фиръавни хурмат қилишга асосланган эди.

Таҳлил ва натижалар. Атон таълимоти билан олдинги Амон таълимоти бир-бирдан жуда фарқ қилган. Атон номи берилган худонинг тасвири бўлмаган ва олдинги худоларникидек одам ёки хайвонлар кўринишида умуман тасвирланмаган, у ҳақида ҳеч қандай миф ёки воқеа ифодаланмаган. Атон – демиург, инсониятнинг, наботот ва хайвотот, умуман ҳаётнинг асосчиси бўлган. Умумий қилиб айтганда Атон, ўзида барча универсал сифатларга эга худо деб таърифланади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Қадимги Мисрликлар жамиятида – оила, ижтимоий институтлар тизимида алоҳида рол ўйнаган, уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, оила ҳам жамиятнинг бошланғич нуқтаси, ҳам диндор шахс шаклланидиган кичик ибодатхона эканлиги каби ғояларни илгари суришган. Ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилган ҳаётнинг фалсафий ва диний-социал асослари, жиддий илмий изланишларни талаб қилганлиги боис, айнан шу давр бўйича тадқиқотлар ҳозирги кунгача давом этмоқда. Юз йилдан кўпроқ вақт давомида турли мамлакатлар олимлари Қадимги Мисрда давлатчилик пайдо бўлган даврга бўлган кизиқишлари давом этмоқда. Уларнинг кизиқишини айнан шу уйғониш давридаги одамлар онгида туб бурилишлар содир бўлганлиги ва бутун Қадимги Миср тарихига таъсир кўрсатган энг муҳим жараёнлар содир бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тарихи нуқтаи назаридан, бу давр алоҳида кизиқиш уйғотади, чунки айнан ўша пайтда давлат аппаратининг асосий тузилмалари шакллана ва кенгая бошлайди, бу эса ўз навбатида бошқа қадимги цивилизация давлатлари олдида етакчилик қилишини таъминлаган.

Диншунослик муаммоларини ўрганадиган социолог учун, умуман социология учун, Қадимги Миср алоҳида эътиборга олиниши керак, чунки унда ижтимоий институтларнинг фаолияти ва ривожланишининг ноёб тажрибаси мавжуд. Аслида, Қадимги Миср инсоният тарихидаги биринчи ижтимоий давлат бўлиб чиқди, унинг ижтимоий барқарорлиги ва мустаҳкамлиги замонавий ижтимоий давлатларга хос бўлган ташки конун кучига эмас, балки либерал демократик эътиқодга асосланган эди. Социализм субъектининг давлат тузуми шундай

бўлиши кераклигига, Худо уни одамлар учун қандай яратганига - ички фаровонлик, тўлақонлилик, адолат ва ҳақиқатни сақлаш учун таянч бўлишигига айнан шу давр катта мисол бўла олади. Агар либерал-ижтимоий давлат мафкураси давлат конунининг диктатураси ва таникли либерал тамойилларга асосланган бўлса, унда Миср давлатчилиги мафкураси илоҳий конуннинг дахлсизлиги, юқори даражадаги социал жамиятнинг яхши ривожлангани ва ижтимоийликдан келиб чиққан бўлади.

Аменхотеп IV (Эхнатон) нинг ўлим сабаблари номаълум. Эҳтимол, у заҳарланган бўлиши мумкин деган қарашлар бор, чунки иероглифлардан бирида унинг ҳаётига суиқасд қилиниши тасвирланган. У ўзи қурдирган янги пойтахт Ахетатондан бир неча километр шарқдаги қояларга ўйилган қабрига дафн қилинган. Кейинчалик, Аменхотеп IV (Эхнатон) KB55 қабридаги мумияси Шохлар водийсининг некрополига кўчирилади. Ўша даврда, Мисрликлар Аменхотеп IV (Эхнатон) ва Ахетатон шаҳри билан боғлиқ қўшлаб ёдгорликларни йўқ қилишган, бу эса мумияларни аниқлашни қийинлаштирган. Эдвард Айертоннинг 1907 йилдаги генетик ва генеалогик текшируви шуни кўрсатдики, KB55-даги одам Тутанхамоннинг отаси яъни Аменхотеп IV (Эхнатон) бўлиб чиқди. Аменхотеп IV (Эхнатон) вафотидан сўнг, янги пойтахти Ахетатон, аҳоли томонидан ташлаб кетила бошланди ва шаҳар шу билан кулаб, сахро ичидаги ташландик обидаларга айланиб қолди.

Қадимги Мисрда монотеизм асосчиси бўлган фиръавннинг ушбу яккахудоликка асосланган таълимоти «Атонизм» деб номланди ва бу таълимот бўйича ва унга асос солган фиръавннинг ҳаёти, унинг номи, барча қадимий ҳужжатлардан, обидалардан ва иероглифлардан ўчирилиб яна олдингидек кўпхудоликка асосланган Қадимги Миср тикланди.

Хулоса ва тақлифлар. Аменхотеп IV (Эхнатон) ва унинг таълимотлари ҳақида илмий изланишларнинг барчасини сарҳисоб қилиб, хулосага келсак, у монотеизмнинг шаклланишида "Қадимги Миср версияси"ни яратишга муваффақ бўлган даҳо бўлган. Аммо Атон ҳақидаги таълимотдан олдин нима бўлган? Бунинг келиб чиқишига нима сабаб бўлгани, ўз ота-боболарининг дини ва эътиқодидан воз кечишга, монотеизм яъни яккахудоликни давлат сиёсати даражасида ўрнатишга Аменхотеп IV (Эхнатон) да нима сабаблар бўлгани ҳозирги кунгача ўрганилмоқда. Ушбу масала ихтилоfli ҳисобланиб, унинг сабабларини ўрганиш ва тадқиқ этиш, агар натижа олинган тақдирда, бу илм-фан оламида кутилаётган энг катта натижалардан бири бўлиши мумкин. Аммо, бу ҳақда ҳозирда аниқ маълумотлар йўқ, аммо воқеаларнинг ривожланиш мантигини, шахсларнинг тарихдаги ролини ва бўлиб ўтган воқеаларнинг изоҳини тушунишга имкон берадиган билвосита далиллар мавжуд.

АДАБИЁТЛАР

1. Федяев А.П. науч.ст. Эхнатон и культура древнего мира.
2. Райкина Е.Н. курс.р. Религиозно-политическая реформа Эхнатона.
3. Von Beckerath J. Handbuch der ägyptischen Königsnamen. — München: Deutscher Kunstverlag, 1938-314 p. — (Münchener ägyptologische Studien).
4. Перепёлкин Ю.Я. История Древнего Египта. — СПб.
5. Швечиков А.Н. Религиозный смысл социальных институтов древнего Египта.
6. Швечиков А.Н. Философско-религиозный смысл социальных институтов древнего Египта.
7. Солкин В.В. Эхнатон.// Древний Египет, Энциклопедия. — М., 2005
8. Donald B. Redford, Akhenaten: The Heretic King. Princeton University Press, 1984
9. Матье М. Э. Во времена Нефертити. — М., 1965.
10. Поляков Е.Н. Развитие традиций солнечного культа в древнеегипетской архитектуре периода нового царства. ВЕСТНИК ТГАСУ 2006.
11. О.А.Заплетнюк. Пограничные стелы "Позднего провозглашения" в Ахетатоне.